

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:336. __

ҚАРАЕВ ФЕРУЗ ФАХРИДДИНОВИЧ

**БАНК КАПИТАЛИНИНГ АУДИТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

Мутахасислик: 5A230702- «Банк ҳисоби ва аудит»

Магистор академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. У. Ортиқов

ТОШКЕНТ-2015

Диссертация Тошкент Молия Институтини «Банк ҳисоби ва аудит»
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. У. Ортиқов

Кафедра мудири в.б.б.:

Т. Болтаев

**Магистратура бўлими
бошлиғи:**

и.ф.н., доц. У. Ортиқов

	МУНДАРИЖА	
	КИРИШ.....	3
I БОБ.	БАНК КАПИТАЛИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ...	7
1.1.	Тижорат банкларида аудит хизматини ташкил этиш асослари.....	7
1.2.	Банк капиталининг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари.....	20
	I боб бўйича хулоса.....	46
II БОБ.	БАНК КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЕТАРЛИЛИГИ АУДИТИ.....	48
2.1.	Банк капиталини шакллантириш ва ўзгартирилишининг тўғрилигини аудит қилиш.....	48
2.2.	Тижорат банклари капиталининг етарлилиги аудити.....	67
	II боб бўйича хулоса.....	87
III БОБ.	БАНК КАПИТАЛИНИ АУДИТ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	88
3.1.	Тижорат банкларида аудити хизматини ташкил этишни такомиллаштириш.....	88
3.2.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк капитални аудитини такомиллаштириш йўллари.....	104
	III боб бўйича хулоса.....	121
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	123
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	128

КИРИШ

Тадқиқот мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига босқичма-босиқ ўтиш билан боғлиқ янги иқтисодий муносабатлар бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этиш ҳамда уларнинг услубиётини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимининг барча элементлари янги иқтисодий муносабатларига мослигини таъминлашга қаратилган энг муҳим тадбирлардан бири банкларда ички аудитни ташкил этиш, хусусан капитал аудитини ва унинг услибиётини такомиллаштиришдир.

Шундай шароитда республикамызда банк тизимининг истиқболли ривожланиши мазкур фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган муаммолар аудити ва таҳлилини самарали ташкил этиш, уларнинг ечимини илмий асосда ҳал қилиш алоҳида аҳамиятига эга. Ушбу объектив жараёнларнинг барчаси банк, хусусан, тижорат банклари тизимида ички аудит, услибиётини такомиллаштиришни, унинг бозор муносабатларига асосланган, эркин иқтисодиётга мос назарий-услубий ва ташкилий муаммолари мажмуасини тадқиқ этишни тақазо этади. Юқоридаги таъкидлангалар мазкур тақиқот иши мавзусининг йўналиши ва долзарблигини белгилайди.

Бугунги кунда энг долзарб муаммо-бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборот. Шу ўринда Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатига сабаблардан бири сифатида жаҳонда банклар устидан назоратининг сустрлашиб қолганлигини қуйидагича изоҳлаганлар: “Авж, олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни пайтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган

банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.”¹

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов бу хусусда тўхталиб, жумладан шундай деган эдилар: «Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш, уларга янада кўпроқ мустақиллик бериш, банкларнинг ўз активларини ва устав фондини кўпайтириш, сармоялаш имкониятларини ошириш муаммоларига катта эътибор бераётганимиз бежиз эмас, албатта. Нега деганда, банк капитали орқасида ўз активларининг кўпайишидан, банкларнинг самарали ишлашидан, фойда кўришидан манфаатдор бўлган ҳақиқий мулкдорлар туриши, айниқса, улкан аҳамиятга эга»².

Ушбу таъкидлаб ўтилган сўзларнинг ҳақиқатда амалга оширилаётанинг амалдаги исботини Президентимиз И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қуйидаги рақамлар билан асослаб берди: “Банк тизимидаги ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.”³

Бозор иқтисодиёти банк тизимига ўзгарувчан иқтисодий инфратузилмадаги муаммоларнинг келиб чиқиши сабабларини чуқур таҳлил этиш, унда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш вазифасини юклайди. Тижорат банклари ўз капиталини мунтазам ошириб бориш, активларини самарали бошқариш, ликвидлик кўрсаткичини камайтирмасдан даромад ўсишини таъминлашлари

¹ И.А. Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралири» Ўзбекистон, 2009 йил. 5 бет.

² Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, 32-бет.

³ Каримов И.А. “ 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир ” – Т.: Ўзбекистон, 2015 й.

талаб этилади. Банк фаолиятини оқилона бошқариш учун эса, бошқарув ходимларининг иқтисодий билимларини мунтазам ошириб бориш лозим.

Ушбу масалага Президентимиз И.А.Каримов ўз муносабатини қуйдагича билдирган: “Аудиторлик текширувлари кўп ҳолларда юзаки ва паст профессионал даражада ўтказилади, аудит тизимининг ўзи молия бозорида ҳали етарлича ишонч қозонган эмас». ⁴ Аудит ва назорат тизимида ечилмаган масалалар талайгина ва танланган мавзу мазкур муаммоларни бартараф этишга бағишланган.

Тадқиқот мақсади банк капиталнинг аудитини таҳлил қилиб унинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга мувофиқ қуйидаги **вазифалари** белгилаб олинди:

-банк фаолиятини тартибга солиш механизмининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ;

-хорижий мамлакатлар банк назоратида фойдаланилиётган CAMELS рейтинг тизими амалиётини таҳлил қилиш ва ундан мамлакатимиз банк тизимида ижобий фойдаланишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

-назорат ва аудит фаолиятига таъсир этувчи рискларни аниқлаш ва уларни олдини олишнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаш;

-инспекциянинг узвий давомийлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари назоратида аудит амалларидан фойдаланиш йўллари аниқлаш;

-Ўзбекистонда банк капитали аудити таҳлили ва уни такомиллаштиришнинг устивор йўналишларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тижорат банклари капитали аудити бўйича вужудга келадиган молиявий муносабатлар.

Тадқиқот ишини илмий янгиликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

⁴ Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелидаги ПК-615-қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.-Тошкент,2007.-№15.20 б.

-Марказий банк тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда капитал аудитининг назарий ва амалий таҳлил қилиниб, улардаги мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф қилиш юзасидан амалий таклифлар берилди;

-Марказий банк томонидан тижорат банкларнинг капиталини етарлилигини аудит қилишни такомиллаштиришни таъминлаш зарурлиги асосланди;

-Банклар фаолиятини тартибга солишда назорат ва аудит механизмининг туташ элементлари моҳияти очилган;

-назорат ва аудит фаолиятидаги рисклар, уларни бошқариш имкониятларининг янги йўналишлари аниқланган;

-аудитнинг халқаро тажрибасида мамлакатимиз банк тизимида амалиётга тадбик этиш йўллари аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот ишида олинган илмий таклиф ва амалий ғоялар назорат тизими ва аудит фаолиятини такомиллаштириш имкониятини беради. Марказий банкда банклар ва банкдан ташқари кредит ташкилотларини назорат механизмида банк назорати ва аудиторлик соҳасини фаоллаштириш, ва самарадорлигини оширишда, капитал аудитини ўрганишга оид махсус курсларни ишлаб чиқиш, олий ўқув юртларида ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

I БОБ. БАНК КАПИТАЛИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Тижорат банкларида аудит хизматини ташкил этиш асослари

Республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиш янги шароитида фаолият кўрсата оладиган тижорат банклари тизимини шакиллантиришни тақазо этди. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар натижасида турли мулкчиликка асосланган тижорат банклари тизими вужудга келди. Халқаро тажрибага таянган ҳолда банк тизимининг ислоҳ қилиниши натижасида халқаро стандартлар талабларига кўра, уларнинг бошқарув инфратузилмаси, назорат тизимини шакиллантириш билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишга эришилди. Базель кўмитасининг талабларига биноан банк бошқаруви фаолияти ва назорати тизимини эволюцион йўл билан такомиллаштириш борасида ягона давлат сиёсати юргизилиб қатор меъёрий ҳужжатлар мажмуи яратилди. Натижада банк амалиётига ташқи назорат мониторинги ва мустақил аудит каби тушунчалар кириб келди.

Шу муносабати билан банк тизими ички назоратни олиб бориш, унинг шакли, усули ва услубларини танлашга, бошқарув тизими қарорлари ва молиявий ҳисоботлари текширув тизимини таъминловчи қарорлари ва молиявий ҳисоботлар текшируви тизимини таъминловчи ички аудитни ташкил қилишга катта эътибор берилмоқда.

Ҳозирги замон иқтисодиётида, ишлаб чиқариш тизимида, молия ва банк соҳасида, умуман, барча соҳаларда аудиторлар фаолиятидан кенг фойданилади. Ҳаётимизнинг ҳамма тармоқларида улар хизматига эҳтиёж сезилади.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов маърузаларида “Мамлакатимизда ривожланган замонавий иқтисодиёт барпо этишнинг муҳим шартларидан бири, унинг жаҳон иқтисодиёт тизимига интеграциялашувидир. Ушбу жараёни амалга ошириш эса иқтисодиёт субъектларининг фаолиятини, ҳисоб ва ҳисоботлар ҳамда аудит тизимини

жаҳон андозаларига кўтаришни тақозо этади”⁵. Бунда Президентимиз “жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви»га асосий эътибор қаратилишини, хусусан аудит тизимини такомиллаштиришни назарда тутганлар.

Аудит иқтисодиёт фани босқичида ўзининг маълум тарихига эгадир. Хорижий олимларнинг фикрига кўра «аудит» – латинча сўз бўлиб, “ўзим эшитаман”, “тинглайман” деган маънони билдиради.

Банк аудитига олимларнинг ҳар турли таърифлари мавжуд. Жумладан, «Банк аудити – банк ва нобанк (банк ҳисобланмаган) кредит-молиявий ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботи, унинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги, белгиланган қоида-норматив актлари талаб даражасидалиги, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларига мувофиқлигини текширувчи мустақил фаолиятдир».⁶

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг «Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот, банкларни назорат қилиш» деб номланган VI бобида банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланиши, Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб бориши айтилган. Қонуннинг 43-моддаси бутунлай аудитга бағишланиб, унда шундай дейилади «Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, рискни ва ликвидлиликини ўлчашни ўз ичига олади. Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт».

⁵Каримов И.А. Ўзбекистон; миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1-жилд. 1996 й. 264 –265-б.

⁶ Шидловская М.С. Банковский надзор и аудит. –Минск. Вышэйшая школа, 2003 г, 3 стр.

Ўзбекистонда банк аудитига бунчалик катта эътибор қаратилаётганининг ўз сабаблари бор. Чунки давлат назорати органларининг тижорат банкларининг операцияларни ўтказиш ва уларнинг ҳисобини расмий жихатдан олиб боришига қўйиладиган барча талабларга риоя этилиши мамлакат кредит тизимининг сифати ва ишончлигини таъминлайди. Бу талаблар, биринчи навбатда, банкларга жалб этилган омонатчилар ва мулкдорлар капиталининг йўқотишлар, рискни бартараф этиш ёки уни энг паст даражага тушириш шарти билан банк операцияларининг даромадлигини мақбул даражада таъминлашга қаратилган.

Тижорат банкларини аудит қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида” ги 24.06.2000 йил № 403 сонли янги таҳриридаги низоми, “Тижорат банкларига ички назорат ташкил этишга оид тавсиялар” Ўзбекистон Республикаси Марказий тавсиялари, “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги янги таҳриридаги низоми ва бошқа аудит ҳақида низом, банк ҳамда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Банк тизимидаги ислохотларнинг чуқурлашуви молиявий ресурсларни оқилона бошқариш усуллари ва воситаларидан кенгроқ фойдаланиш, тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштиришда эса бевосита ва билвосита назорат воситаларини кенг қўлланишини тақозо этади. Шу боис Марказий банк тижорат банклари ва уларнинг филиаллари молиявий-хўжалик фаолиятини вақти вақти билан мунтазам назорат қилиб туришга катта эътибор қаратмоқда. Дунё банкчилик тажрибаси кўрсатишича, тижорат банклари барқарорлигини сақлашда ташқи ва ички аудит катта аҳамият касб этади. Марказий банкнинг ички ва ташқи аудитни

кучайтиришига нисбатан кўяётган қатъий талаблари назорат органлари ва молия-кредит муассаларининг ўз зиммаларига юкланиётган вазифаларини сифатли ва ўз вақтида бажаришга шароит яратмоқда.

Шуни такидлаб ўтиш керакка ички ва ташқи аудит бир биридан фаркланади, бу борада иқтисодчи олимлар С.Норқобилов ва О.Абдусаломова шундай фикт юритган: “Ички ва ташқи аудитдан кутилган асосий мақсад, кўп жиҳатдан ўхшаш бўлиб, наозрат қилиб боришдан иборат. Бироқ улар ўртасида муайян фарқлар ҳам борки, бу аудитор характериға боғлиқ. Ташқи аудит ҳисобот тизимни баҳолаш, банкнинг актив ва пасивларини баҳолаш ва текшириш, мавжуд ички назорат тизимини тестдан ўтказишдан иборат. Ташқи аудит текшириладиётган банкнинг тақдим этган ҳисботи ва баланслари ҳақиқатға тўғри келадими ёки йўқми, унинг молиявий аҳволи ва муайян давридаги фаолияти натижаларини баҳолашдан иборат. Четдан тақлиф этилган, мустақил аудиторлик фирмалари томонидан тайёрланган хулосалар юқори ташкилотларига, акциядорлар, кредиторлар ва ҳоказоларға мўлжалланади ва ундан ички аудиторлар ҳам фойдаланилади.”⁷

Ички аудит ташқи аудитға нисбатан белгиланиши ва ташкил этилишға қараб, бошқача характери, мазмунға эға бўлади. Ички аудит банк доирасида мустақил бўлинма сифатида банк фаолиятининг ҳар кунги фаолиятини текширувидан ўтказиб боради. Умум томонидан қабул қилинган қоидаларига кўра, ички аудит банкининг ўз мажбуриятларини самарали бажаришға хизмат қилади, яъни биринчи навбатда муаммоларнинг эндиғина вужудға келаётган даврида аниқлашға йўналтирилган бўлади. Ички аудит бошқарув қуроли, банк операцияларининг ички кучлари ёрдамида жуда яқиндан кузатиш имконияти бўлиб, бошқарув мақсадға эришиш кафолатидир. Бунинг учун ички аудит хизмати бошқарувини бажарилган анализ натижалари ҳақидаги ахборот билан таъминлаб, бўлинмалар фаолиятини, ҳар хил йўриқларни таҳлил этиб, уларға юзаға чиқаётган муаммоларни бартараф

⁷ С.Норқобилов, О.Абдусаломова “Банкларда аудит” Тошкент “Маънавият”, 2005 й. 81 б.

қилиш бўйича тавсиялар бериб боради. Ички аудит хизмати ходимлари ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда иш юритади.

Ички аудит натижалари банк раҳбарлари томонидан амалдаги қонунлар доирасида мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда жорий ишларни бошқаришда фойданалинади. Шу тариқа ички аудит ташкилотларининг ўз мақсадга эришиши учун хизмат қилади. Банк фаолиятининг ички аудити вазифалари юқорида саналганлардан фарқ қилмайди, аммо банк фаолиятининг хусусиятлари, банк маҳсулотлари, бухгалтерия ҳисоби, ишни ташкил этиш жараёни, таввақалчилик омилларининг кўплиги билан ўзгача хусусиятга эгадир.

Демак, **ички аудит** - банк ходимларининг ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш мақсадида банк фаолиятини текшириш ва баҳолаш учун банк ичида доимий асосда тузилган мустақил экспертиза. Ички аудитнинг асосий мақсади бўлиб, ички аудит хизмати томонидан банк раҳбариятига банк фаолиятининг назароти ва натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банк Кенгаши ва Бошқарувига банк фаолияти мақсадига эришишида кўмаклашиш ҳисобланади.

Ички аудит хизмати эса - банкда ички назорат ҳолатини, жумладан молия-ҳўжалик фаолияти самарадорлиги, ҳисобнинг ишончилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит) ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек банк операцияларининг самарадорлиги ва ишончилигини ошириш бўйича банк Кенгашига маслаҳатлар берувчи мустақил таркибий тузилмадир.

Ички аудит жараёнида топшириқларнинг бажарилиши турли-туман бўлиб, унинг мақсади ва ташкилот фаолияти характериға боғлиқдир. Қўйилган вазифаларни ҳар хил мезонларға суянган ҳолда турли йўллар, ҳар

хил теранликлар ва деталлар билан ечиш мумкин. Бунда стандартлар катта ўрин тутди.

Давлат аппарати ривожланган мамлакатларда аудит муаммоларига, жумладан, ички аудитга катта эътибор берилади. Шу ўринда назорат қилиш юқори инситутларининг халқаро ташкилоти The International Organization of Supreme Audit Institutions (INTOSA) бўлиб, унга АҚШ, Англия, Япония каби ўнлаб мамлакатлар аъзодир. Халқаро ички аудиторлар инситути The Institution of Internal Auditors (IIA) ҳам мавжуд. Бу йўналишда ҳукуматнинг махсус ташкилотлари, масалан, АҚШда (General Accounting Offis) иш олиб боради. Бу каби идораларнинг ҳар бирида аудит стандартларини ишлаб чиқадиган махсус бўлинмалар мавжуд. Бу стандартлардан кутилган мақсад ички аудитнинг аҳамияти ва маъсулиятини тушунтириш, ички аудит бўйича бошқарув учун асослари яратиш ва ишларни меъёрлаштириш, ички аудитни ўтказиш тажрибасини такомиллаштиришдан иборат. Стандартларнинг асосий принципларига мустақиллик ва объективлик, профессионализм, иш ҳажми, аудиторлик топшириғини бажариш, ички аудит бўлимини бошқариш киради.

Ўзбекистонда тижорат банкларида ички аудитга қўйиладиган талаблар Марказий банкининг 2000 йил 24 июнидаги «Тижорат банкларида корпоротив бошқарув тўғрисида»ги ва 13 март 2004 йилдаги “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги низомларида белгилаб берилган. Ана шу асосда ҳар бир тижорат банкида мустақил ички аудит хизмати ташкил этилган ва улар ўз фаолиятини Марказий банк талаблари даражасида ташкил этганлар.

Аудит хизматлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда ўз низомлари асосида олиб боради.

Аудит хизмати, бугунги кунда, айтиш мумкинки, тижорат банки ва унинг барча филиалари ва бошқа таркибий тузилмалари фаолиятининг

истикболлари ва мақсадларига эришишда ҳақиқий кўмакчи бўлмоқда. Аудит хизмати мустақил таркибий тузилма бўлсада, ўз фаолиятининг банкнинг бошқа мустақил бошқармалари билан ҳамкорликда олиб боради. Аудит хизмати бевосита Банк кенгаши ва унинг аудиторлик қўмитасига бўйсунди. Аудит хизматининг таркибий тузилиши ва штат бирлигини ҳам Банк Кенгаши тасдиқлайди.

Бош аудитор (аудит хизмати раҳбари) Банк кенгаши қарори билан тайинлайди ва ўз лавозимидан озод этилади. Аудит хизматининг бошқа ходимлари банк кенгаши раиси томонидан бош аудитор тавсиясига асосан тасдиқланади. Аудит хизмати банк кенгаши томонидан ишлаб чиқилади ва банк кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Фақат банк кенгаши аудит хизматининг харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари банк кенгаши томонидан ўрнатилади.

Ички аудит хизматини йўлга қўйишдан кутилган мақсада ички назорат тизими, жумладан, молиявий ҳисоботларини тузиш устидан назорат ўрнатишдир. Ички аудит томонидан банк фаолиятини, бошқарув жараёни сифатини ошириш, банк фаолиятини янада яхшилашга йўналтирилган объектив баҳо ва маслаҳат бериш банкнинг молиявий бозоридаги ўрнини мустаҳкамлашга олиб келади. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш банк кенгашининг зиммасига юклатилган бўлиб, ички назоратнинг самарадорлиги билан боғлиқ масалаларини вақти-вақти билан кўриб боради, банкдаги ички назорат аҳолини банк менежерлари, ички ва ташқи аудиторлар билан муҳокама этади, ички ва ташқи аудиторлар, назорат муассаларининг банкда аниқланган камчиликларини бартараф этишдаги таклифларининг банк раҳбарлари томонидан бажарилишини таъминлайди, мавжуд таваккалчилик ва лимитларининг банк стратегиясига мос келишини кузатиб боради. Банк раҳбарияти ходимларининг ўз бурчларини оғишмай бажаришини таъминлайдиган ваколат ва маъсулиятини аниқ белгилаб бериш керак. Чунки банк таваккалчиликларини мониторинг қилиш учун биринчи навбатда банк раҳбарлари жавобгардир.

Ички аудит ўз фаолиятининг мақсадларига эришиш учун асосан қуйдаги вазифаларини бажаради:

- Банк кенгаши аудити текширувларига асосланган банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва банкнинг ички назорати тизими самарадорлиги тўғрисидаги аниқ ва мустақил (холис) маълумотлар билан таъминлаб боради;

- ички аудит тизимининг самарадорлигини ва аудит текширувини ўтказишга доир қабул қилган тартиб ва тадбирларнинг амалда қандай қўлланилиётганлиги ва таъсирчанлигини баҳолайди ва таҳлил қилади;

- банк фаолиятида кўзланаган мақсадларга эришиш учун қўлланилган маъмурий ва амалий тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилади;

- таваккалчиликларни бошқаришга ва уларни баҳолаш услубларига доир тартибларининг қўлланилиши ҳамда уларнинг самарадорлигини таҳлил қилади;

- молиявий маълумотлари тизимини, жумладан, электрон маълумотлар тизими ва электрон банк хизматларини таҳлил қилади;

- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларининг ишончлиги ва ҳаққонийлигини таҳлил қилади;

- банк фаолиятининг амалдаги қонун ва Марказий банкинг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолайди;

- Банк кенгаши томонидан қабул қилинган ички сиёсатлар ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилишни текширади;

- доимий ҳисоботларнинг тўлиқлиги, ишончлиги ва ўз вақтида тақдим қилинишини текширади;

- бухгалтерия китоби ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини ўрганади;

- капитал таркиби ва етарлилиги, активлари сифати ва ссуда портфелини таснифлаш асосида захиралар ташкил қилинишини, баланс ва балансдан ташқари моддалар таркибидаги ўзгаришлар ҳаракати ва жиҳатларини, бош банк томонидан тасдиқланган молия режаси ижросининг бажарилишни,

даромадлар таркибидаги балансининг асосий жиҳатларни, бошқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилади;

- Банк кенгаши талабига асосан махсус текшишлари ўтказди ёки махсус текширишлар ўтказишга ёрдам беради.

Шунингдек, аудит хизмати:

- банк ходимларига уларнинг ўз вазифаларини самарали бажаришда кўмаклашиш;

- ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни жорий аудитидан ўтказиш;

- бухгалтерия, амалиёт ва маъмурий назорат тизимининг монандлигини баҳолашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ички аудит хизмати:

1. Ўзаро тажриба алмашиш ва малака ошириш мақсадида бошқа тижорат банклари ва ташкилотларининг ички аудит хизматлари билан ҳамкорлик қилади.

2. Маълумотларни алмашиши орқали ички аудит ходимлари ташқи аудиторларга ёрдам беради ва уларнинг ишида кўмаклашади.

3. Ўтказилган аудит текширувлари материалларини умумлаштириш ва аудиторлик қўмитасига текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

4. Аудит ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Банк кенгаши ва Бошқарув томонидан қабул қилинган қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши устидан доимий назорат олиб боради.

Аудит хизматини бошқариш. Аудит хизматига Банк кенгаши томонидан тайинланган бош аудитор раҳбарлик қилади. У аудит ўтказишни режалаштиради, сиёсат ва жараёнларини белгилайди, ходимлар малакасини ошириш ва ўқитиш чораларини кўради, сифатига жавоб беради.

Бош аудиторнинг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат:

- аудит хизмати фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

- аудит хизматининг таркибий бўлималари тузилишини, уларнинг лавозими вазифаларини, аудит хизматининг низомини, аудит текширишлари

тартибларини, аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва ушбу ҳужжатларнинг ички аудит стандартларига мувофиқлигини таъминлайди;

- аудит хизмати ходимларининг малакаларини ошириш чораларини кўриб боради;

- Банк кенгаши ва аудиторлик кўмитасига аудит хизмати фаолияти бўйича доимий ҳисоботлар бериб боради;

- Бош аудитор лавозими йўриқномасида қайд этилган бошқа вазифаларни бажаради.

Аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва ваколатлари.

Аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва ваколатларининг аниқ белгиланиши ўз фаолиятини сифатли ва самарали бажарилишини таъминлайди. Текширув давомида улар:

- текшириш ўтказиш мақсадида бош банк ва банк филиаларининг барча бино ва хоналарига, шу жумладан касса тармоғи, пул алмаштириш шохобчалари, жамғарма кассаларига тўсиқсиз кириш;

- банк фаолиятига тегишли бўлган ва аудит текшируви предмети ҳисобланган барча зарурий ҳужжатларни банк ва банк филиалари раҳбарлари ҳамда ходимларидан талаб қилиш;

- текшириш давомида банк ва унинг филиалари раҳбарлари, ходимларидан юзага келган саволлар бўйича тушинтиришлар олиш, зарур ҳолларда улардан ёзма тушунтиришлар олиш;

- ҳужжатлардан нусхалар олиш;

- зарур ҳолларда, белгиланган тартибда(келгусида сақланиш гумон бўлган) ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб қўйиш;

- алоҳида банк операциялари ва ҳужжатлари текширилаётган расмий сўровнома орқали банк мижозларидан зарур маълумотлар, тасдиқномалар ва ҳужжатлар талаб қилиб олиш ҳуқуқ ва ваколатларига эга бўлиши керак.

Бундан ташқари, текшириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар бўйича филиалларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши тўғрисида Банк кенгашига таклифлар киритиб бориши лозим.

Аудит хизмати ходимларининг мажбуриятлари ва маъсулияти.

Аудит хизмати ходимлари банк фаолиятининг барча қирраларини текшириш ҳукуқи, ўз навбатида, уларга муайян мажбуриятлар ҳам юклайди, ҳисоботларнинг тўғри ва ҳаққоний тузилишида катта маъсулиятга эга бўладилар. Бу жиҳатдан улар:

- банк муассасидан текшириш ўтказиш ҳақидаги фармойиши ва хизмат гувоҳномасига эга бўлиш;

- банк ва унинг филиаларида ўтказилган текшириш жараёнида маълум бўлган банк ва тижорат сирларининг махфийлигини таъминлаш;

- аудит текширувларини мутлақ мустақил равишда олиб бориш;

- аудит текширувларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиши;

- текшириш натижалари бўйича ўз вақтида холис аудит ҳисоботларини тайёралши ватақдим этиши;

- аудит текшируви ўтказишига доир Марказий банк меъёрий ҳужжатлари ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш лозим.

Шу билан бирга ички аудит хизмати ходимлари:

- текшириш натижаоарини бузиб кўрсатгани, банк ва унинг филиаллари ҳолатига баҳо бермагани;

- текшириш жараёнида маълум бўлган банк ва тижорат сирларининг махфийлигини таъминламагани;

- текшириш давомида олинган ҳужжатларнинг бутунлиги ва қайтарилишини таъминламагани учун ички аудит хизмати ходимлари Ўзбекистоан Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва банкнинг тегишли ички меъёрий ҳужжатларига жавобгар бўлиши лозим.

Ички аудит хизмати ходимларига нисбатан ва текширувларни ўтказиш учун белгиланган талаблари. Ички аудит хизмати ходимларининг профессионал малакаси ички аудит хизмати ва ҳар бир аудиторнинг

маъсуллигини белгилайди. Ҳар бир аудитор бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёт, молиявий иш статистика, маълумотларини қайта ишлаш, техника, соликка тортиш ва ҳуқуқ соҳасида пухта билимга, иш фаолияти давомида ички аудит стандартлари, процедуралари ва усуллари, бухгалтерия ҳисоби принципи ва методлари, бошқарув принциплари, компьютерда жойлаштирилган ахборот тизими ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим. Бунда:

- бажариётган вазифалари характериға мос олий маълумот ҳамда тегишли касбий кўникма ва малакаға эга бўлишлари;

- банк қонунчилиги ҳамда Марказий банкининг банк фаолиятини тартибга солувчи йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни билишлари;

- ўз малакаларини доимий равишда ошириб боришлар;

- вазифаларини ҳал этиш кўлами ва муддатига доир аудиторлик дастурлари режалаштириладиганда чекловларға эга бўлмасликлари лозим.

Текширувлар «аудит хизматининг банклар фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш тўғрисида»ги тартибга асосан амалга оширилади.

Аудит хизматининг иш дастури:

- аудит текшируви аниқ мақсадға эга бўлиши;

- дастур қамрови дотраси аудит мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши;

- бажарилган иш режаси ва кўриладиган ҳар бир тармоқнинг зарур таомойиллари тасвирини ўз ичига олиши талабларига жавоб бериш лозим.

Амалга ошириладиган амалиётлар ҳажми ва мураккаблигига ёки ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатларнинг ўзгаришига қараб дастурга киритилган таомойиллари ўзгариб туриши мумкин.

Аудиторлик ҳисоботиға қўйиладиган асосий талаблар.

Аудиторлик ҳисоботи аудит текшируви тугаши билан қисқа муддат ичида тайёрланади. У ўз ичига аудит текшируви мақсади ва объекти, текшириш вақтида аниқланган муаммо ва камчиликлар, аниқланган ҳар бир муаммони бартараф этиш бўйича таклифларни қамраб олган бўлиши шарт.

Муаммоларни бартараф этиш бўйича тайёрланган таклифларидан аниқланган муаммоларининг қисқача тавсифи, бу муаммолари тўғрилаш бўйича амалга ошириладиган чоралар, уларга бириктирилган маъсул ходимлар ва чораларни амалга ошириш учун белгиланган муддатлар кўратилган бўлиши лозим.

Аудит хизмати ходимларининг ҳисоботлари бевосита Банк кенгашига ва аудиторлик қўмитаси тақдим қилинади. Ушбу ҳисоботларнинг нусхалри Банк бошқарувига, аниқланган камчиликларга тегишли бўлган қисми эса муяйян бошкармаларга тақдим этилади.

Аудит хизмати текшириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича филиалар томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва уларга амал қилишни назорат этиш лозим.

Аудит текширувларини ўтказишдан мақсад, Бош банкни ва унинг барча филиалари фаолиятини аудитдан ўтказиш, банклар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини назорат қилиш, бухгалтерия, операция ва маъмурий назорат тизимлари монандлигини баҳолаш, филиаллари фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш орқали Банк кенгаши ва Банк бошқарувига банк фаолияти бўйича белгиланган истиқбол ва мақсадларга эришишда кўмаклашишдан иборат.

Аудит ўтказиш тартиби ва жараёнлари. Бош банк ва филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш Банк кенгаши томонидан тасдиқланган «Аудит хизматининг филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш бўйича текшириш режаси»га асосан амалга оширилади ва ушбу ҳужжат махфий ҳисобланади. Текшириш режасига Бош банк ва унинг барча филиаллари киритилган бўлиши лозим. Филиалларнинг молиявий аҳволи ёхуд иқтисодий кўрсаткичлари кескин ўзгарган ҳолатларда текшириш режасига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Аудит текширувлари аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

1.2.Банк капиталининг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари

Тижорат банклари капиталининг иқтисодий мазмунини тўлақонли талқин қилишга эришиш ва унинг амалиётдаги аҳамиятини янада тўлиқ англаб етиш уни самарали аудит қилишдада муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Халқаро банк амалиёти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари капиталини самарали бошқаришни йўлга қўймасдан туриб банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини қозониш мушкул вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда тижорат банклари вужудга келишининг дастлабки давридаёқ банк капиталига асосий молиявий манба сифатида катта эътибор қаратилди. Ушбу хатти-ҳаракат ҳозирги кунда ҳам ўзининг иқтисодий жиҳатдан долзарблигини сақлаб турибди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов бу хусусда тўхталиб, жумладан шундай деган эдилар: «Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш, уларга янада кўпроқ мустақиллик бериш, банкларнинг ўз активларини ва устав фондини кўпайтириш, сармоялаш имкониятларини ошириш муаммоларига катта эътибор бераётганимиз бежиз эмас, албатта. Нега деганда, банк капитали орқасида ўз активларининг кўпайишидан, банкларнинг самарали ишлашидан, фойда кўришидан манфаатдор бўлган ҳақиқий мулкдорлар туриши, айниқса, улкан аҳамиятга эга»⁸.

Тижорат банклари капитали аудити ҳақида сўз юритишдан олдин банк капитали иқтисодий моҳиятининг аниқ тўхтамига келиш мақсадга мувофиқ. Чунки, банк капитали иқтисодий моҳиятига шу соҳа олимлари ва мутахассисларининг ягона ёндошуви мавжуд эмас.

Банк капиталига берилган иқтисодий таърифларнинг барчасида унинг иқтисодий моҳиятини очиб берувчи у ёки бу жиҳатлари ифодаланган, холос. Бунинг асосий сабаби муаллифларнинг банк капитали хусусидаги таърифлари маълум даврда ва жараёнда шаклланган бўлиб, ўша даврнинг

⁸ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, 32-бет.

талабларига мос келган ва унинг айрим йўналишдаги моҳиятини ёритишга хизмат қилган.

Масалан, профессор В.М.Усоскин банк капиталига банк молиявий ресурсларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида қарайди⁹. Кўриниб турибдики, бу ерда капитал банк ресурсларининг муҳим ва таркибий қисми сифатида қаралиши натижасида унинг асосий вазифалари (ҳимоя, тезкор ва тартибга солиш) эътибордан четда қолган.

Шу билан бирга, тижорат банки капитали Марказий банк томонидан, унинг фаолиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва тегишли операцияларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида ҳулосалар чиқариш учун, асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда жаҳондаги кўпчилик банклар, шу жумладан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг банклари омонатчиларни кўпайтириш ҳамда банк фаолияти билан боғлиқ бўлган риск даражасини камайтириш мақсадида банкка қўшимча капитал жалб қилишга катта эътибор беришмоқда. Тижорат банкларининг капиталини кўпайтиришдан кутилаётган асосий мақсад сифатида, Марказий банк томонидан белгиланган капиталнинг етарлилик даражасини таъминлаш ва молиявий бозорга кириш имкониятини ошириш ҳамда миллий иқтисодиётда мавжуд бўлган инфляция даражасининг таъсиридан ҳимояланишни эътироф этишимиз мумкин. Чунки инфляция мавжуд бўлган шароитда банкларнинг активлари ва мажбуриятлари қийматининг доимий равишда ўсиб бориши банк капиталининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, иқтисодий ўсишнинг бир маромда бормаслиги банк даромади барқарорлигини таъминлаш рискинни оширади.

Иқтисодиётнинг узлуксиз барқарорлигини таъминлаш мақсадида заиф капиталга эга, яъни банк капитали етарлилигини таъминлаш юзасидан муаммолари мавжуд бўлган тижорат банклар, давлатнинг тегишли молиявий органлари томонидан назорат остига олинади ва бу жараён банк

⁹ Усоскин В.М.Современный коммерческий банк: Управление и операции.— М.: «Вазар-Ферро», 1994. С. 92.

капиталининг зарур меъёрга етказилгунга қадар давом этади. Ушбу аудитдан кўзланган асосий мақсад банкнинг банкротлик ҳолатига тушиб қолишини олдини олиш ва мавжуд риск даражасини камайтиришдан иборатдир. Тижорат банкларининг молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигига эришиш уларнинг акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Иқтисодчи олим Р.Г.Ольхова банк капиталининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда «ҳимоя ёстиғи» деган иқтисодий тушунчани олдинга суради. Агар тижорат банклари кутилмаганда иқтисодий жиҳатдан зарар кўрса, капитал «ҳимоя ёстиғи» сифатида кўрилаётган зарарнинг оқибатларини енгиллаштиради ва банкнинг иқтисодий жиҳатдан тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини яратади¹⁰. Ушбу таърифда банк капиталининг бир жиҳати, яъни ҳимоя вазифасига урғу берилган. Ваҳоланки, банк учун капитал молиялаштиришнинг манбаси вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Худди шунингдек, хорижлик иқтисодчи Крис Барлтропнинг банк капиталига «қимматли» манба¹¹ сифатида берган таърифини эътироф этган ҳолда, бу ерда ҳам капиталнинг моҳиятига бир томонлама аҳамият берилганлигини таъкидламоқчимиз. Ҳолбуки, банк капитали нафақат қимматли манба, балки қўшимча манба ва ҳимоя воситаси сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин.

Капиталнинг «қимматлилиги» шундан иборатки, банк ўз капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириб бориш мақсадида оддий акцияларни чиқариш, уларни молиявий бозорларда жойлаштириш ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни амалга оширади. Ушбу жараён тижорат банки харажатларининг ошишига ва фойдасининг камайишига олиб келади. Агар, харажатлар эвазига молия бозорига сотиш учун таклиф этилган қимматли қоғозлар харидорини топмаса, уларнинг баҳоси номинал қиймати миқдоридан ҳам тушиб кетиши, бу эса ўз ўзидан

¹⁰ Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: «ФиС», 2001. С. 74.

¹¹ Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон, Д.С., С. 102.

банк капитали миқдорининг ошишига эмас, балки иқтисодий қийинчиликларга дучор бўлишига хизмат қилади.

Тижорат банки ишига оид илмий изланишлари билан обрў қозонган таниқли иқтисодчи олим Жан Матук банк капиталига унинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи восита сифатида қарайди.¹² Албатта, банкда унинг фаолияти давомида тўловга лаёқатлилиқ (ликвидлик) rischi доимо сақланиб қолади, яъни бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари учун кутилмаган ҳар қандай ҳолатда етарли даражада ликвид маблағисиз қолиш хавфи мавжуд. Ушбу хавф банк омонатчилари маблағини ўз вақтида беролмаганда, ишончли мижозларнинг вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондира олмаганда вужудга келади. Агар банк, омонатчиларнинг нақд пулга ва вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондира олмаса, мижозларда бошқа банкларга кетиб қолиш мойиллиги туғилади, бу эса, ўз навбатида, банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган фойданинг ошишига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган ҳолатнинг сурункали равишда давом этиши банкнинг тўловга лаёқатсизлигини, охир оқибат мижозлар ва омонатчиларнинг ўз ҳисоб рақамларидан маблағларни ёппасига олишига ва банкнинг банкротликка учраш ҳолатига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодчи олим Жан Матукнинг банк капиталини банкнинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи омил, деган фикрига қисман қўшилган ҳолда, банк капиталининг тўловга қобиллигини таъминлаб туриш учун Марказий банк томонидан белгиланган капиталнинг етарлилигига қўйилган талабларни доимо бажариб бориши зарурдир.

Иқтисодчи олимларнинг банк капитали иқтисодий моҳиятига берган таърифларига қисман қўшилган ҳолда, унга янгича таъриф беришни мақсадга мувофиқ.

¹² Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. Том I. Пер. с англ. – М.: «Финстатинформ», 1994. С. 25.

Шуниси характерлики, халқаро банк амалиётида тижорат банки капиталининг минимал миқдори деганда икки хил тушунча назарда тутилади:

1) Марказий банкнинг, банк операцияларини бажаришга ҳуқуқ берувчи лицензиясини олиш ва банк ўз фаолиятини бошлаш учун меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган банк капиталининг минимал миқдори.

2) Иқтисодий нормативларни бажарилиши устидан аудит қилиш учун асос сифатида қўлланиладиган капиталнинг етарлилик миқдори.

Шу билан бирга, тижорат банки асосий капиталининг етарлилик миқдори уларнинг фаолиятига нисбатан қўлланилаётган иқтисодий нормативларни аниқлашда ҳам асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Масалан, тижорат банкларининг битта миқдорга ёки ўзаро боғлиқ миқдорлар гуруҳига берадиган ишончли кредитларининг максимал миқдори биринчи даражали банк капиталининг 5 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Агар бундай миқдорларга таъминланган кредитлар берилаётган бўлса, ушбу кредитларнинг максимал миқдори биринчи даражали банк капиталининг 15 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Тижорат банклари миқдорларга берадиган йирик кредитларининг умумий миқдори банк биринчи даражали капиталининг 8 баробаридан ошиб кетмаслиги керак.¹³

Ёки очик валюта позицияларига нисбатан ўрнатилган иқтисодий нормативни олайлик. Ушбу нормативга кўра, тижорат банкининг битта валютадаги очик позициясининг миқдори банк капиталининг 10 фоизидан, барча валюталардаги очик позициясининг миқдори эса банк капиталининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.¹⁴

Худди шунингдек, банк бир корхонанинг устав капиталига инвестиция қилиш учун сотиб олган қимматли қоғозлар миқдори банк биринчи даражали капиталининг 15 фоизидан, барча эмитентлар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларига қилган инвестициялари миқдори банкнинг биринчи

¹³ Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2003, 189- бет.

¹⁴ Марказий банк Бошқаруви томонидан 2005 йил 28 мартда тасдиқланган «Очик валюта позициясини юритиш» қоидаларининг 2-банди.

даражали капиталининг 50 фоизидан, олди-сотди учун нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмалари банкнинг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Демак, банк капиталининг етарлилик миқдори тушунчасидан тижорат банклари фаолиятига нисбатан Марказий банк томонидан қўлланилаётган иқтисодий нормативларни белгилашда ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда фойдаланилади.

Бозор муносабатларига ўтаётган кўпчилик мамлакатларда, айниқса, юқори инфляция ва заиф банк тизимига эга бўлган мамлакатларда банк капиталининг миллий валютада акс этадиган минимал миқдорини ошириш зарурлиги қуйидаги уч омил билан белгиланади:

1.Инфляцияни қоплаш мақсадида.

Чунки бу мамлакатларда Марказий банкнинг бош лицензиясини олиш учун зарур бўлган минимал капитал миқдорининг реал қиймати вақт ўтиши давомида инфляциянинг юқори даражаси туфайли пасайиб кетиш эҳтимолига эга.

2.Банкларро бозорга кириш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида.

3.Молия-кредит бозоридан нисбатан кам миқдордаги ресурсга эга бўлган банкларни сиқиб чиқариш мақсадида. Чунки ривожланаётган давлатларда кичик банкларнинг банкрот бўлиш эҳтимоли юқори бўлади. Уларнинг банкрот бўлиши эса, ўз навбатида, миллий банк тизимига бўлган ишончни пасайишига хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда ва унинг етарлилик даражасини белгилашда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалардан асос сифатида фойдаланилмоқда.

Халқаро Базель қўмитасининг андозаларига эътиборан банкнинг жами капитали **асосий** ва **қўшимча капитал**га ажратилади. Ушбу андозалар

биринчи марта 1988 йилда ишлаб чиқилди. Аммо, амалиётга 1993 йилдан бошлаб жорий этилган.¹⁵

Базель андозаларига кўра асосий капитал қуйидаги элементлардан ташкил топади:

1. Устав капиталининг тўланган қисми (оддий акциялар қиймати);
2. Муддатсиз некумулятив имтиёзли акциялар;
3. Эмиссион даромад;
4. Соф фойда ҳисобидан шакллантирилган захира суммалари;
5. Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси.

Шуниси эътиборга моликки, хорижий банк амалиётида банкларда аудит текшируви ўтказилиб, аудит хулосаси тасдиқлангунга қадар жорий йилнинг фойдаси асосий капитал таркибига киритилади. Аудит хулосасидан кейин эса фақат тақсимланмаган фойда киритилади.

Халқаро Базель андозалари бўйича банкларнинг қўшимча капитали таркибига қуйидаги асосий элементлар киритилади:

1. Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захиранинг рискка тортилган активлар миқдорининг 1,25 фоизидан ошиб кетмайдиган қисми;

2. Қайта баҳолаш захираси. Бунда банкка тегишли бино ва иншоотлар ҳамда ернинг қийматини қайта баҳолаш натижасида юзага келадиган захира миқдори тушунилади;

3. Субординациялашган қарз мажбуриятлари;

Субординациялашган қарз мажбуриятлари Фарбий европа давлатларининг банк амалиётида узоқ муддатли (8-10 йил) облигациялар ёки имтиёзли акциялар шаклида мавжуддир. Уларни субординациялашган мажбуриятлар дейилишининг сабаби эса, банк банкрот бўлганда мазкур қимматли қоғозларнинг эгалари ўз улушларини банкнинг бошқа қимматли қоғозларига эга бўлган субъектлардан кейин олади.

¹⁵ Банковские дело. Под редакцией О.И.Лаврушина. –М.: «ФиС», 2001.С. 77.

Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида банкларнинг субординациялашган қарз мажбуриятлари ҳозирча мавжуд эмас.

4. Консолидациялашган шўъба корхоналарини ташкил этиш мақсадига йўналтирилган қуйилмалар.

Базель андозалари бўйича консолидациялашган шўъба корхоналари деганда банк қошида ташкил этилган, мустақил балансга эга бўлмаган кредит муассасалари (лизинг, факторинг, траст, форфейтинг компаниялари) кўзда тутилади.

Базель қўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида кўзда тутилмаган рискларни қоплаш мақсадида 1997 йилдан III даражали капитални амалиётга жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Унга кўра, учинчи даражали капитал қисқа муддатли (икки йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим) субординар қарзлардан иборат бўлиб биринчи даражали капиталнинг 250 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим¹⁶.

Банк капитали таркибини шакллантиришга Базель андозалари асос сифатида олинган бўлса-да, иқтисодчи олимлар унга турлича ёндашадилар. Жумладан, хорижлик олимлардан Р.Г.Ольхова, Ю.П.Савинский ҳамда Ўзбекистонлик олимлардан проф. О.О.Олимжонов ва и.ф.н. Б.Б.Бабаевларнинг номларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Масалан, доцент Р.Г. Ольхова махсус захираларни ва девальвация захирасини капитал таркибига киритмаган¹⁷.

Махсус захиралар банк баланснинг контр-актив ҳисоб варақасида акс эттирилиб банк харажатлари ҳисобидан шакллантирилади. Базель қўмитасининг андозаларига кўра активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захирасини рискка тортилган жами активлар суммасининг 1,25 фоизга тенг миқдорини II-даражали банк капитали таркибига киритилади. Демак, муаллифнинг махсус захираларни 100 фоиз банк капитали таркибига киритмаслиги мақсадга мувофиқ эмас.

¹⁶ Грязнова А.Г. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. –М.: «Ф и С». 2002. С.387.

¹⁷ Банковские дело. Под редакцией О.И.Лаврушина. –М.: «ФиС», 2001.С. 73..

Девальвация захирасига келсак, у шубҳасиз банкнинг ўзига тегишли бўлган хорижий валютадаги капитал захира қийматининг ўсиши натижасида юзага келади. Бошқача қилиб айтсак, девальвация захирасига nobarqaror молиявий манба сифатида қараш мумкин. Демак, Р.Г.Ольхованинг девальвация захирасини банк биринчи даражали капитали таркибига киритмаслигига қўшиламиз.

Айни вақтда, миллий валютасининг курси nobarqaror бўлган мамлакатларда девальвация захираси миқдорида кескин тебраниш юз бермоқда. Бу эса девальвация захирасини nobarqaror молиялаштириш манбаига айлантirmoқда. Шу муносабат билан таклиф қилардикки, хорижий валюталар бўйича девальвация захирасини асосий капитал таркибидан чиқариб қўшимча капитал таркибига киритиш лозим.

Капиталнинг таркиби хусусида ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар О.О.Олимжонов ва Б.Б.Бабаевлар кредит рискинни қоплашга мўлжалланган захира миқдорини тўлиғича капитал таркибига киритмаслигини илмий жиҳатдан асослаб беришган. Шунингдек, улар жорий йилнинг соф фойдасини капитал таркибига киритмаганлар¹⁸.

Тижорат банкларида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўғридан-тўғри харажатларга олиб борилаётганлиги сабабли, ушбу захира ажратмалари тўлиғича капитал таркибига киритилмаслиги мумкин, деган хулосани шакллантиришга асос бўлган.

Кредит рискларига қарши қилинган захира ажратмалари тўғридан- тўғри харажатга олиб борилсада, улар доимо банкнинг операцион фаолиятида молиялаштириш манбаи сифатида ишлатилади. Чунки, муддати ўтган кредитлар қайтганда, кредитнинг асосий қарз миқдори ресурс сифатида тикланади.

¹⁸ Б.Б.Бабаев. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использования. Дисс. на соиск уч. ст. к.э.н. –Т.: БФА. 2002. С. 17.

Марказий банкнинг 420–сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига мувофиқ банк капитали қўйидагича таснифланади:

I даражали капитал қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган акциялар;

б) нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялар:

-муайян сотиб олиш санаси ва шартларига эга эмас;

-эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниши мумкин эмас;

-банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир дивидендлар тўланмаслиги мумкин;

-улар бўйича ўтган даврдаги олинмаган дивидендлар тўланмайди.

в) қўшимча капитал (капиталнинг ортиқча қисми) - оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши;

г) тақсимланмаган фойда:

-капитал захиралар;

-аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;

-жорий йил зарарлари.

”Капитал захиралар” - солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг соф фойда ҳисобига шаклланган захиралар. Улардан банк фаолиятида вужудга келадиган турли зарарларни улар юзага келиши биланоқ ҳеч қандай чеклашларсиз қоплаш учун фойдаланилиши мумкин.

д) акция эгалари камчилигининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисобварақларидаги улуши. Бу улуш шуъба корхоналари ҳисобварақлари банк молиявий ҳисоботларида бирлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади.

е) банк устав капиталининг валюта қисмига эквивалент бўлган валюта ативларини қайта баҳолаш ҳисобига шаклланган девальвация захираси.

Дивиденд ставкалари ўзгариб турувчи имтиёзли акциялар I даражали капитал ҳисоб-китобига киритилмайди.

II даражали капитал қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) жорий йилдаги соф фойда;

б) чегирмалардан сўнг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган активлар суммасининг 1,25 фоизи ва чегирмалардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдордаги умумий захиралар (I даражали капитал ва активлардан чегирмалар қуйида келтирилган);

”Умумий захиралар” - банк фаолияти двомида умуман ёки бирор-бир фаолият тури (кредитлар, инвестициялаш ва бошқалар) натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш мақсадида ташкил қилинади, бироқ алоҳида муайян операциялар бўйича зарарларни қоплашга мўлжалланмаган. Масалан, “яхши” кредитлар (активлар)га доир йўқотишларни қоплаш учун мўлжалланган захиралар.

в) чегирмалардан сўнг I даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар (акциядорлик ва қарз капитали тавсифларини ўз ичига олган воситалар). I даражали капиталга киритилмаган аралаш турдаги мажбуриятлар, жумладан имтиёзли акциялар, агарда улар қуйидаги шартларга жавоб берсалар, II даражали капиталга киритилиши мумкин:

-тўлиқ тўланганлиги ;

-гаров билан таъминланмаганлиги;

-банк тугатилганда уларга доир талаблар банк депозиторлари талаблари қондирилгандан сўнг қондирилиши;

-акция эгасининг ташаббуси билан ва Марказий банк рухсатисиз тўланмаслиги;

-банкнинг барча захираларини қоплаши ва банкни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш ҳуқуқини бермаслиги;

-агар банк охирги 3 чорак мобайнида фойда олмаган бўлса, эмитент хоҳишига кўра ёки оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар (фоизлар) тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилишда ушбу мажбуриятларга доир дивидендлар (фоизлар)ни тўлаш муддати кечиктирилиши мумкинлиги;

г) субординар қарз, бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. II даражали капиталга кирувчи субординар қарз тўлаш муддати етиб келгунга қадар охириги 5 йил давомида йилига 20 фоизга камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

-гаров таъминотига эга бўлмаслик;

-банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозиторлар талаблари қондирилганидан сўнг амалга оширилиши;

-бошланғич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши.

Капиталдан чегирмалар капитал етарлилиги коэффицентлари ҳисоблангунча амалга оширилиши керак.

I даражали капиталдан чегирмалар номоддий активлар, шу жумладан гудвиллни ўз ичига олади.

”Номоддий активлар” - бу моддий ва жисмоний шаклга эга бўлмаган номонетар, идентификацияланадиган активлар (дастурий таъминот, фойдаланиш ҳуқуқи, маркетинг ва техника маълумотлари), гудвилл ва бошқалар.

”Гудвилл” банкни унинг соф активлари (барча активларнинг бозор баҳоси ва барча мажбуриятларнинг бозор баҳоси ўртасидаги фарқ) қийматидан юқори нархда сотиб олиш чоғида харидор томонидан тўланадиган сумма сифатида белгиланади.

Регулятив капиталдан чегирмалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а)бирлашмаган нобанк шуъба молия корхоналари капиталига инвестициялар, жумладан, бундай корхоналар капиталини ташкил қилувчи уларнинг ҳар қандай акциялар ва қарз мажбуриятлари;

б)бирлашмаган нобанк номолиявий корхоналар капиталига инвестициялар, жумладан бундай корхоналар капиталини ташкил қилувчи ҳар қандай қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятлари;

в) бирлашмаган банклар капиталининг ҳар қандай воситаларига инвестициялар.

Жорий йилнинг соф фойдасига тўхталадиган бўлсак, уни капитал таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир. Фақат жорий йилнинг соф фойдасини капитал таркибига киритиш зарур. Чунки у мазмунан тақсимланмаган фойдага яқин. Бунинг учун аудитор хулосасига қадар жорий йил фойдасини асосий капитал таркибида акс эттириб бориш зарур.

Биринчидан, тижорат банкларнинг капиталини шакллантириш учун халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалар етарли даражада асос бўла олади; иккинчидан, капиталнинг барқарорлиги нуқтаи назаридан олганда, Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган банк активларини рискка тортиш методикасида айрим камчиликлар мавжуд.

Хусусан, АҚШ тижорат банкларида ссудалардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира миқдори ва шўъба корхоналарига қилинган қуйилмалар асосий капитал таркибига киритилган. Бу эса банк капиталининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, асосий капиталнинг барқарорлик даражаси қўшимча капиталнинг барқарорлик даражасига нисбатан юқори бўлиши лозим. Ушбу қонуният халқаро Базель қўмитасининг асосий капиталнинг етарлилиги коэффициентида ўзининг яққол ифодасини топган. Ушбу коэффициентга кўра, банк жами капиталининг камида 50 фоизи асосий капиталдан иборат бўлиши шарт.

Базель келишувининг асосий мақсади:

1. Тижорат банклари бош бўғини билан унинг чет элдаги бўлимларининг фаолиятини бир асосга келтириш;
2. Турли давлатлардаги риск даражасини тартибга солиш;
3. Риск даражасини ҳисобга олган ҳолда банк капиталининг етарлилик даражасини бир асосга келтириш;

Асосий капитал таркибидаги махсус захира капитал захираси ва имтиёзли кредитлаш фонди учун ажратилган маблағлардан ташкил топади. Бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда махсус захира таркибида ҳисобга олиб келинаётган девальвация захирасини эса қўшимча капитал таркибига киритиш лозим.

Базель андозалари бўйича қўшимча капитал таркибида кўзда тутилган барча капитал элементлари иккинчи даражали капитал таркибига киритилиши лозим.

Банк капитали таркиби хусусида сўз борар экан соф капитал индекси даражасини аниқлаш усулини кўриб чиқиш зарур бўлади, ушбу усул чет эл амалиётида жуда кенг қўламда қўлланилиб «банк капитали таркиби кўрсаткичи» номини олган.

Тижорат банкларининг соф капитали индекси (СКИ) қуйидаги тартибда аниқланади.

$$\text{СКИ} = \frac{\text{Капитал} + \text{Захира} - \text{Таснифланган активлар}}{\text{Активлар ўртачаси}} \times 100$$

Таснифланган активларга, тартибга солиш органлари томонидан белгиланган ностандарт, шубҳали ёки зарарли активлар киради. Ушбу кўрсаткич 1973-75 йилларда АҚШ банк амалиётда қўлланила бошлади, ўша даврда белгиланган меъёрга мувофиқ:

«агар СКИ < 2,74 фоиз бўлса, ушбу банк «муаммоли банк» ҳисобланади»

Иқтисодий ўсиш даврида эса ҳар қандай банкда қўшимча капиталга бўлган эҳтиёж туғилади, чунки жамиятдаги ўзгаришлардан орқада қолган банк бошқа банклар билан рақобат қилиши қийинлашиб қолади.

Кўп йиллар давомида йиғилган халқаро банк тажрибасидан маълум бўлмоқдаки, тижорат банкларининг капитали барқарор манбалар ҳисобидан ташкил топиши керак. Чунки тижорат банкларининг капитали банкнинг кутилмаганда вужудга келадиган зарарларини қоплаш орқали банк тушиб

қолиши мумкин бўлган иқтисодий инқироздан чиқариб олиш имкониятига эга. Шу билан бирга, аҳолининг мамлакатдаги банк тизимига бўлган ишончини сақлаб туриш ва уни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Т.Бобакуловнинг фикрига кўра, республикамиз банклари капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича халқаро Базел қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробарга юқоридир. Маълумки, Халқаро Базел стандартига кўра, тижорат банки регулятив капиталининг етарлилигини аниқлаш учун регулятив капитал суммаси банкнинг рискка тортилган активлари суммасига бўлинади. Ушбу коэффициентнинг энг паст даражаси 8% қилиб белгиланган. Агар тижорат банкида мазкур коэффициентнинг амалдаги даражаси 8 фоиздан паст бўлса, у ҳолда, банк тўловга қобил эмас деб ҳисобланади.

Ж.Стиглицининг таҳлилига кўра, 2009 йилнинг 23 феввалида АҚШ Молия вазирлиги ва ФЗТ томонидан Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида банкларнинг капиталидаги давлатнинг улушини имтиёзли акциядан оддий акцияга конвертирлашнинг мумкинлиги эълон қилинди. Бу эса, давлатнинг банк тизимидаги иштирокини кескин ошишига олиб келади. Бунинг устига, 2009 йилда Федерал регуляторлар активлари миқдори 100 млрд. доллардан ортиқ бўлган ва TARP дастури доирасида давлатдан ёрдам олган 19 та тижорат банкининг ҳолатини текширдилар. Федерал регуляторларнинг берган хулосасига кўра, ушбу банкларнинг 2009-2010 йилларда кўрадиган зарарлари миқдори 600 млрд. долларга етиши мумкин. Шунинг учун текширилган 10 та банкка устав капиталини 75 млрд. долларга ошириш кўрсатмаси берилди.

2009 йилнинг ноябр ойига келиб Япония ҳукумати мамлакат яна дефляция муаммосига дуч келганлигини тан олди. Бу эса, Япония Марказий банкини дисконт ставкасини 2010 йилда ҳам 0,1% даражасида сақлаб туришга мажбур қилмоқда.

Базель-1 стандартига кўра, тижорат банклари капиталининг етарлилиги қуйидаги икки молиявий коэффициент орқали аниқланади:

1. Регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти (РКЕК).
2. Биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти (БДКЕК).

Умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{РКЕК} = \frac{\text{Регулятив капитал}}{\text{Активларнинг рискка тортилган суммаси}}$$

РКЕКнинг минимал меъёрий даражаси 0,08 қилиб белгиланган. Агар ушбу коэффициентнинг ҳақиқатдаги даражаси 0,08 дан паст бўлса, у ҳолда, мазкур тижорат банки тўловга ноқобил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан РКЕКнинг минимал меъёрий даражаси 0,10 қилиб белгиланган.

Биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{БДКЕК} = \frac{\text{Биринчи даражали капитал}}{\text{Активларнинг рискка тортилган суммаси}}$$

БДКЕКнинг минимал меъёрий даражаси 0,04 қилиб белгиланган. Агар ушбу коэффициентнинг ҳақиқатдаги даражаси 0,04 дан паст бўлса, у ҳолда, мазкур тижорат банки тўловга ноқобил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан АКЕКнинг минимал меъёрий даражаси 0,05 қилиб белгиланган.

Агар тижорат банки РКЕК бўйича белгиланган норматив талабини бажарса, аммо БДКЕК бўйича ўрнатилган норматив талабни бажара олмаса, у ҳолда, ушбу тижорат банкининг баланси ноликвид ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкининг умумий капитали миқдори қанча бўлишидан қатъий назар, унинг камида 50 фоизи, яъни ярми асосий капиталдан иборат бўлиши лозим. Чунки, асосий капитал барқарорлик даражаси юқори бўлган манбалардан ташкил топади ва банк оғир молиявий ҳолатга тушиб қолганида «ҳимоя ёстиғи» вазифасини бажаради.

Иккинчи даражали капитал Базель келишувини имзолаган томонлар томонидан мустақил равишда тартибга солинади, аммо иккинчи даражали капитал биринчи даражали капиталнинг 100 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Базель қўмитаси томонидан таклиф килинган капиталнинг етарлилигини баҳолаш методикаси қуйидаги афзалликларга эга¹⁹:

- банк капиталининг реал даражасини ифодалайди;
- банк стратегиясини қайта кўриб чиқиш имконини беради ва капитал минимал бўлган ҳолатда кредитлар ҳажмини оширишдан воз кечишга мажбур қилади;
- банкнинг рисксиз фаолияти салмоғини ошириш имконини беради;
- ҳукуматни банклар фаолиятини тартибга солиш жараёнига аралашувини камайтиришини рағбатлантиради, чунки унда ўз-ўзини тартибга солиш кўпроқ намоён бўлади;
- балансдан ташқари операцияларнинг ҳам риск даражасини ҳисобга олиш имконини беради;
- турли мамлакатларнинг банк тизимларини таққослаш имконини беради.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш бўйича Халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт ва унинг такомиллаштирилган варианты бўлган Базель-II да тижорат банклари капитали таркибини шакллантиришга бевосита таъсир қилувчи талаблар мавжуд. Бу эса, мазкур талабларнинг тижорат банклари капитал базасига таъсири масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Халқаро Базель стандартида тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб 8% қилиб белгиланган. Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, ушбу минимал талаб 15 % даражасида бўлиши лозим. Ўзбекистон

¹⁹ Банковское дело. Под ред. О.И. Лаврушина. 7-ое изд. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 214.

Республикаси Марказий томонидан тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб 10% қилиб белгиланган. Халқаро ҳисоб-китоблар банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари капиталининг етарлилигининг минимал даражаси 10 фоизни ташкил этиши лозим. Кўриниб турибдики, тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига нисбатан минимал талабни ўрнатиш борасида ҳам турли хил ёндошишлар мавжуд.

Базель-II нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлилигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамизда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкларининг харажатиغا олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг соф фойдасини капиталлаштириш даражасининг пасайишига хизмат қилади. Иккинчидан, муддати ўтган кредитларнинг 150% даражасида рискка тортилиши тижорат банкларининг рискка тортилган активлари суммасининг ошишига олиб келади. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталининг етарлилик коэффиценти пасаяди. Учинчидан, кредитларнинг асосий қисми тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларини кредитлаш йўли билан амалга оширилади. Шу сабабли, кредитларнинг муддатида қайтмаслиги банкнинг ликвидли активлари миқдорининг камайишига ва шунинг асосида унинг жорий ликвидлилик даражасининг пасайишига олиб келади.

Муддати ўтган кредитларнинг риск даражасини ошириши натижасида тижорат банкларининг капитал базаси ва уларнинг ликвидлилигига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирга барҳам бериш учун Марказий банк томонидан тижорат банкларининг муддати ўтган кредитларига нисбатан қўйиладиган талаблар аниқлаштирилиши ва кучайтирилиши лозим. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг муддати ўтган кредитларининг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражасини 5% даражасида белгилаши ва унга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиши лозим. 5% дейишимизнинг сабаби шундаки, Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси 5 фоизни ташкил қилиши лозим. Халқаро банк амалиётида ушбу тавсия меъёрий кўрсаткич сифатида қабул қилинган.

Базель-II стандартида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш учун уч усулдан фойдаланиш тавсия этилган. Биринчи усул базавий индикатор усули, иккинчи усул – стандарт усул, учинчи усул эса, кенгайтирилган усул ҳисобланади. Мазкур усуллар бўйича ҳисобланган капиталнинг етарлилик коэффициентлари бир-биридан сезиларли даражада фарқланади. Шу сабабли, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мавжуд уч усулдан бирини танлаб олиши ва республикада тижорат банкларининг барчасида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилиги ана шу усулда ҳисобланиши лозим. Фикримизча, капиталнинг етарлилигини ҳисоблашнинг кенгайтирилган усулини республикада банк амалиётида қўллаш учун шароит мавжуд эмас. Чунки ушбу усул банкларнинг ўзлари ишлаб чиққан рейтинг баҳолаш натижаларига асосланади. Республикада банкларида эса, операцион рискни баҳолашнинг рейтинг усули мавжуд эмас.

Маълумки, Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг маълумотларига кўра, дунёнинг 150 мамлакатиди (Ўзбекистон ҳам шулар жумласидан) тижорат

банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича Халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт қўлланилади. Ушбу стандартга кўра, тижорат банки регулятив капиталининг етарлилигини аниқлаш учун регулятив капитал суммаси банкнинг рискка тортилган активлари суммасига бўлинади. Ушбу коэффициентнинг энг паст даражаси 8% қилиб белгиланган. Агар тижорат банкида мазкур коэффициентнинг амалдаги даражаси 8 фоиздан паст бўлса, у ҳолда, ушбу банкнинг баланси ноликвид ҳисобланади. Республикамиз тижорат банкларида эса, регулятив капиталнинг етарлилик даражаси 24 фоиздан юқоридир.

Регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти тижорат банкларининг тўловга қобиллигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича учта методика мавжуд бўлиб, уларнинг ичида нисбатан мукаммали, кўпчилик таниқли экспертларнинг (К.Барлтроп, Д.МакНотон, А.Симановский, В.Усоскин, О.Лаврушин ва бошқ.) фикрига кўра, Халқаро Базел қўмитаси экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методика ҳисобланади.

Тижорат банки капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан ишлаб чиқилган методикада капиталнинг етарлилиги регулятив капитални активларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффициентнинг энг паст норматив даражаси 8% қилиб белгиланган.

АҚШ Федерал захира тизими томонидан ишлаб чиқилган методика бўйича, тижорат банки капиталининг етарлилиги капитални депозитларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффициентнинг энг паст норматив даражаси 10% қилиб белгиланган.

Базель-II нинг Базель-I дан фарқ қилувчи асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1.Базель-II да тижорат банклари регулятив капитали етарлилигининг рискларга юқори даражада таъсирчан бўлган тизимини яратиш вазифаси

кўйилган. Ушбу тизим банкларнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган рискларни микдорий баҳолашга асосланади.

2.Кредит рискни пасайтириш мақсадида қўлланиладиган инструментларга катта эътибор қаратилган.

3.Капиталнинг операцион рискка нисбатан етарлилигига янги талаблар қўйилган.

4.Назорат органларининг ваколатлари кенгайтирилган.

Базель- II стандарти таркибий жиҳатдан уч қисмдан иборат:

I.Капиталга нисбатан минимал талабларни ҳисоблаш.

Бунда капиталга нисбатан минимал талаблар кредит, бозор ва операцион рискларнинг даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Умумий капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати 8 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Базель-II да контрагентда ҳосилавий қимматли қоғозлар, РЕПО битими бўйича юзага келадиган кредит рисклари даражаси ҳам капиталнинг етарлилигини баҳолашда ҳисобга олинади.

Базель-II да активларни рискка тортилган суммаси (RWA) таркиби ўзгаради ва ушбу таркиб қуйидагича аниқланади:

$$RWA=CRWA+OR+MP$$

Бу ерда:

CRWA-активларни кредит рискига тортилган суммаси

OR- операцион риск

MR-бозор риси

Базель-II кредит рискни ўлчаш бўйича уч ёндашувни таклиф этади:

-стандартлашган ёндашув;

-ички рейтингларга асосланган базавий ёндашув (IRB-Internal rating-based approach);

- ички рейтингларга асосланган такомиллашган ёндашув.

Тижорат банкларида IRB ёндашуви асосида дефолт бўлиш эҳтимолини баҳолаш учун қуйидаги моделдан фойдаланилади:

$$PD_i = \frac{\Delta ICR_{Ti}}{ICR_{Def} - ICR_{t_1}} \times 100\%,$$

Бу ерда:

$PD_i - i$ - мијознинг дефолт бўлиш эҳтимоли;

$\Delta ICR_{Ti} - i$ - мијознинг кредит шартномаси даврида кредит рейтингининг ўзгариши;

ICR_{Def} - максимал дефолт рейтинги.

Ушбу моделни тузиш учун икки босқичдан ўтиш талаб этилади. Биринчи босқич - мијознинг кредит рейтингини ўзгариш тезлигини ҳисоблаш.

$$V_{\Delta CR_{Ti}} = \frac{ICR_{t_{2i}} - ICR_{t_{1i}}}{(t_{2i} - t_{1i})},$$

Бу ерда:

$ICR_{t_{2i}} - i$ -мијознинг t_2 вақтдаги кредит рейтинги;

$ICR_{t_{1i}} - i$ -мијознинг t_1 вақтдаги кредит рейтинги;

$t_1 - i$ -мијознинг ҳисобот саналари ($t_2 > t_1$).

Кўрсатилган ҳисобот саналари сифатида қуйидагиларни ишлатиш мумкин:

t_1 — ҳисобот йилининг боши ёки кредитни бериш санаси (кредитланаётган мијозлар учун), агар кредит жорий йилда берилган бўлса;

t_2 — дефолт эҳтимолини баҳолашдан олдинги сўнгги ҳисобот санаси.

Иккинчи босқич — ΔICR_{Ti} — изменение кредитного рейтинга i -мијознинг кредит шартномаси даврида кредит рейтингини ўзгариши.

Базель-II кредит рискин баҳолашда қўлланиладиган коэффициентлар қуйидагиларни ҳисобга олади:

- мамлакатнинг суверен кредит рейтинги;
- банкнинг рейтинги;
- кредит олган мијознинг рейтинги;
- банк операциясининг тури.

Базель-II нинг муҳим талабларидан бири етарли даражада захира ажратмалари билан таъминланмаган банк кредитларининг риск даражасини

ошириш талабидир. Ушбу талабнинг моҳияти шундаки, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади. Бу эса, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи нисбатан юқори бўлган тижорат банкларининг ликвидлилигига ва капитал базасининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамизда кредитлардан қўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкларининг харажатиغا олиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг соф фойдасини капиталлаштириш даражасининг пасайишига хизмат қилади. Иккинчидан, муддати ўтган кредитларнинг 150% даражасида рискка тортилиши тижорат банкларининг рискка тортилган активлари суммасининг ошишига олиб келади. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталининг етарлилик коэффиценти пасаяди. Учинчидан, кредитларнинг асосий қисми тижорат банкининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларини кредитлаш йўли билан амалга оширилади. Шу сабабли, кредитларнинг муддатида қайтмаслиги банкнинг ликвидли активлари миқдорининг камайишига ва шунинг асосида унинг жорий ликвидлилик даражасининг пасайишига олиб келади.

Муддати ўтган кредитларнинг риск даражасини ошиши натижасида тижорат банкларининг капитал базаси ва уларнинг ликвидлилигига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирга барҳам бериш учун Марказий банк томонидан тижорат банкларининг муддати ўтган кредитларига нисбатан қўйиладиган талаблар аниқлаштирилиши ва кучайтирилиши лозим.

Базель-II стандартида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилигини ҳисоблаш учун уч усулдан фойдаланиш тавсия этилган. Биринчи усул базавий индикатор усули, иккинчи усул – стандарт усул, учинчи усул эса, кенгайтирилган усул ҳисобланади. Мазкур усуллар бўйича ҳисобланган капиталнинг етарлилик коэффицентлари бир-биридан

сезиларли даражада фарқланади. Шу сабабли, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мавжуд уч усулдан бирини танлаб олиши ва республикамиз тижорат банкларининг барчасида операцион риск бўйича капиталнинг етарлилиги ана шу усулда ҳисобланиши лозим. Фикримизча, капиталнинг етарлилигини ҳисоблашнинг кенгайтирилган усулини республикамиз банк амалиётида қўллаш учун шароит мавжуд эмас. Чунки ушбу усул банкларнинг ўзлари ишлаб чиққан рейтинг баҳолаш натижаларига асосланади. Республикамиз банкларида эса, операцион рискни баҳолашнинг рейтинг усули мавжуд эмас.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларига мувофиқ тижорат банкларининг капитал етарлилигига нисбатан талабларни ошириш, тижорат банклари таркибида уларнинг инқироз ҳолатлари таъсирига барқарорлигини таъминлайдиган барқарорлаштириш захираларини яратиш мақсадида Марказий банк томонидан Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг халқаро экспертлари билан биргаликда банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ишлари олиб борилди. Натижада 2012 йил 29 декабрдаги “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Марказий Банк Бошқарувининг 36/2-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур Низомга банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсиялари асосида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар босқичма-босқич амал қила бошлайди.

Хусусан, янги тартибга асосан банк баланси активлари таваккалчилик даражаси беш гуруҳга бўлиниб, 150 фоизлик таваккалчилик коэффиценти қўшимча жорий қилинди. Яъни, суд жараёнидаги ва белгиланган тартибда ундирилмаган активларга 150 фоизли таваккалчилик даражаси қўлланилади.

Янги талабларга асосан, 2015 йил 1 январдан бошлаб банк капитали етарлилигининг энг кам даражаси банкнинг кредит таваккалчилиги суммаси

билан бирга банкнинг операцион ва бозор таваккалчиликларини ҳам ҳисобга олади.

Операцион (ОТ) ва бозор (БТ) таваккалчилиги суммалари куйидагича аниқланади:

ОТ = 10 X (банкнинг охирги уч йиллик ялпи даромади суммасининг ўртачаси X 15 фоиз)

БТ = 10 X (очиқ валюта позициясини йиғма миқдори X 10 фоиз)

Бунда, Ялпи даромад = фоизли даромадлар – фоизли харажатлар + бошқа даромадлар

2016 йил 1 январдан бошлаб регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти (K1)нинг энг кам даражаси 0,115 (11,5 фоиз) миқдорида ўрнатилди.

Тижорат банклари 2019 йил 1 январдан бошлаб эса K1 нинг энг кам даражаси таваккалчиликка тортилган активларнинг 3 фоизи миқдоридаги консервацияланган капитал буферини ҳисобга олган ҳолда 0,145 (14,5) фоиз миқдорида таъминлашлари лозим.

$$\begin{array}{l} \text{Капитал} \\ \text{етарлиги} \\ \text{коэффиценти} \end{array} = \frac{\text{Регулятив капитал}}{\text{Рискка тортилган активлари} \\ \text{(кредит rischi + операцион риск + бозор rischi)}} \geq 14,5\%$$

Консервацияланган капитал буфери таваккалчиликка тортилган активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча захира ҳисобланади. Ушбу захирани ташкил этишдан мақсад, банклар молиявий ва иқтисодий танглик даврида йўқотишларни амортизациялаш учун фойдаланиладиган захира капитали мавжудлигининг кафолатидир.

Шу билан бирга, биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти 2016 йил 1 январдан бошлаб K2 нинг энг кам даражаси 0,075 (7,5 фоиз) миқдорида ўрнатилади.

$$\begin{array}{l} \text{1-даражали} \\ \text{капитал} \\ \text{етарлиги} \\ \text{коэффиценти} \end{array} = \frac{\text{1-даражали капитал}}{\text{Рискка тортилган активлари}} \geq 7,5\%$$

(кредит риси + операцион риск +
бозор риси)

Ушбу янги ўзгаришларнинг киритилиши, албатта, банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларнинг халқаро стандартлар асосида такомиллашишига олиб келади. Лекин масалага бошқа томондан ҳам қараш лозим. Рискка тортилган активларни ҳисоблашда янги рискларнинг қўшилиши банк капитали етарлилиги кўрсаткичининг кескин тушиб кетишига олиб келади. Чунки операцион рискка тортилган активлар миқдори кўпчилик тижорат банкларида катта суммани ташкил этиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари капитали улар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлиб банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир. Айти вақтда, банк капиталининг сифат даражаси унинг етарлилик ва манбаларининг таркиби даражаси билан белгиланади.

I боб бўйича хулоса

Республикаимизда халқаро андозаларга мос келадиган банк назоратини ташкил қилишда Жаҳон банкининг “Ўзбекистон Республикасида молия соҳасини ислоҳ қилиш” лойиҳаси катта аҳамиятга эга бўлди. Лойиҳада иштирок этган Жаҳон банки мутахассислари ёрдамида банк назоратига тегишли 30 га яқин меъёрий ҳужжатлар яратилиб, унда Марказий банк талаблари акс этди. Бундан ташқари, тижорат банклари фаолиятини жойига чиқиб текшириш бўйича “CAMEL” тизими жорий қилинди.

Республикаимиз тижорат банкларининг халқаро Базель талабларига асосланган банк капитал етарлилиги коэффиценти кейинги йилларда ошиб бориб, 23.8 фоиздан юқори кўрсаткичга етди, яъни, халқаро талаб 8 фоиз бўлгани ҳолда 3 баробардан юқоридир.

Шу билан бирга, халқаро экспертларнинг фикрича, агар ҳар бир тижорат банки бошқарув органлари томонидан самарали назорат тизими ташкил этилмас экан, Марказий банк назорат органлари текширишлари кутилган самарани бермайди. Шундан келиб чиқиб, республикаимизда тижорат банклари томонидан корпоратив бошқарув асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Фикримизнинг далили сифатида Президентимизнинг 1998 йил 2 октябрдаги “Тижорат банклари бошқарув органларини ислоҳ қилиш тўғрисида”ги Фармонида асосан, тижорат банкларида ички аудит хизматини ташкил этиш ва уни бевосита Банк Кенгашига бўйсунини таъминлаш билан Банк Кенгашининг ролини оширди. Ҳозирда ҳар бир тижорат банкида Банк Кенгаши таркибидаги Аудит ва рискларни бошқариш қўмитаси Банк ички аудит хизмати ва рискларни бошқариш бўйича ҳисоботини доимий эшитиб, зарур қарорлар қабул қилинмоқда. Тижорат банклари ички аудит хизмати томонидан текширишлар режа асосида бир йилда бир ёки икки марта ўтказилади.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарув асосларини мустаҳкамлаш мақсадида, Марказий банк таклифи билан ҳар бир тижорат банки таркибида ички назорат бошқармаси ташкил қилинган бўлиб, бош банкда бошқарма ва

унинг ҳар бир филиалида биттадан ходими филиалда ўтаётган барча банк операцияларини таҳлил қилиб, бош банк таркибидаги назорат бошқармасига ҳисоботларини тақдим қилади. Ушбу назорат тизимининг ташкил қилинганига кўп вақт бўлмасада, унинг самараси яққол кўринмоқда.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инкирози банк секторининг турли иқтисодий тебранишларга ҳар доим тайёр туришлари лозимлигини исботлади. Шунинг учун ҳам Базел III талаблари бўйича банк фаолияти назоратида асосий эътибор банк капиталининг барқарорлиги ва уни бошқариш рискига алоҳида эътибор берилиши лозимлиги белгиланган. Турли иқтисодий инқироз ҳолатларига бардош бера олиш имкониятларини ошириш учун банк капиталида қўшимча махсус захира фондини шакллантирилиши кўзда тутилган.

Юқоридаги Базел III талабларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун авваламбор банкларнинг барқарор капитал базасини ошириб бориш талаб этилади. Ушбу мақсадга эришишда банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, бунинг учун эса банк фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

II БОБ. БАНК КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЕТАРЛИЛИГИ АУДИТИ

2.1. Банк капиталини шаклантириш ва ўзгартирилишининг тўғрилигини аудит қилиш

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунига мувофиқ: «Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади. Банклар устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади»²⁰. Марказий банк 1997 йилдан бошлаб тижорат банкларининг устав капитали ҳажмини оширишга бўлган талабни кучайтирди. Хусусан, 1997 йил январь ойидан бошлаб тижорат банкларига устав капиталини ҳар чоракда белгиланган миқдорда ошириш мажбурияти юклатилди. Бу эса кутилган самарани берди. Яъни 1998–2000 йилларда тижорат банкларининг капитали икки маротаба кўпайди.

Тижорат банклари капиталини шакллантириши аудитида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилди:

- Ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги иштирокининг энг кўп улуши қонун ҳужжатлари билан белгиланган миқдордан ошиб кетмаслигига;

- Банкнинг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирокига йўл қўйилмайди, чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шўъба банклар ташкил этиш ҳоллари шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно;

- Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

- Энг кам устав капитали банк муассислари томонидан уни рўйхатга олиш пайтигача тўланиши керак. Устав капитали учун тўланадиган

²⁰ Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 33- бет.

маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида ёки бошқа банкларида очилган жамғариш ҳисобварағига ўтказилади. Кўрсатилган маблағлардан депозит сифатида фойдаланиш мумкин.

- Банклар устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланган меъёрдан кам эмаслиги;

Тижорат банки уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчаларни аудит қилиш бир мунча мураккаб жараён ҳисобланади.

Тижорат банки уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олиниши лозим.

Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан умумий йиғилишда иштирок этувчи овозга эга акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик тўртдан уч қисми овоз берган ҳолда қабул қилинади. Овоз бериш "битта акция - бир овоз" тамойили бўйича амалга оширилади.

Уставга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун банк акциядорлар умумий йиғилиши тегишли қарор қабул қилган кундан бошлаб бир ой мобайнида Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментига қуйидаги ҳужжатларни уч нусхада тақдим этади:

-Банк кенгаши раиси имзолаган банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатга олиш тўғрисидаги илтимоснома (давлат ягона муассиси ҳисобланган банклар илтимосномасини Бошқарув раиси имзолайди);

-уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган банк акциядорлари умумий йиғилишининг баённомаси;

-Банк кенгаши раиси имзолаган банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар матни.

Марказий банкнинг қўшимча акциялар чиқарилишига розилик бермаслиги асосланган бўлиши ва бир ой муддат ичида ёзма равишда банкка юборилиши лозим.

Қайд этилган талаблар билан бирга эмитент банклар қимматли қоғозларни рўйхатга олувчи органнинг қимматли қоғозларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказишга доир меъёрий ҳужжатлари талабларини бажарадилар.

Акциялар номинал қийматини пасайтириш ёки акциялар умумий сонини қисқартириш, жумладан, кейинчалик уларни тўлаш шарти билан сотиб олиш орқали Банк устав капитали камайтирилиши мумкин.

Агарда банк уставида кўзда тутилган бўлса, акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва уларни тўлаш йўли билан банк устав капиталини камайтиришга рухсат этилади.

Агар устав капитали камайтирилиши натижасида унинг ҳажми банк уставидаги тегишли ўзгаришларни қайд қилиш санасида аниқланадиган, Марказий банк томонидан белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса, банк устав капитали миқдорини камайтиришга рухсат берилмайди.

Устав капиталини камайтириш ҳамда банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади (давлат ягона муассиси ҳисобланган банкда қарор ҳукумат томонидан қабул қилинади). Қарорда устав капиталининг камайтирилиши сабаблари кўрсатилади ва уни камайтириш тартиби белгиланилади.

Жойлаштирилган акцияларни сотиб олиш йўли билан устав капиталини камайтиришда акциядорлар умумий йиғилишининг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорида сотиб олинadиган акциялар турлари, банк томонидан сотиб олинadигаи ҳар бир турдаги акциялар сони, сотиб олиш нархи, тўлов шакли ва муддати, шунингдек акцияларни харид қилиш муддати белгиланиши лозим.

Акциялар номинал қийматини пасайтириш йўли билан устав капиталини камайтиришда акциядорлар умумий йиғилишининг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорида акциянинг янги номинал қиймати, акция нархи ҳамда акциялар янги номинал қиймати ўртасидаги фарқни акциядорларга қайтариш шакли ва муддати, шунингдек ушбу фарқни қайтариш муддати белгиланиши зарур.

Банк томонидан оддий акцияларни сотиб олиш (акция нархи ва янги номинал қиймати ўртасидаги фарқни қайтариш) бозор нархига мувофиқ равишда, имтиёзли акциялар эса - жамият уставида кўзда тутилган нархда

Банк устав капиталининг камайтирилиши аудитида қуйидагилар ҳолатлар ўрганиб чиқилади:


- устав капиталининг камайтирилиши натижасида Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий меъёрлар ҳамда банк устав капитали энг кам миқдорида қўйиладиган талабларнинг бузилиши эҳтимоли ёки ҳар қандай акциядор иштироки улуши устав капиталининг қонунчилик томонидан белгиланган чекланган миқдоридан ошиш ҳолати;

- тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талабларига мос келиши;

- устав капиталининг камайтирилиши омонатчилар манфаатларига ва банк молиявий аҳволига аниқ хавф солиши мумкинлиги.

Марказий банкнинг устав капиталини камайтиришга розилик бермаслиги асосланган бўлиши ва охириги зарур ҳужжат олинганидан кейин бир ой муддат ичида ёзма равишда банкка юборилиши лозим.

Тижорат банклари устав капиталининг таркиби турли молиявий манбалар ҳисобига шаклланади. Ушбу манбалар ҳақида тадқиқотнинг биринчи бўлимида батафсил ёритилган эди. Уларнинг асосийлари сифатида банк томонидан чиқарилган оддий акцияларни таъкидлашимиз лозим. Банк устав капиталининг асосий қисми ушбу акциялар ҳисобига шакллантирилади.



2.1.1.-расм. Тижорат банклари жами капиталининг ўсиш динамикаси²¹, млрд.сўм

Тижорат банкларининг умумий капитали ҳажми 2013 йилга нисбатан 25 фоизга ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 6,9 трлн. сўмни ташкил этди.

2014 йил давомида тижорат банклари томонидан банк устав капиталини ошириш мақсадида 525,2 млрд. сўмлик, шу жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 222,6 млрд. сўмлик, «Агробанк»нинг 30,0 млрд. сўмлик, «Асака» банкнинг 68,8 млрд. сўмлик, «Ипотека-банк»нинг 43,2 млрд. сўмлик «Orient Finans» банкнинг 19,5 млрд. сўмлик, «Asia Alliance Bank»нинг 23,7 млрд. сўмлик ва «Қишлоқ қурилиш банк»нинг 33,3 млрд. сўмлик акциялари инвесторлар орасида жойлаштирилиб, шундан 209,2 млрд. сўмлик акциялар нодавлат сектор субъектларига сотилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 23 майдаги «Ўзбекистон саноат-қурилиш банкининг устав капиталини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2179-сонли Қарорига мувофиқ «Ўзсаноатқурилишбанк» устав капитали 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига 541,2 млрд. сўмга (223,4 млн. АҚШ доллари эквивалентида) етказилди.

²¹ www.cbu.uz интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бугунги кунда 18 та тижорат банкларининг акциялари «Тошкент» фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу банкларнинг қимматли қоғозлари мунтазам равишда биржада котировка қилиниб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилмоқда.

Ўзбекистон банк амалиётида тижорат банкларининг имтиёзли акцияларини сотишдан олинган тушум ҳам устав капитали таркибига киритилади. Бунда, имтиёзли акцияларнинг қиймати устав капитали умумий суммасининг 20 фоиздан ошиб кетмаслиги керак²². Айрим ривожланган индустриал давлатларда, масалан, Германия ва Австрияда имтиёзли акцияларни сотишдан олинган тушумлар банкларнинг устав капитали таркибига киритилмайди, устав капитали фақатгина оддий акцияларни сотишдан олинган тушум ҳисобига шакллантирилади. Чунки имтиёзли акцияларнинг эгалари тижорат банкининг ҳисобот йилида фойда олиши ёки олмаслигидан қатъий назар белгиланган дивиденд тўловини олиш ёки банк тугатилганда акция учун қўйилган маблағни биринчи навбатда қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон банк амалиётида, халқаро Базель андозаларида кўзда тутилгани каби, устав капиталининг фақат ҳақиқатда тўланган қисми капитал таркибига киритилади. Халқаро амалиётдан маълумки, кўпчилик ҳолларда акциядорларнинг бир қисми таъсис шартномасида кўзда тутилган миқдордаги ўз улушларининг маълум қисмини тўлашдан бош тортадилар ёки тўлашни кечиктирадилар. Шунинг учун ҳам эълон қилинган устав капиталининг фақатгина ҳақиқатда тўланган қисмини тижорат банкининг капитали таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Банклар, қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади.

Аудитор ўз ишини бажариши чоғида ҳалол ва самимий бўлиши зарур. У холис бўлиши ҳамда шахсий хайрихоҳлик ва бошқа эҳтирослар объектив

²² Ўзбекистон Республикасининг «Акциядор жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида» ги Қонуни, 1996 йил 26 апрел. 19-модда.

фикр юритишда ҳалал беришига йўл қўймаслиги шарт. У текширув натижасидан мутлақо манфаатдор бўлмаслиги зарур.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари бўлиши мумкин, башарти, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари бундан мустасно.

Банкларнинг акцияларини олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Банк муассислари банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар. Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади.

Тижорат банкларининг устав капитали банк уставида кўрсатилади ва банк фаолиятини бошлашнинг дастлабки маблағ ҳисобланади. Тижорат банклари устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмаган, лекин банклар фаолиятини барқарор таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб қўйилади.

Тижорат банклари устав капитали банк ўз маблағларининг асосий қисмини ташкил этади ва устав фонди суммаси банк акционерлари умумий йиғилишида оширилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланилиши мумкин.

Ташкил этилаётган банк капиталининг етарлилик даражасини аудит қилишда қуйидагилар асосий ҳисобланади:

- Марказий банк белгилаган устав капиталининг энг кам миқдори юзасидан талабларга мувофиқлиги;

- кўзда тутилаётган ўсишни қўллаб-қувватлаш даражаси;

- кўзда тутилаётган даромадлар ва асосий фондлар даражаси;

- муассисларнинг зарур ҳолларда қўшимча капитал кирита олиш қобилияти.

Банк рўйхатга олингунича устав капитали маблағларини тўплаш учун муассислар томонидан Марказий банк ёки Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида муваққат жамғарма ҳисобварақ очилади.

Банк рўйхатга олинadиган вақтгача муассислар томонидан тўланиши керак бўлган устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк меъёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Марказий банк фаолият шартлари, бизнес-режада кўрсатилган операциялар тури ва ҳажмига қараб банк устав капитали миқдорига қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

Шу ҳам айтиб ўтиш керакки аудитор ўз ишини бажариши чоғида ҳалол ва самимий бўлиши зарур. У ҳолис бўлиши ҳамда шахсий хайрихоҳлик ва бошқа эхтирослар объектив фикр юритишда ҳалал беришига йўл қўймаслиги шарт. У текширув натижасидан мутлақо манфаатдор бўлмаслиги зарур. Аудитор иш давомида ўзига маълум бўлган махфий ахборот сир сақланишини таъминлаши ва алоҳида рухсатсиз учинчи шахсларга ошкор этмаслиги шарт. Аудиторга махфий ахборотни сир сақлай олмагани учун шартнома шартларига асосан маъсулият юклатилади.

2.1.1.-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки капитали таркиби²³

Моддалар	2014 –йил 31-декабр	2013 –йил 31-декабр	Фарқи
Устав капитали	623 867	623 867	0
Сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активлар бўйича захира	8915	8 915	0
Тақсимланмаган фойда	471 359	359 605	111 754
Бошқа захиралар	6 046	11 617	-5 571
Гуруҳ мулкдорига тўғри келадиган жами капитал	1 098 095	1 004 004	94 091
Иштирокчининг назорат қилинмайдиган улуши	6 626	8610	-1 984
Жами капитал	1 104 721	1 012 614	92 107

²³ ТИФ Миллийбанк ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

Маълумотлардан кўринадики, тижорат банкининг жами капитали асосан 2 элемент ҳисобига, яъни устав капитали ва тақсимланмаган фойда ҳисобига шаклланган. Ушбу устав капиталининг жами капитал ҳажмидаги салмоғи ўртача 60,0 фоизни ташкил қилади. Устав капиталининг жами капитал ҳажмидаги салмоғи юқори эканлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки устав капитали юқори барқарорлик даражасига эга бўлган молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида банк балансининг пассивидаги устав капитали салмоғининг ижобий ўзгариши банкнинг тўловга қобиллигининг мустаҳкамлигини белгиловчи бирламчи омил ҳисобланади.

Жадвал маълумотларидан кўриняптики, тижорат банкининг капитали таркибида устав капитали сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди.

Ҳозирги пайтда тижорат банклари акцияларини олди-сотдисини амалга ошириш учун иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг тўлиғича шаклланмаганлиги туфайли оддий ва имтиёзли акцияларининг баҳосини операцион қиймат усули орқали аниқлашнинг имконияти йўқ. Мамлакат Президенти И.А.Каримов шу хусусда тўхталиб, жумладан шундай деди: «Такрор ва такрор айтишга тўғри келади: қачонки қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори тўла ишга тушса, фонд биржаси том маънода фаолият кўрсатса, қачонки акциялар қиймати мунтазам эълон қилиб борилса, аҳолида акциялар сотиб олишга иштиёқ ва интилиш туғилса, акцияларнинг ўзи эса шунчаки оддий қоғоз бўлиб қолмасдан, ҳақиқий қимматли қоғозга айланиб, ўз эгалари учун муҳим даромад манбаи бўлсагина, бу мақсадга эришиш мумкин. Содда қилиб айтганда, бу акциялар қонун нуқтаи назаридан қимматли қоғоз деб баҳоланади. Лекин ҳаётда одамлар бунга қандай қараяпти?»²⁴.

Юқорида қайд этилгандек, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги уларнинг бозор баҳосини аниқлаш имкониятини бермаяпти.

²⁴ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том, –Т.: «Ўзбекистон», 2004, 205-бет.

Шу сабабли, банклар устав капиталининг ҳақиқатда тўланган қисмини жами капитал ҳажмидаги салмоғи ва банкнинг ресурслари ҳажмидаги салмоғини таҳлил қилишимиз мумкин.

2.1.2.-жадвал

ХАТБ “Равнақбанк” акциядорлик капиталининг таркиби²⁵
(минг. сўмда ҳисобот йилининг охирига нисбатан)

Хусусий капитал	2014-йил 31-декабр	2013 йил 31-декабр	Фарқи
Оддий акциялар	15 700 000	13 092 016	2 607 984
Имтиёзли акциялар	0	0	0
Қўшимча капитал	2 355	2 141	214
Жами акциядорлик капитали	15 702 355	13 094 157	2 608 198
Қайта баҳолаш захиралари	0	0	0
Тақсимланмаган фойда(жамланган дефицит)	1 580 013	919 871	660 142
Жами хусусий капитал	17 282 368	14 014 028	3 268 340

Жадвал маълумотлардан кўринадикки, банкда оддий ва имтиёзли акциялар улушини таҳлил қиладиган бўлсак, банк томонидан оддий акциялар улуши 100 %га тенг. Банкда 2013-2014 йиллар давомида имтиёзли акциялар эмиссия қилинмаган. Бу ўз навбатида банкнинг корпоратив бошқарув жараёнида асосан оддий акция эгаларининг ўрни юқорилиги билан изоҳланади.

Тижорат банклари жами капитали таркибида махсус захирани жуда юқори салмоққа эга эканлиги, фикримизча, салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки тижорат банклари махсус захирасининг сезиларли қисми девальвация захираси ҳисобига вужудга келган. Девальвация захираси банк иқтисодий қийинчиликларга тушганда ундан чиқиб кетиш учун молиявий ҳимоя воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини етарли даражада бермайди. Чунки ушбу захира реал қийматга эга бўлмаган капиталнинг арзон манбаси ҳисобига вужудга келган бўлиб, уни банкнинг актив пул маблағлари ҳисобварақларида манба сифатида кирим қилишнинг имконияти мавжуд эмас.

²⁵ ХАТБ “Равнақбанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Тижорат банклари асосий капитали таркибида эмиссион даромадларнинг мавжуд эмаслиги банкларнинг оддий ва имтиёзли акцияларини мамлакат фонд биржаларида олди-сотди қилинмаётганлиги билан изоҳланади.

Маълумки, эмиссион даромад тижорат банкининг оддий ва имтиёзли акциялари бозор баҳоси билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ сифатида юзага келади. Тижорат банклари оддий ва имтиёзли акцияларини қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди қилинмаслиги уларнинг бозор баҳосини шаклланмаслигига сабаб бўлади.

Имтиёзли акцияларни, шунингдек оддий акцияларни ҳам сотиш орқали банк капиталини шакллантиришнинг энг қиммат усули ҳисобланади. Чунки имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий акцияларнинг эгаларига нисбатан тўғридан-тўғри банк фойдасини тақсимлашда биринчи навбатда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар, бунинг натижасида тўланиши лозим бўлган банк дивидендларининг миқдори камайиб кетиши мумкин.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тақсимланмаган фойданинг жами капитал ҳажмидаги салмоғи нисбатан сезиларли салмоқни ташкил этади (ўртача 20 фоиз). Бу эса ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки тақсимланмаган фойда банкнинг барча тўловлари амалга оширилгандан сўнг қоладиган фойда бўлиб, у банк акциядорлари йиллик ҳисобот йиғилишининг қарорига мувофиқ ишлатилади. Тижорат банклари мазкур капитал манбаси ҳам молиявий жиҳатдан нисбатан барқарор манба таркибига киритилиши

Тижорат банкларининг жорий йилдаги соф фойдаси барча харажатлар ва чегирмалардан сўнг вужудга келадиган капитал манбаси ҳисобланиб, республикамиз банк амалиётида банкларнинг иккинчи даражали капитали таркибига киритилади. Бизнинг фикримизча, ушбу капитал манбасини нисбатан молиявий барқарор манба эканлигини инобатга олиб асосий капитал таркибига киритиш лозим.

Тижорат банклари капитали таркибида қайта баҳолаш захирасининг жуда кичик салмоққа эга эканлиги жадвал маълумотларидан кўриниб

турибди. Ҳолбуки, ривожланган хорижий давлатларда қайта баҳолаш захираси банклар қўшимча капиталининг асосий қисмини ташкил этади. Бунинг сабаби, йирик ва ўрта тижорат банклари катта шаҳарларда юқори баланс қиймати мавжуд биноларга эгадирлар. Биноларнинг бозор баҳоси эса, одатда, ўсиш тенденциясига эга. Бундай шароитда юқори қийматга эга бўлган биноларнинг бозор баҳоси ўсиши натижасида катта миқдордаги қайта баҳолаш захираси пайдо бўлади.

Ўзбекистон тижорат банкларида қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг ўсган қиймати 30908-«Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағига кириш қилинади. Ушбу сумма, тижорат банкининг 31203-«Тақсимланмаган фойда» ҳисобварағига, яъни асосий капитали таркибига, тегишли активнинг тиклаш ва бошланғич қийматининг эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммасига тенг миқдорда ҳар ойда ўтказиб борилади²⁶.

Бинолардан ташқари банкларга тегишли ерларнинг бозор баҳоси ошиши натижасида қайта баҳолаш захирасининг миқдори ошади.

Ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ, Япония ва Ғарбий европа давлатларида тижорат банкларига тегишли ерлар уларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Шу сабабли, ерлар баҳосининг ўсиши ҳисобига юзага келган захира миқдори тўғридан-тўғри банкнинг қўшимча капитали таркибига киритилади.

Ўзбекистонда тижорат банклари ва бошқа юридик шахслар эгаллаб турган ер майдонларига нисбатан хусусий мулкчилик муносабатлари мавжуд эмас²⁷. Шу сабабли, тижорат банклари фойдаланаётган ер майдонларининг қиймати қайта баҳоланмайди²⁸. Демак, Ўзбекистон тижорат банкларида қайта баҳолаш захираси фақат банкларга тегишли бўлган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида юзага келади.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 166- бет.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.: «Ўқитувчи нашриёти», 1998, 19-бет

²⁸ Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 169- бет.

Шуни назарда тутиш лозимки, тижорат банкларида қайта баҳолаш захирасини шакллантириш ва ундан банкнинг капиталини ошириш учун фойдаланганда солиққа тортиш механизми бевосита таъсир қилади. Солиққа тортиш механизми таъсирининг моҳияти шундаки, банкда қайта баҳолаш натижасида юзага келган фарқ миқдори фойда ёки даромад ҳисобланади ва солиққа тортилади. Ёки юзага келган фарқ миқдори мулк қийматининг ўсиши сифатида мол-мулк солиғига тортилади. Бунинг натижасида банк реал тушумга эга бўлмаган ҳолда солиқ тўлаган бўлиб чиқади. Бу эса, банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилади.

АҚШ, Япония ва Ғарбий европа давлатларида тижорат банкларининг қайта баҳолаш захираси умуман солиққа тортилмайди. Бу эса қайта баҳолаш захирасидан капитал элементи сифатида фойдаланиш имконини беради.

Демак, тижорат банклари капитали таркибида мазкур захираларнинг кичик салмоққа эга эканлигининг асосий сабаблари сифатида республикамізда қайта баҳолаш ҳисобидан вужудга келган қийматнинг мол-мулк солиғига тортилиши ва тизимли қайта баҳолаш тартибининг ривожланмаганини эътироф этишимиз лозим.

Тижорат банкларида субординациялашган қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслиги, тижорат банкларининг ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бозоридаги мавқеининг заифлигидан далолат беради. Чунки субординациялашган қарз мажбуриятларининг тижорат банкларига ўрта ва узоқ муддатли ресурсларни жалб қилишнинг қулай ва кам харажатли воситаси ҳисобланади.

Тижорат банклари, аввало, қисқа муддатли кредитлаш институтлари ҳисобланади. Шу сабабли, уларнинг ресурслари таркибида асосий ўринни қисқа муддатли молиялаштириш маблағлари эгаллаши лозим. Айни вақтда, ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш ҳисобидан молиялаштириладиган юқори рентабелли инвестиция лойиҳалари мавжуд бўлиб, улар банкларни ўрта ва узоқ муддатли ресурслар топишга мажбур қилади. Субординациялашган қарз

мажбуриятларидан ана шундай ресурсларни жалб қилиш воситаси сифатида фойдаланилади.

Тижорат банклари жами капитали таркибида консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қуйилмалар мавжуд эмаслиги жадвал маълумотларидан яққол кўринмоқда. Демак, бизнинг банкларда лизинг, траст, факторинг, форфейтинг компаниялари каби кредит муассасалари ташкил этиш амалиёти етарли даражада мавжуд эмас. Ҳолбуки, халқаро банк амалиётида тижорат банклари қошида ташкил этилган кредит муассасалари фаолиятининг иқтисодий жиҳатдан самарали экани ўз исботини топган.

Банклар қошида ташкил этилган шўъба корхоналари мустақил балансга эга бўлмайди, улар белгиланган харажатлар сметаси асосида фаолият юритади ва олган фойдаси банкнинг фойдасига қўшилади. Энг муҳими, улар фаолиятини самарадорлигини аниқ кўрсаткичларда ифодалаш мумкин. Шунингдек, тижорат банклари молиявий муассаса сифатида ресурсларга эга бўлиб, ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятлари янада ошади. Бу уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тижорат банкларида кредитдан келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираларининг жами капитал ҳажмидаги салмоғи кичик эканлиги кузатилди. Бунинг асосий сабаби, тижорат банклари томонидан берилган кредитларни таснифлашда уларнинг риск даражаси нисбатан юқори эмаслиги ва муддати ўтган ссудаларни кичик миқдорда эканлигидир.

Тижорат банклари капиталини шакллантиришда унинг таркибини барқарор молиялаштириш манбалар ҳисобидан амалга оширишга эришиш банк капиталини бошқаришнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, 2008 йил 31 декабрь ҳолатига тижорат банкларининг устав капитали жами капитал ҳажмидаги улуши сезиларли даражада юқори миқдорга эга.

2.1.3.-жадвал

Тижорат банкларининг устав капитали тўғрисида маълумот²⁹

(млн. сўмда)

№	Банк номи	01.01.2014 йил ҳолатига	01.01.2015 йил ҳолатига	ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				(+;-)	%
1	Саноатқурилиш банк	318 543	613 904	295 361	192,7%
2	Асака банк	435 680	504 544	68 864	115,8%
3	Қишлоқ қурилиш банк	278 034	311 399	33 365	112,0%
4	Агробанк	233 724	263 523	29 799	112,7%
5	Микрокредит банк	200 166	200 166	0	100,0%
6	Халқ банки	200 000	200 000	-	100,0%
7	Ипотека банк	138 301	181 529	43 228	131,3%
8	Миллий банк	125 946	125 946	-	100,0%
9	Азия Альянс банк	75 278	99 008	23 730	131,5%
10	Алоқабанк	88 614	99 000	10 386	111,7%
11	Ипак Йўли банк	60 900	73 341	12 441	120,4%
12	Хамкор банк	48 633	66 026	17 393	135,8%
13	Инвест Финанс Банк	44 131	60 000	15 869	136,0%
14	Турон банк	40 001	46 002	6 001	115,0%
15	Капитал банк	43 000	43 000	-	100,0%
16	Савдогар банк	42 000	42 155	155	100,4%
17	Ориент-финанс банк	22 386	41 886	19 500	187,1%
18	KDB Bank Uzbekistan	38 951	38 951	-	100,0%
19	Садерат	26 318	36 561	10 243	138,9%
20	Трастбанк	26 250	32 250	6 000	122,9%
21	УТ банк	30 895	30 895	0	100,0%
22	Туркистон банк	17 318	20 318	3 000	117,3%
23	Давр банк	19 500	19 500	-	100,0%
24	Hi-tech bank	17 028	17 028	-	100,0%
25	Универсал банк	16 643	16 643	-	100,0%
26	Равнақ банк	13 092	15 700	2 608	119,9%
	Жами	2 601 332	3 199 275	597 942	123,0%

Бугунги кунда банкларнинг капиталлашуви жараёнининг чуқурлашуви, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг юзага келаётганлиги ва кўрсатилаётган хизматлар кўламининг тобора кенгайиб бораётганлиги ўз-ўзидан банкларни бир ҳудуд доирасида чекланиб қолмасдан, халқаро молия бозорларига чиқишларини тақозо этмоқда. Бундай натижага эришиш учун банкларнинг халқаро рейтинг агентликлари кредитга лаёқатлилиқ борасидаги

²⁹ Тижорат банклари ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

рейтингига эга бўлиши жуда муҳимдир.

Айни пайтда айрим давлатларнинг банк тизими рейтинглари салбий кўрсаткичга тушаётган бир пайтда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида банк тизимини янада ислоҳ этиш борасида олиб борилаётган тизимли ислохотлар, қабул қилинган фармон ва қарорлар, кўрсатма ва тавсияларнинг ўз вақтида ижро этилаётгани туфайли юртимиз банк тизими мунтазам равишда «Мудис», «Стандарт энд Пурс», «Фитч Рейтингс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг ижобий баҳоларига сазовор бўлиб келмоқда.

2014 йилда мамлакатимиздаги мавжуд банкларнинг барчаси ана шундай юқори баҳога муносиб топилиши фикримизга далил бўла олади. Табиийки, бундай натижага эришиш осон эмас. Масалан, «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг шу йилнинг апрель ойида «Интерфакс» ахборот агентлигига берган интервьюсида таъкидланишича, Қозоғистонда 2008 йилдан буён ҳанузгача банк тизими салбий ҳолатлигича қолмоқда. Муаммоли кредитлар улушининг юқори бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда шубҳали кредитларнинг харажатларини қоплаш зарурлиги, банк капиталининг рентабеллиги ва етарлилик даражасининг пастлиги ҳамда банкларнинг йирик кредиторларини тизимли рағбатлантириши жуда ҳам паст даражада қолганлиги қайд этиб ўтилган.

Устав капиталининг бошқа манбаларга қараганда нисбатан юқори барқарорликка эга эканлигини инобатга олиб, унинг жами пассивлар таркибидаги улушини тадқиқ қилганимизда мазкур кўрсаткичнинг сезиларли даражада пасайиб бориш тенденциясига эга эканлигини гувоҳи бўлдик. Ушбу натижаларни ижобий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди. Ушбу ҳолат тижорат банклари капиталини самарали бошқаришдаги мавжуд бўлган муаммо ҳисобланади. Чунки тижорат банклари устав капитали нисбатан юқори барқарорликка эга бўлиб, банк қийин молиявий ҳолатга тушганда ундан асосий ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланади. Тижорат банклари устав капитали салмоғини банк пассивлари таркибидаги

улушининг барқарор миқдорини таъминлашга эришиш уларнинг молиявий жихатдан бақувват бўлишига хизмат қилади.

Холрижий капитал иштирокидаги банкларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб бу турдаги банкларнинг капиталини шакллантириш ва ўзгартиришни аудит қилишда бир мунча бошқа ҳолларни ҳам назарда тутиш керак. Хусусан :

А) Фақат молиявий аҳволи мустаҳкам ва бенуксон ишбилармонлик обрў-эътиборга эга бўлган норезидент банклар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз шўъба банкларини очишларига йўл қўйилади. Бунда қисқа муддатли мажбуриятлари IBСA, Moody's ёки Standart and Poor таснифлари бўйича A1 (ёки A+) дан паст бўлмаган рейтингга эга норезидент банклар устунликка эгадир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз шўъба банкини очиш ёки бу ердаги банк устав капиталида иштирок этиш истагини билдирган норезидент банк устав капитали 500 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг суммадан кам бўлмаслиги керак.

Б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи банклар норезидентлар бадаллари ҳисобига ўз устав капиталини кўпайтириш, шунингдек банк акцияларини сотиш ёки тўланмаган акциялар ва банк акцияларини имтиёзли равишда сотиб олиш ҳуқуқини резидент акциядорлар томонидан норезидентлар фойдасига беришга белгиланган тартибда олдиндан Марказий банкнинг рухсатномасини олишлари шарт.

В) Хорижий капитал иштирокидаги банк Марказий банк белгилаган тартибда маблағларни ички активларга жойлаштириши шарт. Ички активлар деганда хорижий капитал иштирокидаги банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштирилган сўмлардаги ва чет эл валютасидаги активлари, жумладан, қуйидагилар тушунилади:

- банкнотлар, тангалар ва тўлов ҳужжатлари;

- хорижий капитал иштирокидаги банкнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги вакиллик ва бошқа ҳисобрақамларда сақланаётган маблағлари;

-Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва резидентларининг қимматли қоғозлари;

-Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига ва резидентларига берилган кредитлар.

Г) Чет эл капитали иштирокидаги банклар ва хорижий банклар шўъба банкларида - бош бухгалтер, бошқарув раиси ўринбосари, бошқарув раиси ўринбосарлари бир кишидан кўп бўлган банкларда эса - биринчи ўринбосар лавозимиغا Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланади.

Устав капиталини шакллантиришда ҳамда ундан кейинги босқичларда унинг етарлилигини таъминлашда оддий акциялар банк учун қулай молиявий восита бўлиб ҳисобланади. Оддий акциялар эмиссияси банк учун ташқаридан капитални жалб қилишнинг энг қиммат шакли ҳисобланади. Жумладан, акцияларни молия бозорида жойлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар, оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар миқдорини бошқа қимматли қоғозларга тўланадиган тўловлар рискини қайд этиб ўтишимиз мумкин. Чунки, банк келгусида, оддий акциялардан режалаштирилган даромад миқдорини ололмай қолиш эҳтимоли доимо сақланиб қолади. Акциядорларнинг муомалага янгидан чиқарилган акцияларни сотиб олиш имконияти бўлмаганда, ушбу акциялар банк фаолияти устидан назорат юритиш талабларини камайтирадилар. Агар янгидан чиқарилган акциянинг ҳар бири тегишли миқдорда фойда келтирмаса уларни чиқариш билан боғлиқ харажатлар банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Айни вақтда, фикримизча, Ўзбекистон банк амалиётида тижорат банклари устав капиталининг барқарорлигини оширишга хизмат қилувчи икки асосий омил мавжуд:

1. Банкларни масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) шаклида ташкил этишга рухсат берилмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунининг 7-моддасига мувофиқ банклар мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади. Демак, маълум

бўладики банклар масъулияти чекланган жамият сифатида ташкил этилишига қонун ҳужжатларида рухсат этилмаган.

2. Банк муассислари банк рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида банк акциядорлари таркибидан чиқишга ҳақли эмаслиги³⁰.

Республикамиз тижорат банкларининг масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этишга рухсат берилмаганининг асосий моҳияти шундаки, масъулияти чекланган жамиятлар шаклида таъсис этилган банкларда таъсисчи молиявий йил давомида ўзининг улушини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу эса, аввало, банкнинг ликвидлигига салбий таъсир қилади. Тижорат банкларининг асосий қисми акциядорлик шаклида ташкил этилган бўлиб, юқорида қайд этилган қонуннинг талабига мувофиқ акциядорлар молиявий йил мобайнида ўз улушларини талаб қилиб олишга ҳақли эмаслар. Демак, банк молиявий йил давомида акциядорларнинг маблағларини эркин ишлата олади.

Ўзбекистон банк амалиётида банкларнинг оддий ва имтиёзли акцияларини сотишдан тушган маблағлар тижорат банклари устав капиталининг асосий қисмини ташкил этади. Уларнинг бозор баҳосини ошиши устав капитали миқдорини ва эмиссион даромадлар ҳажминини ошириш имконини беради.

Банк оддий акцияларининг бозор баҳоси ижобий ўзгаришига молия бозорида банк акцияларига бўлган талабнинг ошишига таъсир қилади. Имтиёзли акцияларнинг бозор баҳоси эса банкнинг операцион фойдаси ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ. Чунки имтиёзли акциялар учун белгиланган фоизлар операцион фойда ҳисобидан тўланади.

Марказий банк тижорат банкларининг жами капиталига нисбатан 10 фоиз миқдорида минимал етарлилик талаби белгилаган бўлиб, ушбу талабни бузилишига йўл қўймаслик банк капиталини аудитининг муҳим

³⁰ Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003. 254- бет.

жиҳатларидан бири ҳисобланади. Асосий капиталнинг минимал даражаси эса 5 фоиз қилиб белгиланган.

Асосий капитал қўшимча капиталга нисбатан барқарор молиялаштириш манбаи бўлганлиги сабабли капитални аудити жараёнида унга алоҳида эътибор берилади.

Асосий капитални аудити жараёнида унинг барқарорлигига, унга таъсир килувчи омилларни ўрганишга устуворлик берилади.

Банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш капитални аудитининг муҳим жиҳатларидан бири саналади.. Банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда капиталнинг қийматини баҳолаш марказий масала ҳисобланади.

Лекин, шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда абстракт мушоҳадаларга ҳам сезиларли ўрин ажратилади. Бунинг сабаби, банк капиталидан айнан қайси актив операцияларни амалга оширишда фойдаланилаётганлигини аниқлашнинг иложи йўқ. Чунки банк ресурсларидан умумий асосда фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари капиталини шакллантириш ва аудитининг назарий асосларини тўғри талқин қилиш ва бу борада мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиқ бериш, тижорат банклари капиталини аудитини такомиллаштириш тадбирларини илмий жиҳатдан асослаш учун жиддий замин ҳозирлайди.

2.2. Тижорат банклари капиталининг етарлилиги аудити

Марказий банк назоратчиларининг ҳамда банк аудити ходимларининг биринчи навбатдаги вазифаси, ўзлари маъсул бўлган банкларга хулоса бериш, молиявий ҳолатини таҳлил этиш ва унга баҳо беришдир. Банкка баҳо беришда ҳамда унинг рейтингини аниқлашда барча банк назоратчилари ҳамда аудиторлар томонидан бир хил қабул қилинган ягона андозадаги тизимдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Мавжуд рейтинг тизими

хаммабоп ва тушунарли бўлиши лозим. Шундагина бошлиқдан тортиб, ишга янги келган ходимга ҳам банк фаолиятини осонлик билан ўзлаштириш ва унинг молиявий ҳолатини тезда тушуниб олиши мумкин бўлади.

Банкнинг устав капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади. Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланилиши мумкин.

Тижорат банклари ўз фаолиятини назорат қилишда турли хил тизимли кўрсаткичлардан, “Fitch Retyingъs”, “Moodyъs” ва “Standard & Poorъs” каби халқаро рейтинг агентликлари хизматларидан ҳамда банк тизимини мувофиқлаштирувчи “Basel Committee”, “CAMELS” каби ташкилотлар тавсияларидан фойдаланишлари мумкин. Энг эътиборлиси шундаки барча молиявий ҳолатни баҳоловчи кўрсаткичларда ёки баҳоловчи ташкилотларнинг баҳолаш тизимида асосий ўринда капитал ва у билан боғлиқ кўрсаткичлар туради.

Банк капиталининг етарлилигини аниқлашга икки хил усулда ёндашиш мумкин:

- Базель қўмитаси тавсияси;
- CAMELS - тизими тавсияси.

Базел келишувига асосан капиталнинг етарлилик даражаси қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ифодаланади:

1. 1-даражали капитал (асосий) билан 2-даражали (қўшимча) капитал ўртасидаги нисбат;
2. Банк асосий ва умумий капиталининг рисклилик даражаси бўйича тортилган активларга нисбатини белгилайдиган капитал етарлилик меъёрлари;

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган талаблардан келиб чиққан ҳолда банк капиталининг икки томонини кўрсатиб ўтиш керак:

1. Статистик;
2. Динамик;

Капиталнинг етарлилик даражасининг статистик томонини жуда оддий тушунтирса бўлади. Бунга асосан ҳар қандай депозит олувчи ва кредит берувчи тижорат банк 10 млн. евро эквивалентидаги маблағдан кам бўлмаган устав капиталга эга бўлиши керак. Мазкур талабни бажармаган бирорта банк бу талабни бажармасдан туриб ишга тушиши мумкин эмас. Капитал етарлилик даражасининг динамик томони эса бир мунча мураккабдир. У Базель келишуви меъёрларининг мажбурий риоя қилиниши, капитал етарлилик кўрсаткичларини ошириб бориш билан боғлиқдир.

Банк капиталининг етарлилиги масаласини ҳал қилишда АҚШнинг федерал резервлар тизими томонидан таклиф қилинган «CAMELS» рейтинг тизими алоҳида ўрин эгаллайди.

«CAMELS» рейтинг тизимининг хусусиятлари шундан иборатки, бу тизим орқали тижорат банкининг рейтинги банк фаолиятининг асосий йўналишларини белгиловчи кўрсаткичларни ҳисобга олади ва ҳар бир кўрсаткич бўйича баҳо беради.

«CAMELS» сўзидаги биринчи “С” ҳарфи капитал етарлилиги (Capital adequacy) маъносини билдирган ҳолда, уни баҳолашда қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланади:

1. Биринчи ва иккинчи даражали капитал ўртасидаги нисбат;
2. Капиталнинг етарлилик коэффициенти асосий ва қўшимча капиталларнинг риск даражаси бўйича тортилган активларга нисбати;
3. Молиявий левераж коэффициенти, банк жами капиталининг баланс активларининг ўртача суммасига нисбатан тенг.

Банк капиталининг етарлилигини баҳолаш тизими 5 баллик система бўйича ўлчанади. Банкларнинг олган балл кўрсаткичи қанчалик катта бўлса,

банк шунчалик кучсиз ҳисобланади. Олинган баҳолар қуйидагича ҳисобланади:

- 1 - кучли;
- 2 - қониқарли;
- 3 - ўртача;
- 4 - критик;
- 5 - қониқарсиз.

Капитални баҳолаш қуйидагиларга нисбатан аниқланади:

1. Рискли активларнинг ҳажмига нисбатан аниқланади;
2. Критик ва қониқарсиз активларнинг ҳажмига нисбатан;
3. Кутилаётган банкнинг ўсишига, режаларга ва келажагига нисбатан;
4. Банк активларини бошқариш сифатига нисбатан.

Банк тизими фаолиятида тартибсиз ривожланишга барҳам бериш, молиявий- иқтисодий инқирозларнинг юзага келишига тўсқинлик қилувчи огоҳлантирувчи чора-тадбирларни амалга ошириш орқали банклар стратегиясини давлат сиёсатидаги муайян иқтисодий мақсадларни амалга оширишга эътибор қаратиш керак. Мамлакатдаги молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти учун бугунги кунда ҳам, келгусида ҳам банк тизимини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли банк капиталини якуний баҳолашда активлар сифати катта ўрин тутadi. Агар банк капиталининг ўлчами катта бўлса ҳам, унинг активлари қониқарли бўлмаса, банк кучли ҳисобланмайди. Жами капитал, асосий капитал ва активлар сифати коэффициенти ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда банк фаолиятини баҳолашнинг рейтинги келтирилади:

Капитал етарлилигини баҳолаш³¹

Баҳо	Асосий капитал коэффициенти K1	Жами капитал коэффициенти K2	Чекловлар
1	4% дан анча юқори	8% дан анча юқори	Активлар сифати 2 дан кам бўлмаслиги, рискли активлар коэффициенти 11%дан катта бўлмаслиги керак
2	4% дан бир мунча юқори	8% дан бир мунча юқори	Активлар сифати 3, рискли активлар коэффициенти чегараланмаган
3	4% га тенг	8% га тенг	Активлар сифати 4, рискли активлар коэффициенти чегараланмаган
4	4% дан бир мунча паст	8% дан бир мунча паст	Судалар бўйича эҳтимолли зарарларни қоплаш захираси дастлабки капиталдан ортиқ
5	4% дан анча кам	8% дан анча кам	Зарарлар классификацияси дастлабки капиталдан ортиқ

2.2.1-жадвалдан шуни айтиш мумкинки банкларнинг капитали етарлилигидан ташқари уларнинг активлари ҳам банкларнинг капитали бўйича рейтингини аниқлашда эътибор қаратилади.

1 баҳо капитал ўлчами 1-гурух нормативларга тўғри келадиган ва активлари аъло ёки яхши деб баҳоланган банкларга берилади;

2 баҳо капитал етарлилик даражаси 2-гурух нормативларга тўғри келадиган ва активлар сифати 3дан кам бўлмаган банкларга берилади;


3 баҳо капитал етарлилик даражаси 3-гурух нормативларга тўғри келадиган ва активлар сифати 4 дан кам бўлмаган банкларга берилади;

4 баҳо умумий капиталнинг етарлилиги 8% дан бир мунча кам қийматга эга бўлса ва банк активлари сифати паст бўлса, банк активлари бўйича йўқотишлар акционер капиталга зиён келтириши мумкин бўлган банкларга берилади;

³¹ “Управление деятельностью коммерческого банка” (Банковский менеджмент) / Под редакцией О.И.Лаврушина . Москва. Юристъ 2003 год.

5 баҳо капитал етарлилик даражаси минимал меъёрдан кичик бўлса ва активлари йўқотишлар каби классификация қилиниб, акционер капиталига зарар келтираётган банкларга берилади.

Тижорат банклари капитали миқдорига ва етарлигига бўлган талабни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарорида ҳам кўриш мумкин. Қарорга асосан 2011-2015 йилларда тижорат банкларининг умумий капитали 2,1 мартага оширилиши белгилаб қўйилган эди. Амалга оширилган ишлар натижасида белгиаланган режа кўрсаткичлари муддатдан олдин ортиғи билан бажарилганини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.




2.2.1.-расм. Мамлакатимиз тижорат банкларида биринчи даражали капиталнинг етарлилиги (фоизда)³²

Расм маълумотларига қарайдиган бўлсак, тижорат банкларининг биринчи даражали капитал етарлилиги 2011 йил 1 январь ҳолатига 21,63 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йил 1 январь ҳолатига 14,98 фоизни ташкил этган. Банк тизимида тижорат банкларининг барқарор манбалар ҳисобидан капиталлашувига эътибор қаратилган. Тижорат банклари биринчи даражали

³² “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари.- Тошкент.- 2015 йил, февраль.

капитал етарлилигининг бу даражаси уларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш истиқболи мавжуд эканлигини белгилайди.



2.2.2.-расм. Мамлакатимиз тижорат банклари асосий капиталининг етарлилиги³³

Расм маълумотлари орқали умумий капитали етарлилиги таҳлили 2010-2014 йиллар оралиғида бу кўрсаткич Базель талабларидан 2-3 баровар юқори бўлган ҳолда 16,19%-20,07 % атрофида бўлган. 2010 йил давомида энг юқори кўрсаткичга эришилган. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, республикаимиз тижорат банкларида капитал етарлилигига қўйилган талаблар юқори даражада таъминланган.

Регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти тижорат банкларининг тўловга қобиллигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича учта методика мавжуд бўлиб, уларнинг ичида нисбатан мукаммали, кўпчилик таниқли экспертларнинг (К.Барлтроп, Д.МакНотон, А.Симановский, В.Усоскин, О.Лаврушин ва бошқалар.) фикрига кўра, Халқаро Базел қўмитаси экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методика ҳисобланади.

³³“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари.- Тошкент.- 2015 йил, февраль.

**Республикамиз тижорат банкларида умумий капитал етарлилиги
таҳлили**

№	Банк номи	01.01.2014 йил ҳолатига	01.01.2015 йил ҳолатига	ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				(+;-)	%
1	Садерат	71,3%	76,7%	5,4%	107,6%
2	УТ банк	52,2%	51,9%	-0,3%	99,4%
3	Hi-tech bank	37,3%	49,9%	12,6%	133,8%
4	KDB Bank Uzbekistan	31,7%	32,4%	0,7%	102,2%
5	Равнақ банк	28,7%	28,9%	0,2%	100,7%
6	Универсал банк	31,3%	28,3%	-3,0%	90,4%
7	Микрокредит банк	32,5%	26,3%	-6,2%	80,9%
8	Миллий банк	19,4%	22,9%	3,5%	118,0%
9	Давр банк	32,4%	22,5%	-9,9%	69,4%
10	Ориент-финанс банк	12,8%	21,5%	8,7%	168,0%
11	Туркистон банк	26,8%	20,9%	-5,9%	78,0%
12	Трастбанк	17,7%	20,2%	2,5%	114,1%
13	Қишлоқ қурилиш банк	22,7%	17,5%	-5,2%	77,1%
14	Саноатқурилиш банк	12,3%	17,4%	5,1%	141,5%
15	Азия Альянс банк	12,6%	17,4%	4,8%	138,1%
16	Асака банк	16,0%	16,9%	0,9%	105,6%
17	Алоқабанк	19,1%	15,4%	-3,7%	80,6%
18	Савдогар банк	18,1%	14,4%	-3,7%	79,6%
19	Ипак Йўли банк	12,7%	13,7%	1,0%	107,9%
20	Турон банк	11,2%	13,6%	2,4%	121,4%
21	Агробанк	13,7%	13,3%	-0,4%	97,1%
22	Ипотека банк	13,7%	13,2%	-0,5%	96,4%
23	Хамкор банк	14,3%	13,1%	-1,2%	91,6%
24	Инвест Финанс Банк	13,9%	12,2%	-1,7%	87,8%
25	Капитал банк	11,4%	10,6%	-0,8%	93,0%
26	Халқ банки	10,2%	10,3%	0,1%	101,0%
27	Ўртача %	23,8%	24,1%	0,2%	100,9%

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики мамлакатимиз тижорат банклари капитал етарлилиги халқаро Базел қўмитаси томонидан банк капитали етарлилигига қўйилган талаб даражасидан анча юқори. 2014 йил 1 январ ҳолатида банкларимиз жами капитал етарлилиги 23,8% ни

³⁴ Тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

ташкил этган болиб, 2015 йил 1 январ ҳолатида эса ушбу кўрсаткич 24,1% га тенг бўлган, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,2% га ўсган ва халқаро Базел қўмитаси томонидан белгиланган 8% лик миқдордан 3 баробардан юқори эканлигини кузатамиз. Шу билан бирга капитал етарлилигини юқори фоизларда бажараётганлигимиз сабаби банкларнинг рискка тортилган активлари миқдори кам эканлигини ҳам такидлаб ўтишимиз керак.

Жадвал малумотлардан кўринадикий 2015 йил 1 январ ҳолатига капитал етарлилик даражасини энг юқори фоизларда Садерат банк бажарган бўлиб ушбу кўрсаткич 76,7% ни ташкил этган. Кейинг ўринда эса УТ банк 51,9% билан бажарган. Hi-tech bank бу борада учинчи ўринда 49,9 % ва бу ўтган йилиги 12,6% га ошган. Кейинги ўринларда эса KDB Bank Uzbekistan банк 32,4% га, Давр банк 28,9% га бажарган бўлиб, банклар орасида Халқ банки анча ортга 10,3% га бажарганлигига гувоҳ бўламиз. Асака банк 2014 йил 1 январ ҳолатида капитал етарлилигини 16,0% га бажарган бўлса, 2015 йил 1 январ ҳолатида шу санада 16,3% га бажарган демак ўтган йилга нисбатан 0,3% га ошган. Инвест Финанс Банк ва Капитал банклар ҳам 2015 йил 1 январ ҳолатига капитал етарлилигини мос 12,2% ва 10,6% га бажарганлигига гувоҳ бўламиз, бу ҳол албатта бошқа банкларга қараганда паст даражада бўлиб бу ҳол ушбу банкларда рискли активлар юқори даражада эканлигидан ёки банк асосий капитал етарлилиги борасида муаммолар мавжудлигидан далолатдир.

Умумий ҳулоса берадиган бўлсак мамлакатимиз тижорат банклари ҳаммаси ҳам халқаро Базел қўмитаси томонидан банк капитал етарлигига белгилаган меъёр даражасини бажариб келмоқда. Барча банклар умумий капитали ўртача кўрсаткичи ҳам ўтган йилдаги 23,8% даражадан 24,1% га, яъни 0,3 фоизга ошганлигини анча ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин.

Республикаимиз тижорат банкларида левераж коэффиценти

№	Банк номи	01.01.2014 йил ҳолатига	01.01.2015 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				(+;-)	%
1	Садерат	68,3%	72,6%	4,3%	106,3%
2	Hi-tech bank	32,1%	47,2%	15,1%	147,0%
3	УТ банк	38,5%	35,9%	-2,6%	93,2%
4	Равнақ банк	22,1%	27,7%	5,6%	125,3%
5	Микрокредит банк	29,7%	25,4%	-4,3%	85,5%
6	Универсал банк	25,5%	23,8%	-1,7%	93,3%
7	Туркистон банк	21,0%	19,0%	-2,0%	90,5%
8	Давр банк	20,3%	15,9%	-4,4%	78,3%
9	Агробанк	13,4%	13,2%	-0,2%	98,5%
10	Алоқабанк	16,2%	12,8%	-3,4%	79,0%
11	Асака банк	12,5%	12,6%	0,1%	100,8%
12	Трастбанк	10,5%	12,3%	1,8%	117,1%
13	Инвест Финанс Банк	11,1%	12,1%	1,0%	109,0%
14	Савдогар банк	12,9%	11,6%	-1,3%	89,9%
15	Турон банк	7,5%	10,4%	2,9%	138,7%
16	Қишлоқ қурилиш банк	12,4%	9,9%	-2,5%	79,8%
17	Хамкор банк	10,3%	9,8%	-0,5%	95,1%
18	Азия Альянс банк	7,7%	9,5%	1,8%	123,4%
19	Миллий банк	9,1%	9,0%	-0,1%	98,9%
20	Саноатқурилиш банк	5,7%	8,6%	2,9%	150,9%
21	Ориент-финанс банк	7,3%	8,3%	1,0%	113,7%
22	Ипак Йўли банк	8,0%	8,1%	0,1%	101,3%
23	Халқ банки	7,2%	7,5%	0,3%	104,2%
24	KDB Bank Uzbekistan	7,2%	7,4%	0,2%	102,8%
25	Ипотека банк	6,2%	7,0%	0,8%	112,9%
26	Капитал банк	5,9%	5,9%	0,0%	100,0%
	Ўртача %	17,1%	17,7%	0,6%	103,5%

Юқоридаги жадвалда 2013 йил ва 2014 йилларда мамлакатимиз тижорат банклари активларининг қай даражада капитал билан тامينланганлигини ифода этувчи левереж коэффиценти тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу коэффицентга халқаро Базел қўмитаси томонида ўрнатилган минимум талаб 6% бўлиб, бизнинг тижорат банкларимиз ушбу кўрсаткични 2014 йил 1 январ ҳолатига ўртача 17,1% га, 2015 йил 1 январ ҳолатига 17,7% га бажарган.

³⁵ Тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

Бу борада Садерат банк ҳар иккала йилда ҳам энг юқори фоизларда бажариб келмоқда 2013 йил 68,3% га бажарган бўлиб, 2014 йилда эса 72,6% га бажарганлигини кўришимиз мумкин. Hi-tech bank левереж коэффициенти 2014 йил бошида 32,1% ни ташкил этган бўлса, 2015 йил бошида 47,2% га бажарган. УТ Банк левереж коэффициенти эътибор берсак 2013 йилда 38,5% г 2014 йилда эса 35,9 % га бажарганлигини кўрамиз. Кейинги ўринларда эса Равнақ банк 27,7% га, Микрокредит банк 25,4% га, Универсал банк 23,58% га, Туркистон банк 19,0% га, Давр банк 15,9% га бажарган бўлиб қолганлари эса 15% дан кам миқдорда бажарганлигига гувоҳ бўламиз. Бу борада Капитал банк, Саноат қурилиш банк, Хамкор банк ва Азия Альянс банклар Базел талабидан паст даражада эканлигини кўришимиз мумкин.

Барча банкларимиз ўртача левереж коэффициенти эътибор берадиган бўлсак, 2014 йилдаги 17,1% дан жорий 2015 йилда 17,7% га ошганлигини кўрамиз бу ўтган йилга нисбатан 0,6% га ошиб, Базел томонидан белгиланган етарлилик даражасидан анча юқоридир.



2.2.3.-расм³⁶.АТ “Микрокредитбанк” капиталининг етарлилик даражаси

³⁶ АТ “Микрокредит банк” йиллик ҳисобот маълумотлари

Банк фаолиятининг асосий индикаторлари, хусусан, капиталнинг етарлилиги, ликвидлиги даражалари 2014 йил давомида юқори даражаларни қайд этди.

Хусусан, капиталнинг етарлилик даражаси 26,3 фоизни, жорий ликвидлик даражаси 48,8 фоизни ташкил этди.

Активлар ва пасивларни бошқаришда олиб борилган сиёсат ва ажратилган кредитлар бўйича йўлга қўйилган тизимли мониторинг натижалари кредитларнинг ўз муддатларида қайтарилишини ҳамда ликвидлик сақланишини таъминлади.

Банкнинг умумий капитали ўтган йил давомида 4,8 млрд. сўмга ёки 2 фоизга ошиб, 222 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк устав капиталида давлат улуши 80 фоизни ташкил этиб, 53,4 фоизи Молия вазирлиги ва 26,6 фоизи Марказий банк ҳиссасига тўғри келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тижорат банклари капитали нафақат миқдор жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам талабга жавоб бериши керак. Тижорат банклари капиталининг сифат жиҳати деганда, одатда, унинг таркибини барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топиши тушунилади.

Капитал аудити жараёни банк акциядорларининг янгиланган рўйхати, жами акциядорлар улушининг баланс ҳисоботидаги тўланган капитал суммасига тенглиги ҳамда банк капитали Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 420-сонли Низоми талабларига жавоб бера олишини текшириш масалаларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги 1317-сонли “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан 2011 йил 1 январдан бошлаб янгитдан ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдорини қуйидагича белгиланган:

✦ тижорат банклари учун - сўм эквивалентида 10 млн.еврогача;

хусусий банклар учун - сўм эквивалентида 5 млн.еврогача.

2.2.4.-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида янги очилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдорига қўйиладиган талаблар³⁷

Давр	Тижорат банклари учун	Чет эл капитали иштирокида банклар учун	Хусусий тижорат банклари учун
2005 йил 1 июлдан	3 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	1,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида
2006 йил 1 январдан	4 млн. АҚШ доллари эквивалентида	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида	2 млн. АҚШ доллари эквивалентида
2007 йил 1 январдан	5 млн. АҚШ доллари эквивалентида		2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида
2008 йил 1 январдан	5 млн. ЕВРО эквивалентида		2,5 млн. ЕВРО эквивалентида
2011 йил 1 январдан	10 млн. ЕВРО эквивалентида		5 млн. ЕВРО эквивалентида

3-жадвалдан шунини айтиш мумкинки Ўзбекистон Республикасида банкларнинг капиталлашув жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк капиталини узлусиз ошириб бориш орқали банкларнинг жаҳон молия бозоридаги нуфузини оширада, қолаверса аҳоли ишончи ортади. ЕВРО пул бирлиги билан АҚШ доллари ўртасидаги нисбатни инобатга оладиган бўлсак 2008 йил 1 январдан 2011 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари ва хусусий банкларнинг устав капиталига нисбатан талаб 2 баробар ошганлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида банкларнинг актив операциялари ҳажми кенгайишига олиб келади.

Банклар доимо капитал етарлиги бўйича ўрнатилган меъерий кўрсаткичларга риоя қилишлари керак, акс холда уларнинг бажарилмаслиги Марказий Банк тамонидан жарима қўлланишига олиб келади. Шу сабабли меъерий чегаралар кўрсаткичларнинг кўзланган қийматларининг аниқлашда асосий муаммо бу - уларнинг Марказий Банк талабларига жавоб бера оладиган соҳада танланишидир.

³⁷ “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” низом (Янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 26.04.2000 й. № 420.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 26.04.2000 йилдаги 420-сонли “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” низомга кўра банк капиталнинг етарлилиги талаблар Халқаро Базель андозаларига мувофиқ ҳисобланади

Капиталнинг етарлилик коэффициентлари:

Таваккалчиликка асосланган капиталнинг умумий суммаси (ТАКУС) чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда I даражали капитал ва II даражали капитал йиғиндиси сифатида аниқланади;

Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар умумий суммаси (ТўОАУС) чегирмалар ажратишиб, таваккалчилик ҳисобга олинган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар йиғиндиси сифатида аниқланади;

Умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти K1 қуйидагича ҳисобланади:

$$K1 = \text{ТАКУС} / \text{ТўОАУС}$$

K1 нинг минимал рухсат этилган даражаси 0.1 га тенг (10 фоиз)

I даражали капиталнинг етарлилик даражаси қуйидагича аниқланади:

$$K2 = I \text{ даражали капитал} / \text{ТўОАУС}$$

K2 нинг минимал рухсат этилган даражаси 0.05 га тенг (5 фоиз)

Капиталнинг етарлилик даражаси талаблари билан бир қаторда тижорат банклари номоддий активлар ва Гудвилл чегириб ташланган I даражали капиталнинг умумий активлар суммасига нисбати орқали аниқланадиган левераж коэффициентига риоя этишлари керак:

$$K3 = I \text{ даражали капитал} / (\text{Умумий активлар олув номоддий активлар})$$

Лeverаж коэффициентининг минимал рухсат этилган даражаси 0.06 га тенг (6 фоиз).

Капиталдан чегирмалар капитал етарлилиги коэффициентлари ҳисоблангунча амалга оширилиши керак.

I даражали капиталдан чегирмалар номоддий активлар, шу жумладан гудвиллни ўз ичига олади.

Регулятив капиталдан чегирмалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) бирлашмаган нобанк шуъба молия корхоналари капиталига инвестициялар, жумладан, бундай корхоналар капиталини ташкил қилувчи уларнинг ҳар қандай акциялар ва қарз мажбуриятлари;

б) бирлашмаган нобанк номолиявий корхоналар капиталига инвестициялар, жумладан бундай корхоналар капиталини ташкил қилувчи ҳар қандай қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятлари;

в) бирлашмаган банклар капиталининг ҳар қандай воситаларига инвестициялар.

Банк капиталининг етарлилик даражаси устидан аудит ўтказилганда мазкур талабларига мувофиқ бўлмаган банклар қуйидагиларни ўз ичига олувчи капиталга қўйиладиган талабларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишлари керак:

- банк капиталини етарлилик даражасигача кўтариш учун зарур бўлган стратегия ва ҳатти-ҳаракатлар;

- режанинг амал қилиш даври мобайнида белгиланадиган капиталнинг чекланган миқдорлари;

- банкнинг фаолиятига белгиланган чекловлар таъсири остида режа билан қамраб олинадиган давр учун тадбирлар режаси;

- Марказий банк талабларига мувофиқ бошқа ахборот.

Базель андозалари қабул қилингунга қадар тижорат банклари устав капиталининг хорижий валютадаги қисми билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд эди. Бу борадаги асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Маълумки, тижорат банкларнинг баланси миллий валютада тузилади. Капитал таркибига хорижий валютада маблағ қўйилганда, у жорий даврдаги курс бўйича банк баланс ҳисоботларида миллий валютада акс эттирилади. Бунда банкнинг даромади миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида юзага келадиган фарқ миқдорини қоплаш учун етадиган даражада бўлиши

керак. Акс ҳолда банк чет эл валютасидаги соф активларини хорижий валютадаги капитал миқдorigа тенг равишда сақлаб туришга мажбур бўлади.

2. Агар капитал таркибидаги хорижий валюта чет эл банкларига депозит сифатида қўйилган бўлса, унда банк капиталининг қийматини тўлиқлигича сақлаш имконияти юзага келади. Лекин хорижий банк депозитларга бозор ставкаси бўйича фоиз тўлайди. Ривожланаётган хорижий мамлакатларда эса, одатда, хорижий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси жуда паст бўлади. Демак бунда, хорижий валютада қўйилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлади.

Ушбу андозага кўра, тижорат банкларнинг хорижий валютада шакллантирилган устав капитали банкнинг балансида тадрижий қиймат бўйича ҳисобга олинади. Бундан буён хорижий валюта алмашув курсининг ўзгаришидан қатъий назар, унинг банк балансидаги миллий валютада акс этган қиймати ўзгармасдан қолади. Аммо банк бу маблағларни ўзининг актив операцияларида эркин ишлатиш ҳуқуқидан фойдаланиб устав капиталига қўйилган хорижий валюталар актив операцияларда ишлатилганда қайта баҳоланади. Натижада, банкнинг активлари ва пасивлари ўртасида қайта баҳолаш миқдорида фарқ юзага келади. Бу фарқ миқдори тижорат банки балансининг пасивсидаги девальвация захираси ҳисобварағига ўтказилади.

Ўзбекистонда ҳозирча тижорат банкларининг миллий валютадаги балансдан ташқари юқори рискли операциялари ривожланмаган. Хусусан, опцион, фьючерс, форвард операцияларини банк амалиётида ривожлантириш зарур.

Ўзбекистонда тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан ўрнатилган талаблар халқаро Базель андозаларида кўзда тутилган талаблардан сезиларли даражада фарқ қилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари
капитали етарлилигига нисбатан белгиланган талабларининг халқаро
Базель стандартларидан фарқ қилувчи асосий жиҳатлари³⁸**

№	Кўрсаткичлар	Банк капитали етарлилигининг минимал даражаси
1	Тижорат банклари жами капиталининг етарлилик даражаси: - Халқаро Базель стандартларининг талаби - Ўзбекистон Марказий банкининг талаби	0,08 0,1
2	Тижорат банклари асосий капиталининг етарлилик даражаси: - Халқаро Базель стандартларининг талаби - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг талаби	0,04 0,05

Яъни, Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги 420 – сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, банк умумий капитали адекватлилик коэффициентининг минимал даражаси 0,1 ёки 10 фоиз, асосий капиталининг етарлилик коэффициентини минимал даражаси эса 0,05 ёки 5 фоиз миқдорида ўрнатилган. Айни вақтда, тижорат банкларининг капитали етарлилигининг минимал даражаси Базель андозаларида кўзда тутилган даражадан маълум жиҳатдан фарқ қилади. Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан қўйилган талаблар Базель андозаларидан бундай тарзда фарқланишининг асосий сабаблари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1.Тижорат банклари капитал базасини мустаҳкамлашда айрим муаммоларнинг мавжудлиги. Масалан, тижорат банклари жами капитали

³⁸ Республика Марказий банки ва халқаро Базель қўмитасининг меъёрий йўриқномалари асосида тайёрланди.

таркибида устав капитали салмоғини пасайиш тенденциясига эга бўлаётганлиги бу борадаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ушбу муаммо мамлакатимизнинг қатор олимлари, шу жумладан, О.Ф. Абдусаломова томонидан қайд этилган³⁹.

2.Тижорат банклари корпоратив мижозларига тегишли депозитларни суғурталаш тизимининг мавжуд эмаслиги.

Мазкур тизимнинг мавжуд эмаслиги банк капиталидан депозитларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланиш заруриятини кучайтиради.

Тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолашда марказий ўринни банк активларини рискка тортиш масаласи эгаллайди.

Халқаро Базель андозалари бўйича банк активларини рискка тортишда 4 та риск даражасидан фойдаланилади: 0 фоиз, 20 фоиз, 50 фоиз, 100 фоиз. Банк активларининг риск даражалари бўйича гуруҳланиши 1-иловада батафсил берилган.

Республикамиз банк амалиётида ҳам 4 тоифали риск даражасидан фойдаланилади, активларнинг риск даражаси бўйича гуруҳланиши ҳақидаги маълумот тадқиқотнинг 2-иловасида келтирилган.

Шуниси эътиборлики, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган банк активларини рискка тортиш методикаси билан халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган методика ўртасида жиддий фарқлар мавжуд эмас. Масалан, Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган методикада банкларнинг рисксиз, яъни 0 фоиз рискка эга бўлган активлари таркибига 6 та актив киритилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

а) Банкнинг айланма кассасидаги нақд пуллар;

б) Банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб - варағининг қолдиғи;

в) Ҳукумат ва Марказий банк томонидан 90 кунгача муддатга чиқарилган қимматли қоғозлар;

³⁹ Абдусаломова О.Ф. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертацияси. – Т.: БМА., 2002, 50-бет.

г) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;

д) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банкларига нисбатан талаблар ҳамда бу давлатларнинг нақд валюталари билан таъминланган активлар;

е) Марказий банкда қайта ҳисобга олинadиган тратталар.

Ўзбекистон Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган методикада Базель методикасидан фарқланувчи икки жиҳат мавжуд.

1. Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган методикада ҳукуматнинг қимматли қоғозлари риск даражасига кўра фарқланмаган. Бизнинг фикримизча, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари риск даражасига кўра фарқланиши лозим. Чунки ҳукуматнинг узок муддатли қимматли қоғозларида даромадлиқнинг пасайиш rischi доимо мавжуд;

2. Марказий банкнинг тижорат банклари активларини рискка тортиш бўйича мавжуд методикасида Марказий банкда қайта ҳисобга олинadиган тратталар ўз аксини топмаган.

Мазкур ҳолат мамлакатимиз банк амалиётида тратталар муомаласининг мавжуд эмаслиги туфайли юзага келган.

Бошқа риск тоифалари бўйича сезиларли фарқлар мавжуд эмас.

Шуниси амалий аҳамиятга молики, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо қатор мамлакатларда Базель андозаларидан фарқланувчи риск тоифалари мавжуд. Масалан, Россия Федерацияси Марказий банкининг биринчи йўриқномасига асосан банк активлари 7 та риск тоифаси бўйича рискка тортилади: 0,5 фоиз, 15 фоиз, 25 фоиз, 30 фоиз, 60 фоиз, 70 фоиз, 80 фоиз. Ушбу риск тоифаси 1996 йилнинг 30 январидан янгиланди ва уларнинг сони 5 тани ташкил қилди: 0 фоиз, 10 фоиз, 20 фоиз, 50 фоиз, 100 фоиз.

Худди шунингдек, Россияда банк капитали миқдорини ва унинг етарлилигини аниқлаш методикаси Базель қўмитаси томонидан таклиф қилинган методикадан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, ўтган давр ва жорий

йил фойдаси, мақсадли йўналтиришни ҳисобга олмаган ҳолда, тўлиғича банк капитали таркибига қўшилади, бу ҳолат капитал суммасини асоссиз равишда ошишига олиб келди. Иккинчидан, банкнинг корпоратив қимматли қоғозларининг риск даражасини ҳисоблашда риск коэффиценти даражаси камайтирилган. Ушбу тартиб ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган, у қуйидаги формула асосида ҳисобланади⁴⁰:

К

$$K1 = \frac{\text{Ар-Рц-Рк-Рд+КРВ+КРС+РР}}{\text{К}} \times 100$$

Ар-Рц-Рк-Рд+КРВ+КРС+РР

К- банк капиталининг ҳисобланган миқдори;

Ар- рискка тортилган активлар миқдори;

Рц-қимматли қоғозлар билан таъминланган жами захира суммаси;

Рк- активларнинг 2 ва 4 риск гуруҳига киритилган, йўқотилиши мумкин бўлган ссудалар бўйича яратилган захира суммаси;

Рд- йўқотилиши мумкин бўлган бошқа активлар ва дебиторлар билан ҳисоб-китоблар бўйича яратилган захира суммаси;

КРВ-балансдан ташқари ҳисоб-варақларда акс эттирилган кредит воситаларининг қиймати;

КРС-муддатли келишувлар бўйича кредит rischi қиймати;

РР-бозор rischi қиймати.

Базель қўмитаси томонидан 1988 йилда ишлаб чиқилган андозадаги асосий камчиликлардан бири кредитларга нисбатан қўлланилаётган риск даражаларини бир-бирига ноадекватликдан иборат экани амалиётда ўз исботини топди. Ушбу камчиликнинг моҳияти эса, кредитлар бўйича риск тоифалари миқдорнинг иқтисодиётни қайси секторига мансуб эканлигига қараб белгиланиши эди.

Масалан, Индонезия банкига берилган кредитнинг риск даражаси 20 фоизга тенг бўлса, «Форд» ёки «Женерал Электрик» каби юқори нуфузли компанияларга берилган кредитларнинг риск даражаси 100 фоизга тенг эди.

⁴⁰ Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина.— М.: «ФиС». 2001. С. 84.

II боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари фаолиятини аудит қилиш кўрсаткичларининг замонавий системасида марказий ўрин ўз капиталининг етарлилига тегишлидир. Банклар доимо капитал етарлиги бўйича ўрнатилган меъёрий кўрсаткичларга риоя қилишлари керак, акс холда уларнинг бажарилмаслиги Марказий Банк тамонидан жарима қўлланишига олиб келади. Шу сабабли меъёрий чегаралар кўрсаткичларнинг кўзланган қийматларининг аниқлашда асосий муаммо бу - уларнинг Марказий Банк талабларига жавоб бера оладиган соҳада танланишидир.

Хусусан, банк капиталига нисбатан янгича талаблар банк капитали таркибини ўзгартириш, капитал етарлилигига нисбатан талабларни ошириш, жумладан капитал етарлилигининг янги қўшимча меъёрларини жорий этиш, махсус заҳира капиталини шакллантириш каби устувор йўналишларни қамраб олади.

Мамлакатимизда тижорат банклари капиталлашув даражасининг халқаро талаблар меъёрларига асосан оширилиши, ресурс базасининг диверсификацияланиши ва янада мустаҳкамланиши банкларнинг иқтисодиёт реал секторини кредитлаш ҳамда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда аҳамиятининг ортиши асосида республикаимиз иқтисодиётининг ривожланишида энг муҳим омилга айланишда давом этади.

Тижорат банклари капиталини бошқаришга таъсир қилувчи омиллар капиталнинг асосий сифат кўрсаткичларини ўзгартиришга қодир бўлган омиллар ҳисобланади. Уларнинг банк капиталини бошқариш жараёнига таъсир этиш механизмини чуқур ўрганиш ва салбий таъсирига барҳам бериш чораларини ишлаб чиқиш банк капиталини аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

III БОБ. БАНК КАПИТАЛИНИ АУДИТ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1.Тижорат банкларида аудит хизматини ташкил этишни такомиллаштириш

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни салмоқли бўлишида бошқарувнинг таркибий қисми бўлган ички аудитга назоратнинг зарур элементи сифатида ёндашиш муҳимдир. Зеро, ички аудит банкларнинг молиявий ҳолатини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолашга, бозор эҳтиёжларини аниқлаш ва шу тариқа банкларнинг иш самарадорлигини оширишда улар учун бозорда самарали рақобат муҳитини яратишда катта ёрдам беради. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида даромад олиш, иқтисодий субъектлар ривожланишнинг оптимал траекториясига эришиш учун энг мақбул воситалари зарурлиги боис, аксарият мулкдор ички аудит хизматининг мавжуд бўлишдан манфаатдордирлар.

Тижорат банкларида бошқарув тизими учун ички аудит фаолиятини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва афзаллик жиҳатлари қуйдагилар билан изоҳланди:

- 1) Ташқи аудитга нисбатан кам харажатлилиги;
- 2) Қонунчиликка доимий риоя қилишнинг кафолатланиши;
- 3) Ички аудиторлар хизматидан мунтазам фойдаоаниш имконияти;
- 4) Ички аудиторларнинг банкдаги вазиятдан, иш ва бошқарув услуби-дан, банкда қабул қилинган сиёсатдан хабардорлиги;
- 5) Аудиторлар орқали банк бўлималаридаги юқори малакали мутахассисларининг текширувларга жалб қилиниши;
- 6) Илғор технологиялар ва иш услубини жорий этишнинг рағбатлантирилишига кўмак берувчи тизим эканлиги.

Таҳлиллар кўрсатишича, ретроспектив хусусиятга эга бўлган, аудиторлик фаолияти молиявий ва хўжалик опреацияларини меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тўғри акс эттирилганини текширишга қаратилган

бўлиб бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли эмас. Бугунги кунда ахборотдан фойдаланувчилар аудиторлардан иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун асос бўла оладиган, тижорат банкининг ҳолатини акс эттирадиган маълумотни олишга умид қиладилар. Шундан келиб чиқиб бозор муносабатларига ўтиш шароитида аудит жараёни, йўналиши ва усулига кўра икки йўналишдаги вазифаларни ўзида мужассам этиш лозим.

3.1.1.-жадвал

Тижорат банкларида ички аудит йўналишлари ва вазифаларининг гуруҳланиши⁴¹

Аудит йўналишлари	Текширув усуллари	Ички аудитнинг вазифалари
Фаолият натижаларини баҳолаш	Амалга оширилган хўжалик операцияларини баҳолаш усули	Банкнинг тадбиркорлик фаолиятини, ишончилигини, мулдорлар капиталининг даромадлигини баҳолаш. Банк рискларини инобатга олган ҳолда аудитдан мақсадли ва тизимли фойдаланиш.
Фаолият самарадорлигини баҳолаш	Банк фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолаш	Таҳлилда текширувнинг мақсадли ва услубларини аниқлаш, молиявий аҳволини баҳолаш ва ривожланиш дастурларини амалиётга тадбиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериш. Активлар бутлигини ўрганиш . электрон дастурий маҳсулотлар сифатини ҳуқуқий томонларини текшириш, иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва турли масалалар бўйича маслаҳат бериш.
	Бошқарув фаолиятини баҳолаш	Менежмент функциялари ва банкнинг бошқарув сифатини баҳолаш . уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш. Аудит усуллари кенгайтириш ва такомиллаштириш, аудиторлик далиллари олиш, активлар бутлигини текширишнинг нисбий ва компьютер усуллари қўшимча равишда ривожлантириш.
	Назорат фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга нисбатан ёндашув даражасини баҳолаш	Пухта ишлаб чиқилган аудит стратегияси . назорат тизимининг демократлашуви, банк даражасида аудиторлар фаолиятининг қатъий тартибга солинганлиги, аудиторлик жараёнининг сифатини назорат қилиш.

⁴¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Жадвалдан кўриш мумкинки ички аудит хизматининг фаолияти икки йўналишдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси, банк фаолияти натижаларини, иккинчиси, банк фаолияти самарадорлигини баҳолашдан иборат. Фаолият самарадорлигини баҳолашни 3 йирик қисмга ажратиш мумкин:

-Банк фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

-Бошқарув фаолиятини баҳолаш.

-Назорат фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга нисбатан ёндашув даражасини баҳолаш.

Ички аудитнинг асосий вазифаси, банк бошқаруви томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлик даражаси ҳамда рискларни даромадлик даражаси билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, банк самарадорлигини ошириш мақсадида дастурий маҳсулотлар сифатини ҳуқуқий жиҳатидан текшириш ва уни такомиллаштириш юзасидан тақлифларни банк бошқарувига тақдим этишдан иборат.

Республикаимизнинг бозор муносабатларига ўтиш янги шароитида фаолият кўрсата оладиган тижорат банклари тизимини шакиллантиришни тақазо этди. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар натижасида турли мулкчиллика асосланган тижорат банклари тизими вужудга келди. Халқаро тажрибага таянган ҳолда банк тизимининг ислоҳ қилиниши натижасида халқаро стандартлар талабларига кўра, уларнинг бошқарув инфратузилмаси, назорат тизимини шакиллантириш билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишга эришилди.

Банк тизимида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишнинг тегишли тартиб-тамойиллари ва услибиётини такомиллаштириш, ички аудитини амалга ошириш шакиллари, йўналишларини аниқлаш, ҳамда унинг бошқа белгиларига кўра тансифланишини тақазо этади. Тижорат банкларида ички аудитнинг босқичларидан келиб чиққан ҳолда тансифлаш белгилари ва мезонлари аниқлаштирилиши 7-жадвалда келтирилган.

**Тижорат банклари фаолиятида ички аудитнинг босқичлари,
тансифлаш белгилари ва мезонлари.⁴²**

Аудит босқичлари	Таснифлаш белгиси	Таснифлаш мезонлари	
1.Режа-лаштириш	1.Текшириш вақти	1.1 Режага кўра	1.2 Режадан ташқари
	2.Ўтказиш тури	2.1 Хужжатли	2.2 Визуал
	3.Текшириш тури	3.1 Режага кўра	3.2 Режадан ташқари
	4.Услубиятга кўра	4.1 Мослик аудити	4.2 Тахлилий текширув
	5.Такрорийлигига кўра	5.1 Узлуксиз аудит	5.2 Даврий аудит
	6.Текширув йўналишига кўра	6.1 Молиявий аудит 6.2Бошқарув аудити	6.3 Хўжалик аудити 6.4 Ижтимоий аудит
2.Аудитни олиб бориш	1. Назорат объектига кўра текширув йўналишлари	1.1 Бухгалтерия ҳисоби тизими 1.2 Ички назорат тизими 1.3 Бошқарувнинг турли бўғинлари	
	2.Аудиторлик текширувининг мақсади ва ҳажмига кўра	2.1 Ташкилий аудит 2.2 Функционал аудит 2.3 Махсус аудит	
	3.Аудитнинг йўналишига кўра	3.1 Ташкилий-ҳукукий аудит 3.2 Молиявий-тахлилий аудит 3.3 Компьютер аудити	
	4.Мулдор манфаатлари бўйича текширувни ташкил этиш шаклларига кўра	4.1 Молиявий – хўжалик фаолиятининг тўлиқ аудити 4.2 Махсус аудит 4.3 Муфассал аудиторлик текшируви 4.4 Балансни ҳисоб тахлилий текшириш 4.5 Асослилик ва ҳаққонийлигини тасдиқловчи текширув	
	5.Хужжатларни текширишни ташкил этиш усулига кўра	5.1 Комплекс аудит 5.2 Танлаб текширишга асосланган аудит 5.3 Оралик аудит 5.4 Чекланган аудит 5.5 Тизимли аудит	
3.Хулоса		1. Оралик далолатнома билан расмийлаштирилган 2. Хулосалар билан расмийлаштирилган 3. Махсус хулоса билан расмийлаштирилган 4. Ахборотнома билан расмийлаштирилган	

Ўзбекистонда тижорат банклари ички аудит тизим фаолияти “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига, аудиторлик фаолиятини

⁴² Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти Билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тартибга солувчи қарор, низом ва аудиторлик стандартлари каби меъёрий ҳужжатларига асосланган бўлиб, улар асосан ташқи аудиторлик фирмалари учун мўлжаллангандир. Бундай ҳолат ички аудитнинг ривожланишига тўсқинлик қилинмоқда.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилиётган стандартларидан келиб чиққан ҳолда, аудитнинг мавжуд ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, айнан ички аудиторлик стандартларни ишлаб чиқиши ва уни амалиётига татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир .

3.1.3.-жадвал

Халқаро ички аудиторлик стандартлари.⁴³

№	Стандартларнинг номи
	Стандартларнинг сифат тавсифи
1000	Мақсади, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари
1100	Мустақиллик ва объективлик
1200	Малакка ва иш жараёнига профессионал ёндашув
1300	Кафолат ва ички сифатини ошириш дастури
	Фаолият стандартлари
2000	Ички аудит жараёнини ташкил қилиш
2100	Ички аудит фаолиятининг моҳияти
2200	Аудит топшириғини режалаштириш
2300	Аудиторлик текширувини бажариш
2400	Текширув натижалари бўйича ҳисоботларни тақдим этиш
2500	Аудиторлик текшируви натижасида олиб борилган ҳаракатларнинг назорати
2600	Банк раҳбарияти томонидан рискларнинг қабул қилиниши

Қайд этиб ўтиш жоизки ушбу стандартларни жорий қилиш жараёнини босқичма –босқич амалга оширган ҳолда, унинг дастлабки босқичида аудит хизмати тизимидаги ҳолат ва ходимларнинг малакаларига эътибор қаратиш, кейинги босқичда эса бевосита аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш орқали амалга ошириш мумкин.

Ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш, энг аввало, унинг концептуал асосини яратиш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ички назорат тизими ва усулини шакиллантиришни тақозо қилади.

⁴³ Халқаро ички аудит стандартлари. М.: Халқаро ички аудиторлар институти .2004 й 16-б.

Табиийки, ушбу сифат кўрсаткичларсиз банк тизимида жорий қилинган ички аудит фаолиятини баҳолаш мумкин эмас.

Базель қўмитасининг тавсиясига кўра, ички аудит хизмати банк фаолияти устидан муттасил назорат олиб боришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Республикамиз тижорат банкларида ички аудит хизмати муҳим ўрин эгалланган бўлиб, унинг фаолияти Марказий банк тавсиялари асосида ишлаб чиқилган низомда текширувни ташкил этиш ва олиб бориш жараёнлари умумий кўринишда ёритиб берилган.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида ички аудит фаолияти самарадорлигини оширишга аудит қўмитаси, ташқи аудиторлар, ходимлар мустақиллиги ва малакасига бўлган талаблар каби омиллар таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари ички аудит тизими фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, қуйдаги йўналишлар бўйича иш олиб боришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

1) Тижорат банклари ички аудит хизмати ходимларининг малакасини халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам ошириб бориш;

2) Ички аудит хизмати ходимлари ўзлари текширадиган бўлинмаларга нисбатан мустақиллик мақомини сақлашлари, банк бўлинмалари раҳбарларининг ўтказиладиган текширувлар мазмуни ва ҳажмига таъсир кўрсатишларидан ўзларини холи қилиш;

3) Аудиторлар текширувини олиб боришда бошқа фанлардан олинган услубий қоидаларидан фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш;

4) Ички аудит хизмати ходимлари текшируви жараёнини таҳлил қилишда объективлигини таъминлаш ва текширув бўйича асосланган хулосаларни тайёрлаш.

Шуни қайд қилиш лозимики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида, масалан, АТ “Агробанк”ида ички аудит фаолияти Низом

талабларига асосланган ҳолда ташкил этилган бўлиб, у мазмуни ички аудит хизмати ходимларининг функционал мажбуриятлари, аудитни олиб бориш босқичлари ва аудиторлик хулосаларини тайёрлаш жараёнини қамраб олган. Аммо, низомда иш жараёнини режалаштиришда текширув объектларини танлаш, аудиторлик текширувини олиб боришнинг тартиби, хужжатлаштириш услублари ҳамда аудиторлик хулосаларини тайёрлашда эътибор қаратилиши лозим масалалар ўз аксини топмаган. Натижада, ички аудит хизмати фаолиятини қай даражада самарали ва сифатли бажарилганлигини банк кенгаши ва ташқи назорат тизимлари томонидан баҳолаш жараёнида қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Аудитни оқилона бошқариш учун текширув жараёнида аудит стандартларига юқоридаги тавсияларни инобатга олган ҳолда қаътий риоя қилиш талаб қилинади. Зеро, мазкур жараён қанчалик тўғри ташкил қилинса, текширув ҳам шунчалик сифатли ва самарали бўлади.

Аудиторлик фаолиятидаги иш сифати ўзининг моҳиятига кўра икки қисмдан иборат. Бу ерда биринчи қисми ички аудит хизматининг юридик мақоми, ходимлари билан ишлаш сиёсати ва умумий фаолияти, иккинчи қисми эса, аудит жараёнида риоя этилиши лозим бўлган босқичларни тўғри ташкил қилишдан иборатдир. Ушбу босқичларни бир-бири билан узвий боғланган ҳолда ташкил этилилади.

Яъни ички аудит фаолиятини режалаштиришда аниқ мақсадга интилиш, аудит гуруҳини танланган ҳолда уни меъёрий хужжатлар ва ресурслар билан таъминлаш орқали сифат бирликларини ташкиллаштириш, банк кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Текширув жараёнини тўғри ташкил этиш учун ички аудиторлик стандартлари ва бошқа меъёрий ва бошқа хужжатларни шакиллантириш ички аудит фаолиятини етарли даражада баҳолаш имкониятини яратади. Иш самарадорлигини ошириш учун мазку жараёнда ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш лозим.

Маълумки амалиётда ички аудит хизматининг пировард фаолияти фақат амалга оширилган текширувлар сони, аниқланган ноқонуний тўловлар ва талон-тарож қилинган маблағларнинг қийматига кўра баҳоланмоқда. Шунингдек, текширувларни ўтказиш муддатлари ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида олиб борилган чора-тадбирларнинг қай даражада бажарилаётганлиги ҳақидаги масалаларига ҳам етарлича эътибор берилмаяпти.

Ушбуларни бартараф этиш мақсадида, ички аудит фаолияти сифати ва самарадорлигини баҳоланишнинг уч босқичидан иборат тизимини яратиш зарур:

Биринчи босқичда аудитни режалаштириш даражаси, текширувни олиб бориш сифати ва текширишнинг белгиланган муддатларига риоя қилишни назорат қилинади.

Иккинчи босқич-бўлинмаларнинг муайян даврдаги фаолияти, иш режасининг бажарилиши даражаси, уни режалаштириш, ўтказиш ва ички аудиторнинг билим савияси аттестацияси натижаларига кўра баҳоланади.

Учинчи босқичда умуман ички аудит хизмати сифати ва самарадорлигининг умумий кўрсаткичи қуйдаги ўрта геометрик формула⁴⁴ асосида ҳисобланади:

$$\text{Бу ерда: } AHS = \sqrt[3]{TBR * TJD * RD}$$

AHS -аудиторлик хизмати самарадорлиги кўрсаткичи;

TBR -жорий йилдаги текширув режасини бажарилиши;

TJD -тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши даражаси;

RD -рентабеллик даражасининг бажарилиши;

Самарадорликнинг умумий кўрсаткичини аниқлашда юқоридаги омиллар сонини кўпайтириш мумкин, шунга қараб “n” нинг сони тегишли равишда ўзгаради.

Тижорат банкларида жорий қилинган ички назорат тизимининг тўғри ташкил этилганлигини банк рискларидан ҳимоя қилинганлик даражасига,

⁴⁴ Муаллиф томонидан таклиф қилинган.

унинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Тижорат банклари ички назорат тизими қанчалик такомиллашган бўлса, банк бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорлар ижросининг самараси шунча юқори бўлади. Ушбу тизимдаги узилиш эса банк молиявий ҳолатига тўғридан-тўғри салбий таъсир қилади.

Шунинг учун ички аудит хизмати банк томонидан жорий қилинган назорат тизимини тўғри ташкил этилганлиги ва қўйилган мақсадларга қай даражада эришилганлигига баҳо бериш лозим. Ички назорат тизими фаолиятининг молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларига таъсири бевосита бўлганлиги учун ушбу тизим ички аудитнинг асосий текшируви объекти сифатида намоён бўлади.

Ички аудит хизмати турли хилдаги банк хизматларини кўрсатишда қабул қилинган йўриқномалар талабларининг тўғри бажарилаётганлигини ва ҳисоботларда тўғри акс этирилишини таъминлайди. Ҳамда ички назорат элементлари, яъни назорат муҳити, назоратнинг ташқи ва ички тақсимооти, назоратнинг бошқарув, молиявий, бухгалтерия тизими, ходимлар ва банк бўлинмалари муносабатларини, шунингдек махсус текширувлар натижасида жорий назорат натижаларини текширади. Бу ерда ички аудит банк кенгаши учун ички назоратнинг таркибий қисми, банк бошқаруви учун мустақил тизимдир.

Шундай қилиб, ички назорат ва ички аудит фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, ички аудит ўз фаолиятини олиб боришда мустақиллик мақомига мунтазам равишда риоя қилиши лозим. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида банк бошқаруви томонидан аудит билан назорат ўртасидаги туб тафовутларга етарлича эътибор бермаганлиги аудитнинг ўзига хос имкониятларидан амалда самарали фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Афсуски, кўпгина раҳбарларида аудитга нисбатан маъмурий-буйруқбозлик ва бошқарув тизимининг жазоловчи воситаларидан бири сифатида қаралиши ҳали ҳам сақланиб келаётир. Ҳанузгача ички аудит хизмати банкнинг назорат тизимини такомиллаштирувчи ва молиявий

ҳолатини барқарорлаштиришга кўмаклашувчи тизим эканлиги амалиётда яққол намайён бўлаётгани йўқ.

Аудит билан назорат мазмунан турлича бўлиб, уларни бир-бирига тенглаштириб бўлмайди. Назоратнинг мақсади, банк мижозларига хизматлар кўрсатиш жараёнида ҳаракатларнинг кетма-кетлигини, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларининг барча турлари бутунлиги ва улардан самарали фойдаланишни таъминлашдир.

Ушбу мақсадларга жавобгарлик ва ваколатларни оқилона тақсимлаш йўли билан ходимлар ўртасида ўзаро узвий алоқа ўрнатиш таъминоти орқали эришиш мумкин. Ички аудит хизмати, банк раҳбарияти томонидан жорий этилган назорат тизими олдида қўйилган вазифаларининг қанчалик самарали бажарилаётганлигини текширувчи тизимидир.

Диссертацияда ички аудитнинг мақсади ички назорат ҳолатини баҳолашда, банкнинг тўлов қобилиятига путур етказувчи, унинг молиявий аҳволини ёмонлаширувчи ҳолатларини ўрганишдан, камчиликларни юзага келиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш борасида ўз тавсияларини беришдан, харажатлар ва натижалар нисбатининг талабга мувофиқ мувозанати тамойилига амал қилинишини ўрганишдан иборатлиги асосланди.

Демак ички назорат концепцияси қатор компонентлардан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- мазкур банкнинг ички муҳити, яъни этик қадриятлари, бошқарув услуби, қарорларини қабул қилиш жараёни, ваколатлар бериш ва маъсулиятини қабул қилиш, ички назоратга нисбатан банк бошқарувининг муносабати;

- мазкур банкнинг ўз олдида қўйган мақсадларига эришиш йўлидаги рискларни аниқлаш, таҳлилдан ўтказиш ва бошқариш;

- кундалик назорат қилиш, ҳисоб ва ҳисобот, ваколатларнинг тақсимланиши, мониторинг масаласи;

- ахборотдан тегишли шахслар томонидан хизмат доирасида фойдаланиш;

- ички назорат тизимининг самарадорлигини аниқлаш учун унинг ўзини назорат қилишдан иборат.

Аудиторлик фаолиятини миллий стандартларига кўра режалаштириш аудитнинг дастлабки босқичи бўлиб, унда аудиторлик ташкилоти томонидан кутилаётган иш кўлами, жадвали ва муддатлари кўрсатилади.

Марказий банк йўриқномаси талабларига кўра, ички аудитнинг йиллик иш режасида ҳар бир филиал фаолиятини текширувидан ўтказилиши кўзда тутилган. Бу зарурият, қисқа вақт ичида банк филиали фаолиятини текшириш ва камчиликларни аниқлаш учун аудиторлар томонидан кўпроқ иш кучи жалб этишни талаб қилади. Бундай шароитда аудиторлар томонидан камчиликларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун етарлича вақт ажрата олмаслик оқибатида, филиалда ички назорат тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда баъзи қийинчиликлар юзага келади.

Бугунги кунда амалиётда аудитни режалаштириш жараёнида текширув объектини қайси омилларга асосланган ҳолда танлаб олиш, унинг услибиётини ва мақсадини аниқлашда илмий нуқтаи назардан камчиликлар мавжуд.

Аудитни режалаштириш уч босқичдан иборат :

Биринчиси текширув жараёнини тўғри ташкил этиш мақсадида дастлабки дастурий-услубий масалаларини ҳал этишни ўз ичига қамраб олади. Мазкур босқичда ички аудит хизмати томонидан текширувни олиб бориш йўриқномалари ишлаб чиқилади, йиллик иш режадан келиб чиққан ҳолда аудит бюджетини тузиш ҳамда текширувнинг мақсади ва вазифаларига аниқлик киритилади.

Иккинчи босқич дастлабки таҳлил ва ташкилий масалаларидан иборат бўлиб, текширув объектининг ички назорат ва бухгалтерия тизимларига баҳо бериш орқали дастлабки аудитордик риск даражалари аниқланади.

Қўйилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда аудиторлар учун текширув объектларининг тақсимлаш, керакли маълумотларни жамлаш каби вазифалар амалга оширилади.

Аудитни режалаштиришнинг якуний учинчи босқичида бевосита текширув объектини танлаш билан бирга унинг мақсадга кўра аудит дастури тайёрланади. Ўзининг мазмунига кўра аудит дастури текшируви жараёнида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни, аудит хулосаларида ўз аксини топиш керак бўлган саволларни қамраб олиши шарт.

Халқаро аудиторлик стандартларининг талабларига кўра, ички аудит хизмати текширувига тайёргарлик кўриш жараёнида аудиторлик операцияларининг турлари ва вазифаларини, текширув ҳажимлари ва кетма-кетлигини белгиловчи дастурлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Режалаштириш-аудит текширув риск даражасини камайтириш имконин берувчи жараёнидир. Бу жараёнда ташқи аудит миллий стандартидаги муҳимлилик кўрсаткичларига қўйилган талаблардан фойдаланиш мумкин. Унга биноан муҳимлилик кўрсаткичлари аудит ҳажмини аниқлаш, риск даражасини камайтириш ва аудит вазифаларини белгилаш тартибини аниқлайди. Амалиётда аудиторлар муҳимлилик учун асосни белгилагач, унинг миқдорий мезонини ҳисоблайдилар.

Халқаро аудит фирмалари услибиётида муҳимлиликни аниқлаш жараёнида молиявий ҳисобот моддаларидан фойдаланган ҳолда унга нисбатан ўрнатилган фоиз кўрсаткичларига таяниш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Муҳимлилик кўрсаткичини аниқлашнинг икки усули мавжуд.

Аудит жараёнида камчиликларни аниқламаслик рискларини камайтириш мақсадида муаллиф томонидан таклиф қилинаётган услуб, яъни аниқланган ягона муҳимлилик кўрасткичини банк балансининг жами қийматига қўлланилган ҳолда, унинг ҳар бир моддасига нисбатан алоҳида кўрсаткични аниқлаш аудиторлик рискларини камайтириш имкониятини яратади.

Мажуд маълумотлардан кенгрок фойдаланган ҳолда тижорат банклари молиявий ҳисоботларнинг текширилиши лозим бўлган моддаларнинг минимал (K_{min}) ва максимал (K_{max}) ҳажмини белгилаш орқали аудит ҳажмини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

$$K_{min} = (MK - MX_{min}) * 100 / MK$$

$$K_{max} = (MK - MX_{max}) * 100 / MK$$

Бу ерда:

МК- ўртача арифметик услубида аниқланган муҳимлилик кўрсаткичи;

MX_{min} - молиявий ҳисоботларининг минимал кўрасткичига нисбатан аниқланган муҳимлилик кўрсаткичи;

MX_{max} - молиявий ҳисоботларнинг максимал кўрсаткичига нисбатан аниқланган муҳимлилик кўрсаткичи.

Ушбу ҳисоблар орқали тижорат банклари молиявий ҳисоботлари ҳар бир моддаларни текшириш жараёнида аудитнинг минимал ва максимал ҳажимларини белгилаб бериш лозим.

Диссертацияда муҳимлилик кўрсаткичларининг эътиборга олган ҳолда аудиторлар иш жараёнини режалаштириш босқичида тижорат банки баланси ҳам чуқур ўрганишлари, банк молиявий ҳолатига таъсир этувчи омилларни баҳолашлари ҳамда йил давомида бўлган катта ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилган.

Текширув объекти учун муҳим аҳамиятга эга фаолиятни амалга оширган ҳолларда аудиторлар командаси одатда рискларни, шу жумладан;

- ишга доир рискни, яъни текширув объектига хос фаолиятини;
- хатога йўл қўйилган тақдирида банк кўриш мумкин бўлган зарарни;
- ходисаларнинг рўй бериш эҳтимоли кабиларни Ухта таҳлил қилишлари лозим.

Қайд этиш жоизки, ички аудит текширувини режалаштириш жараёнида аудиторлик рискларига баҳо бериш ҳамда унинг натижасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни тўғри аниқлаш аудиторлар фаолияти самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Аудит иш ҳужжатлари қуйдаги қабтий минимал талабларига, яъни:

- ҳужжатларда акс эттирилган ҳар қандай ҳолат тегишли далиларига асосланган бўлиши;
- фойдалилик ва мақсадга йўналтирилган бўлиши;
- қиёсий таҳлил имкониятининг мавжудлиги;
- қўйилган мақсадларни тўлалигича қамраб олиши ва хулосаларнинг тўлиқ бўлиши;
- аниқланган аудит мезонларини маълум бир кўрсаткичлар ёрдамида ўлчаш имконига эга бўлиши лозим.

Аудиторлик далилари ҳисоб юритиш имкониятлари, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, иш унумдорлиги ва самарадорлиги, қонун ҳужжатлари, қарорларига риоя қилинганлик даражаси ҳақидаги маълумотни ўзида акс эттириши керак.

Тижорат банкларида ички аудит хизмати ходимлари асосан бирламчи ҳужжатлар билан ишлайдилар ва аниқланган камчиликларни ўз хулосаларида акс эттирадилар. Шунинг қайд қилиш лозимки, амалиётда банк меъёрий ҳужжатларида ушбу бирламчи ҳужжатларни таҳлил қилинишининг мақсади, далилларини тўплаш услублари ва уларнинг манбалари тўғрисида маълумотлар етарлича ёритилмаган. Хусусан аудит жараёнида шакиллантирилган иш ҳужжатлари тегишли бирламчи ҳужжатлар билан боғланган ҳолда кўрсатилмаган ва аудит далилларга эътибор қаратилмаган. Ваҳоланки, ушбу боғлиқлик аудиторларнинг асосли ҳужжатларидан фойдаланганлигини тасдиқловчи далил бўлиб хизмат қилади.

Аудиторлик далиллари аудит мезонларини текшириш ва аудиторлик маълумотларини тасдиқловчи ахборот бўлиб, аудит иш ҳужжатларининг ишончлилиқ даражасини ошириш учун хизмат қилади. Зеро, далиллар одатда бевосита ва билвосита хусусиятига эга бўлиб, муайян ҳодиса содир бўлганидан кейин олинади ва ишонарли хусусиятга эга бўлади.

Аудиторлик хулосаларини тайёрлашда далиллар текширувига тааллуқли ва асосли бўлиши керак, шунинг учун ҳам ахборотнинг ишонччилигига

бўлган талабларга риоя қилиш аудиторлик текширувининг барча босқичларида таъминланиши зарур. Бунинг учун аудиторлик далиллари иш ҳужжатларида акс эттириш жараёнида;

*тафсилотларга қараганда ишончлироқ миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланишлари;

*пировард кўрсаткичларига нисбатан ҳисобланган натижаларига эришишлари;

* соф келтирилган қиймат, банк ичидаги даромад меъёрий, фоизда таққослаш мумкин бўлган ва айти турга мансуб ўлчов бирликлари ҳисобланган кўрастаткичларни таҳлил қилишлари;

* ҳисоботдан фойдаланувчилар тушуниши осон бўлган натижаларига эришиш имконини берадиган техник усуллардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

Текшириш жараёнида олинган, қайта ишланган барча маълумотлар ички аудиторлик стандартлари талабларига мувофиқ ўз моҳияти ва мазмунига кўра гуруҳланиш аудит сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Ҳужжатларни тўғри шакиллантириш аудит жараёнини режага кўра амалга оширилганлигини ва хулосалар далиллари асосланганлигини баҳолаш имконини беради.

Шунинг учун текширув жараёнида ўрганилган ҳужжатлар тўплами моҳиятига кўра таҳлил этилиши, тизимга солинган ва изчил тузилишга эга бўлиши керак. Бундай талаб аудиторлик иш ҳужжатларини мантиқий ва осон кузатиладиган индекслар ёрдамида белгилашни, улардаги аҳамиятга молик кўрсаткичларни алоҳида иш ҳужжатларида умумлаштирилишини тақазо этади.

Ички аудит хизматининг ҳар бир текширув жараёни якунида аудит низоми талабларига кўра аудиторлик хулосасининг умумлаштирилиши ва унинг асосида хулосалар тайёрланиши талаб қилинади. Маълумки тижорат банклари ички аудит хизмати томонидан тайёрланган хулосалар ўз моҳиятига кўра таҳлил этилиши, тизимга солинган ва изчил тузилишга эга

бўлиши керак. Бундай талаб аудиторлик иш ҳужжатларини мантиқий ва осон кузатиладиган индекслар ёрдамида белгилашни, улардаги аҳамиятига молик кўрсаткичларни алоҳида иш ҳужжатларида умумлаштирилишни тақозо этади.

Ички аудит хизматининг ҳар бир текшируви жараёни якунида аудит низоми талабларига кўра аудиторлик хулосасининг умумлаштирилиши ва унинг асосида хулосалар тайёрланиши талаб қилинади. Маълумки тижорат банклари ички аудит хизмати томонидан тайёрланган хулосалар ўз моҳиятига кўра тузилган дастурда кўзда тутилган саволларнинг жавобини қамраб олган. Шунингдек, хулосаларда ўрганилган йўналиши ва ҳужжатлар тури, санаси, камчиликлар кўлами ва уни тайёрланган ходимлар рўйхати кетма-кетликда берилган.

Бугунги кунда тижорат банклари бошқаруви қарорлари турли ҳилдаги ташқи ва ички молиявий маълумотларга асосланганлиги сабабли улардан фойдаланишда инфратузилмавий хизмат кўрсатувчи аудит хизмати хулосаларига таяниш зарурдир.

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини ўрганиш, актив ва пассив операцияларнинг ўзаро мувофиқлиги моделини тузишда динамик ёндашувга асосланиш, унинг фаолиятида юзага келиш эҳтимоли бўлган рискларни манбаларига кўра чуқур таҳлил қилиш зарурияти, ушбу жараёнда тижорат банки молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳамда унинг барча рискларини таҳлил қилган ҳолда улрни ички аудиторлик хулосаларидан фойдаланишнинг ўзига хос томонлири мавжуддир.

Бозор муносабатлари шароитида ички аудитнинг асосий мақсади, нафақат назорат камчиликларни аниқлаш, балки уларнинг келиб иқиш манбаларини таҳлил қилиш ва банк вазифаларини қай даражада бажараётганлигига баҳо беришдан иборатдир. Аудиторлар банк бошқаруви зиммасига юклатилган вазифалар хусусидаги фикрларини ўз хулосаларида ёритилишлари лозим.

Бунда ички аудит хизмати томонидан меъёрий ҳужжатларнинг нотўғри талқин қилиниши ёки ички назорат тизими фаолиятида номутаносибликлар ҳослигини инобатга олиб, миқдорий кўрсаткичларни унинг сифат кўрсаткичлари билан таққослаш зарур.

Шундай қилиб, ички аудит хизмати ходимлари олинган маълумотларини мавжуд тизим фаолиятини ўрнатилган меъёрий ҳужжатлар ва молиявий ҳисоботлар билан таққослаган ҳолда банк бошқаруви зиммасига юклатилган вазифалар қай даражада бажарилаётганлиги борасидаги фикр-мулоҳазаларини ўз хулосаларида акс эттиришлари зарур.

3.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк капитали аудитини такомиллаштириш йўллари

2010 йил сентябрь ойида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси банк капитали ва ликвидлилигининг янги стандартлари тўлиқ ишлаб чиқилганлигини эълон қилди ҳамда ноябрь ойида ушбу янги стандартлар катта йигирмалик давлатлари раҳбарларининг Сеул саммитида тасдиқланди. Базель III дея номланаётган ушбу янги стандартлар банклар капитали етарлилига минимал талабларнинг тобора ва босқичма-босқич кучайтиришни назарда тутди. Ушбу янги стандартларга катта йигирмалик давлатларида 2013 йилдан бошлаб ўтилиши ҳамда 2019 йилга келиб ушбу давлатларда банклар ўз капиталларини Базель III талабларига тўлиқ мослаштиришлари кутилмоқда.

Базель III талаблари ўзи нималардан иборат, деган савол юзага келиши аниқ. Ушбу саволга батафсилроқ тўхталиб ўтсак. Базель III да банк капиталига оид қатор янги тушунчалар, жумладан «Буфер капитали» деб умумий ном олган иккита: консервацион ҳамда контрциклик буфер капитали тушунчалари киритилмоқда.

Консервацион капитал иқтисодий, молиявий инқирозлар даврида банклар зарарларини қоплаш учун ўзига яраша қалқон сифатида хизмат қилиши кутилмоқда.

Контрциклик капитал ҳар бир мамлакат шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда, 0-2,5 фоиз доирасида белгиланади.

Яна бир янги тушунча - бу тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблардир. Тизим учун муҳим банклар деганда ҳажми, мураккаблиги ҳамда тузилмавий ўзаро боғланганлиги сабабли уларнинг таназзулга учраши бутун молия тизими инқирозига ҳамда иқтисодий фаоллик фалажига сабаб бўладиган банклар тушунилади. Базель III да бундай банклар капиталига нисбатан қўшимча талаблар ишлаб чиқилиши лозимлиги тўғрисида умумий келишувга келинган.

Демак, Базель III га кўра, банклар регулятив капитали кўрсаткичи биринчи даражали банк капитали, консервацион буфер капитали, контрциклик буфер капитали ҳамда тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблар йиғиндисидан иборат бўлади

Тижорат банкларида риск бошқарувини такомиллаштириш лозим. Халқаро амалиётда банк менежментининг марказий бўғини риск бошқаруви эканлиги аллақачон исботланган. Базель I, Базель II ва Базель III стандартларининг асл моҳияти ҳам риск ва капитал ўртасидаги боғлиқликда намоён бўлади. Базель III келишувининг бош мақсади – банк ишида риск бошқаруви сифатини ошириш ҳисобланади.

Базель-III тавсияларини қўллашдан кўзланаётган асосий мақсадлар:

- ❖ банк секторининг молиявий-иқтисодий тангликдан келиб чиқадиган инқирозларга қарши тура олиш имкониятини ошириш;
- ❖ риск-менежмент ва бошқарув сифатини ошириш;
- ❖ банклар фаолияти, капитал базаси шаффофлигини (транспарентлиги) кучайтириш.

Базель-III негизидаги асосий янги талаблар:

- ❖ капитал етарлилигига нисбатан янги талаблар (оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдага устуворлик бериш, қўшимча махсус захира капиталини шакллантириш);

❖ 2 та ликвидлилик коэффицентига (liquidity coverage ratio, net stable funding ratio) нисбатан меъерий талабларни жорий этиш;

❖ левераж коэффицентини жорий қилиш (Бунда коэффицентнинг ўртача чораклик даражаси ҳисобланади ва дастлабки босқичда унинг меъерий даражаси 3 фоиз этиб белгиланади).

Халқаро Базель қўмитасининг капитал етарлилигига қўйидган янги талабларини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

3.2.1-жадвал

Банк капитали етарлилиги бўйича Базель-III талабларини жорий этиш муддатлари⁴⁵ (Тегишли молиявий йилнинг 1 январь ҳолатига)

Кўрсаткич номи	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Базавий I даражали капитал (Оддий акциялар + тақсимланмаган фойда)га минимал талаб	3,5%	4,0%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%
Махсус захира капитали				0,625%	1,25%	1,875%	2,50%
Базавий I даражали капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	3,5%	4,0%	4,5%	5,125%	5,75%	6,375%	7,0%
I даражали капиталга минимал талаб	4,5%	5,5%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%
Умумий капиталга минимал талаб	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%
Умумий капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	8,0%	8,0%	8,0%	8,625%	9,25%	9,875%	10,5%

Жадвалдан маълум бўладики I даражали капиталга минимал талаб амалдаги 4 %дан 2013 йил 1 январга келиб 4,5 фоизга, 2019 йил 1 январга келиб эса 6 %га етади. Базавий I даражали капитал эса (оддий акциялар + тақсимланмаган фойда)га нисбатан талаб 2013 йилдан бошлаб 3,5%, 2015 йилдан буён эса 4,5 % даражасида белгиланади. Фавқулодда ҳолатлар учун махсус захира капитали (Capital Conservation Buffer) шакллантирилиб, унинг меъерий даражаси 2019 йилга келиб 2,5% этиб белгиланади. Контрциклик захира капитали (Countercyclical Capital Buffer) миллий шароитлардан келиб

⁴⁵ www.bis.org – халқаро Базель қўмитасининг расмий веб-саҳмфаси

чиққан ҳолда босқичма-босқич 2019 йилга келиб базавий I-даражали капиталнинг 2,5 %и миқдорида белгиланади.

Бундан ташқари Базель-III га мувофиқ, банкларга капиталнинг 15 фоиздан ошмайдиган миқдорда консолидациялашмаган молиявий муассасаларнинг оддий акцияларига инвестициялар қилишга рухсат берилади. Инвестицияларнинг юқоридаги 15 фоиздан ортиқ қисми 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб капитал таркибидан 100 фоиз чегириб ташланади.

Базель-III да банк ликвидлигига нисбатан ҳам янги талабларни белгилайди:

1. Жорий ликвидлилик коэффиценти (Liquidity Coverage Ratio (LCR)) – 2015 йил 1 январдан бошлаб

$$LCR = (\text{юқори сифатли активлар}) / (30 \text{ кун мобайнида соф пул чиқимлари}) \geq 100\%$$

2. Соф барқарор манбалар коэффиценти (The Net Stable Funding Ratio (NSFR)) – 2018 йил 1 январдан бошлаб

$$NSFR = (\text{Мавжуд барқарор манбалар}) / (\text{талаб қилинган барқарор манбаларнинг фойдаланилиши}) \geq 100\%$$

Юқоридаги янги талаблар банк тизимида жорий этишда қуйидаги муаммолар юзага келиши мумкин:

❖ Оддий акциялар салмоғини ошириш учун қўшимча акцияларни муомалага чиқариш ва инвесторларни жалб этиш, акциялар таклифининг ортиши ҳисобига акция баҳосининг пасайиши;

❖ Тақсимланмаган фойда салмоғини ошириш борасида акциядорлар ўртасида манфаатлар келишмовчилигининг юзага келиши;

❖ Иқтисодий рецессия шароитида соф фойдани ошириш имкониятининг чекланиши;

❖ Янги ликвидлилик талабини жорий этиш ҳисобига даромадлиликнинг пасайиши;

❖ Банкларнинг кредитлаш кўламининг қисқариши ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг капиталлашув даражаси, барқарорлиги ва ликвидлилигини ошириш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди. Биргина тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш бўйича кўйидаги чоралар маъқулланди:

- 2011-2015 йиллар мобайнида тижорат банкларининг ялпи капиталини кўшимча акциялар чиқариш ҳисобидан ўртача 2,1 марта кўпайтириш;

- банк тизими устав капитали таркибида нодавлат сектори улушини янада ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- банк назорати тизимига, капитал етарлилигига бўлган талабларни такомиллаштиришни, кутилаётган йўқотишлар модели асосида эҳтимолий йўқотишларга захираларни шакллантиришни кўзда тутувчи Базель кўмитасининг янги тавсияларини тадбиқ этиш;

- халқаро банк амалиётига мувофиқ операцион харажатларини қоплашни ва банклар тузилмаларининг рационал фойдалилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда республика тижорат банкларининг тариф сиёсатини такомиллаштириш;

- банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини холис баҳоланишини таъминловчи CAMEL(S) тизимининг янги талқинини тадбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш;

- ҳар чоракда банк Кенгаши йиғилишларида банк бошқарув раиси ва аъзолари, ички аудит бўлими раҳбарларининг банк активлари, кредит ва инвестиция портфеллари ҳолати, банк капиталини ўсишини таъминлаш, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари, шунингдек банк тизими

олдига қўйилган бошқа устувор вазифаларнинг ижроси тўғрисидаги масалалар бўйича ҳисоботларини кўриб чиқиш.

Банк капиталини аудит қилишда CAMEL рейтинги тизимининг бошқа рейтинг тизмиларидан фаркли равишда қуйдаги афзалликларга эга:

-банк капитали етарлиги, активлар сифати, менежменти, даромадлилик ва ликвидлилик меъёрларини тўлиқ тавсифлаб, ундаги рейтинг баллари тушунарли рақамларда ифодаланган;

-ушбу тизимда банкларни гуруҳга ажратган ҳолда ўрганишнинг хусусиятлари мавжуд бўлиб, банк рақобат мезонини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

-Марказий банк тижорат банклари банкрот бўлишини олдини олишга маъсулдир. Бу талабни белгилашда CAMEL рейтинг тизими баллари ортиб бориши банкларга зудлик билан амалий ёрдам кўрсатиш учун прогноз вазифасини бажариш имкинини беради.

Келажакда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларни инспекция қилиш департаменти томонидан тижорат банкларини жойларда инспекциядан ўтказиш давомида ташқи аудит ҳисоботи материалларидан фойдаланиш лозим. Аудит ҳисоботида кўрсатилган камчиликларнинг асосланганлиги, ташқи аудит тавсияларининг тузатиш вақт чегарасини, кутилаётган банк рисклари олдини олиш чора –тадбирлари бўйича тузилган режа доирасида инспекциядан ўтказилаётган банкнинг имкониятларини ўрганиш лозим.

Банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш соҳасида жаҳон тенденциясини Ўзбекистон банк тизими амалиёти ҳам ўзида акс эттирган. Бунда республика иқтисодиётини қайта қуришда Марказий банк томонидан Жаҳон банки билан биргаликда 1997 йилдан бошлаб молия тизимини ислоҳ қилиш бўйича қарз лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган банк назоратини мукаммаллаштириш лойиҳаси муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд қилинган лойиҳа доирасида «Барентс групп» маслаҳатчилари иштирокида банк назорати хизмати таркиби

мукаммаллаштирилиб, 20 дан зиёд банк меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатлар заминига Базель қўмитасининг 1997 йилда қабул қилинган 25 та «Пруденциал назоратнинг асосий тамойиллари» киритилган бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

- самарали банк назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар;
- лицензиялаш ва мулк таркиби;
- пруденциал талаблар ва тартибга солиш;
- банкларни жорий тартибга солиш услуги;
- маълумотларни тақдим этиш бўйича талаблар;
- назорат қилувчи бўлинма ваколатлари;
- халқаро банк амалиётлари.

Базель тамойилларининг Ўзбекистон Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда қай тарзда ўз аксини топганлигини яқиндан кўриб чиқамиз.

Самарали банк назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар (биринчи тамойил) базаси хусусида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар билан Марказий банк ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган бўлиб, бунда асосий вазифалардан бири сифатида банк назоратини амалга ошириш кўрсатиб ўтилган. Марказий банк ўзининг ваколати доирасида, шу жумладан банк фаолиятини тартибга солишни амалга оширишда, қарор қабул қилишда мустақил эканлиги қонунда эътироф этилган. 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида Республика тижорат банклари фаолияти устидан назорат фақат Марказий банк томонидан амалга оширилиши аниқ кўрсатиб берилган. Ушбу Фармонда ҳар хил ташкилотлар, шу жумладан, маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ва банк раҳбарияти томонидан амалга оширилиши лозим бўлган банк фаолиятига аралашишига йўл қўймаслик

алоҳида таъкидланган.

Банк фаолиятини назорат қилиш ва уни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини яратилди ҳамда Базель қўмитаси томонидан белгилаб берилган молиявий барқарорликнинг таркибий элементларидан бири бўлган самарали бозор интизоми билан таъминлашга ёрдам берди.

Базель қўмитаси томонидан қисман бўлса ҳам банк фаолиятини амалга оширадиган ташкилотларни лицензиялашга алоҳида талаблар қўйилганки ушбулар 2-5 тамойиллари, яъни лицензиялаш ва мулк таркиби деб аталган тамойилларда батафсил тўхталади. Лицензиялаш қондаси назорат услублари тамойили каби, хонавайрон бўладиган банклар сонини ва омонатчилар зарарларини максимал чеклашга йўналтирилган бўлиши лозим. Бир вақтнинг ўзида банк соҳасига киришни тўсиб қўймасдан, ундаги рақобат ва самарага таъсир этмаган ҳолда амал қилиши керак.

Ўзбекистон банк тизимининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у бошқа МДХ давлатларига қараганда, кўп бўлмаган банклар сонини ўзида мужассамлаштирган. Бу ҳолат Марказий банкнинг банкларни лицензиялаш ва рўйхатга олиш низоми томонидан белгилаб берилган асосий талаблар асосида, қаттиқ позицияга эгадир. Мазкур низомга мувофиқ, тижорат банкларини лицензиялаш жараёни икки босқичдан иборат. Биринчи босқичда Марказий банк томонидан таъсисчиларнинг молиявий имкониятлари ва репутацияси сифат жиҳатдан баҳоланади, банк раҳбарлигига таклиф этилаётган шахсларнинг малакавий сифатлари, капитал таркиби, молиявий режа ва тегишли банк биноси ва асбоб - ускуналар билан таъминлаш имконияти ўрганилади, бизнес-режа таҳлил қилинади. Тақдим этилган маълумот бўйича ижобий баҳо берилганда, Марказий банк томонидан банк ташкил этишга бирламчи рухсат берилади ва шу асосда таъсисчилар 6 ой муддат ичида лицензия олишга ва банкни рўйхатдан ўтказишга зарур бўлган ташкилий-техник чора-тадбирлар ва бошқа белгиланган талабларни бажариш масъулиятини оладилар.

Лицензиялаш масаласида Базель қўмитаси таклиф этилаётган

рахбариятнинг, шу жумладан, банк кенгаши аъзоларининг билим даражасини, тажрибасини ва малакасини лицензия берувчи ташкилот томонидан баҳоланишига алоҳида эътибор беради. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида бирламчи рухсат олишда, шундан келиб чиққан ҳолда банк фаолиятини ташкил этишга лицензия олишда, асосий мезонлардан бири сифатида банк таъсисчилари обрў-эътибори кўрсатилган. Юқорида қайд қилинган лицензиялаш низомида раҳбарият обрў-эътиборини аниқлаш мезонлари ва бошқа бир қанча банк раҳбарлари ва йирик акциядорларга таллуқли банкни ишончли ва пруденциал бошқарувини таъминловчи сифат мезонлари белгилаб берилган.

Лицензиялашдаги талабчанлик Марказий банкка тижорат банклари фаолияти устидан кейинги назоратни самарали ўтказилишини таъминлашга имкон яратади.

Банк фаолиятини лицензиялашга қўшимча равишда Марказий банк банклар мулки таркибига аниқ бир талаблар белгилаб бериб, акциядорлар ўртасида акциялар ҳаракатига чекловлар қўйган. Юқорида қайд қилинган банкларни лицензиялаш ва рўйхатга олиш низомига мувофиқ, бир акциядорнинг тижорат банки устав капиталидаги улуши умумий устав капитали ҳажмининг 7 фоизидан ошмаслиги лозим (хусусий ва хорижий капитал иштирокидаги банклардан ташқари). Бундан ташқари, бир ёки бир неча битим натижасида бир ёки бир неча ўзаро келишув билан боғлиқ бўлган ёки бир-бирини мулкани назорат қилувчи шахслар томонидан банкнинг 5 фоиздан зиёд акцияларини сотиб олиш жараёнида, Марказий банкни хабардор қилиш мажбурийдир.

Пруденциал талаблар ва тартибга солиш (тамойил 6-15) тамойиллари Базель қўмитасининг банк назорати бўйича талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида мавжуд бўлган хавф-хатарни камайтириш ҳамда банкларнинг барқарорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида, мажбурий иқтисодий нормативлар - кўрсаткичлар тизими жорий

этилиб, бу кўрсаткичлар доирасида капитал ва мажбурият ҳажми, қарздор турига қараб, тижорат банклари ўзининг актив амалиётларини, шу жумладан кредит амалиётларини, қимматбаҳо қоғозлар олиб-сотиш амалиётларни ўтказишлари мумкин.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодий кўрсаткичлар тизими Базель тамойилларининг 4-бўлимида кўрсатиб ўтилган асосий риск турлари устидан самарали тартибга солиш ва назорат қилишни таъминлашга қаратилган. Ушбу тизим 13 та кўрсаткичдан иборат бўлиб, хусусан ўз ичига қуйидагиларни қамраб олган: капитал етарлилиги даражаси, бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорларга максимал риск ҳажми, йирик кредит риск ҳажми, ликвидлиликка талаблар, қимматли қоғозлар билан амалиётларга талаблар ва ҳоказо.

Базель қўмитасининг 6-тамойилига мувофиқ, банк назорати органи банк олган рискка мувофиқ бўлган минимал капитал ҳажмини ҳамда юзага келиши мумкин бўлган зарарни қоплаш имкониятига эга эканлигини инобатга олган ҳолда аниқ капитал таркибини белгилаб бериши лозим. Ушбу талабларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Базель қўмитаси томонидан 1988 йилда қабул қилинган «Капитални ўлчаш ва унга бўлган талаблар ҳақида халқаро келишуви» асосида тижорат банклари капитали етарлилигига талаблар низомини ишлаб чиқиб, унда капитални етарлилик даражаси аниқ бир банк фаолиятидаги риск даражаси тавсифидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган, умумий капиталнинг асосий элементлари ва мезонлари белгилаб берилган .

Капитални етарлилик меъёри асосида банк фаолиятининг бошқа кўпгина кўрсаткичлари тузилганлигини инобатга олиб, унга алоҳида эътибор берилган. Капитал ҳажми нафақат амалиёт ўтказиш масштаби, балки уларнинг хилма-хиллиги билан, демак маблағлардан турли йўналишда фойдаланиш имконияти билан ҳам боғлиқ.

Умумий капиталнинг минимал рухсат этилган етарлилик даражаси рискка тортилган активларга нисбатан 10%, биринчи даражали капитал эса

5% миқдорида белгиланган. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўтиш шароитларини инобатга олган ҳолда, бу меъёрлар капиталнинг етарлилиги бўйича Базель қўмитаси андозасига мос равишда 8% ва 4% ни ташкил этган кўрсаткичларга нисбатан кучайтирилган эди. Бунда, агарда баъзи бир банкларда хавфсиз ва ишончли бўлмаган банк фаолиятини юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган омиллар пайдо бўлганда, Марказий банк томонидан мазкур банкка нисбатан энг кам белгиланган регулятив капитал ҳажмини ошириш талаби қўйилиши мумкин.

Кредит рисклилигини бошқаришга тегишли бўлган пруденциал меъёрларга тўхталадиган бўлсак, Базель қўмитасининг 7- тамойилида таъкидлаб ўтилганидек, кредит бериш ва инвестиция қилиш ҳар бир банкда банк кенгаши томонидан қабул қилинган пруденциал андозалар асосида объектив ва рационал усул билан амалга оширилиши лозим. Базель тамойилининг ушбу ҳолати «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган бўлиб, бунда республика банкларининг банк, шу жумладан, кредитлаш амалиётларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда мустақил эканлиги кўрсатилган.

Европа иттифоқининг амалдаги банк амалиёти билан мос келтириш мақсадида Марказий банк бир қарздорга максимал риск даражаси ҳажми меъёрини биринчи даражали капиталга нисбатан 25% дан 15% га тушириб, барча йирик кредитлар учун биринчи даражали капиталга нисбатан 8 баравар миқдорида максимал риск даражасини белгилаб берди. Бундан ташқари кредит рисклилигини аниқроқ ҳисобини юритиш ва уларни самарали бошқариш мақсадида бир қарздор тушунчаси «ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳи» - ягона риск омили билан бирлашган алоҳида қарздорлар тушунчаси билан тўлдирилган эди. Марказий банкнинг тааллуқли низомларида ўзаро алоқадор қарздорларни белгиловчи аниқ мезонлари берилган бўлиб, уларга нисбатан ҳам бир қарздорга ўрнатилган меъёрий талаблар ҳам қўйилган.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу низомда келтирилган максимал риск меъёри ва ягона риск омилини белгилаб беришга қаратилган мезонлар

аниқланиши Базель қўмитасининг рисклар концепцияси чегарасига нисбатан талабларига тўлиқ мос келтирилган. Ўрнатилган талаблар концентрациялаш ва йирик кредитларни тўпланишини чегаралашга ёрдам беради ва шу орқали банкнинг омонатчилари ва кредиторларини қўйилмаларини нисбатан катта миқдордаги ҳар хил фаолият билан шуғулланувчи шахслар ўртасида диверсификациялаш орқали ҳимояланишини таъминлайди.

Банкни тартибга солишнинг жорий услуги (16-20 тамойиллар) тамойилларига асосан банкларни назорат қилишда Марказий банк шундай позициядан келиб чиқадики, капитал етарлилик даражасини, банк балансининг ликвидлилигини таъминлаш ва бошқа иқтисодий меъёрларни бузмаслик ўз-ўзидан банкнинг ишончлилигини кафолатламайди, агарда унинг фаолияти тавсифининг сифати қониқарсиз бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки назорат функциясини амалга оширишда Базель қўмитаси, етакчи давлатларнинг назорат хизматлари томонидан тавсия қилинган банк назорати тамойилларига асосланган ҳолда ўз ишини олиб боришга интилмоқда. Базель қўмитасининг 16-тамомоилига асосан, банк назоратининг самарали тизими банк фаолиятини ташқаридан кузатишни, шунингдек, банкларни бевосита жойларда текширишни ўз ичига олиши лозим.

Шунингдек, таҳлил жараёнида кредит муассасалари фаолиятини беқарорликка олиб келувчи тенденциялар мавжудлиги ҳисобга олинади. Бу-бошқарувнинг сифати пастлиги, ҳокимиятнинг бир шахс қўлида тўпланганлиги, кредит ташкилотининг ҳаддан ташқари тез ривожланиши, операциялар ҳажмига етарли бўлмаган ахборот бошқарув тизими ва ички назорат, кредит портфели сифатини малакасиз бошқариш, рискларни қониқарсиз диверсификациялаш кабилардир. Тажриба шуни кўрсатадики, ушбу омилларни ҳисобга олмаслик банк фаолияти барқарорлигини таъминлашда ачинарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг масофадан туриб назоратни амалга оширувчи органи кунлик мониторинг

ўтказиб, муаммолар туғилган ҳолларда тижорат банкнинг молиявий ҳолати ҳақида диагнозни иложи борица эртароқ беришга қодир.

Масофадан назорат «эрта огоҳлантириш системаси» сифатида хизмат қилади. Мазкур сигнал бўйича банкка тезкор молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатиш зарурати ва имконияти мавжуд.

Бироқ, масофадан туриб назорат кам ҳолларда банк олдида турган ҳамма рискларни аниқлашга қодир ва кўп ҳолларда банкни бошқариш сифатини аниқлай олмайди. Фақат бевосита инспекция текширувларини ўтказиш банкнинг реал аҳволини кўришга имкон беради.

Масофадан туриб назорат натижасига кўра тижорат банклари фаолиятида муаммолар пайдо бўлсагина инспекция текшируви жойларда ўтказилади. Банк инспекторлари вазифаси - банкнинг капитал базасини йўқотишдан, шу билан бирга аҳоли ва ташкилотнинг маблағларига хавф туғдирувчи катта рискни ўзига юклашдан сақлашдир.

Банкнинг молиявий ҳолатини универсал шаклда баҳолаш, шунингдек, банк қонунчилигига, Марказий банк меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномаларига амал қилишини ҳар томонлама ёритиб берадиган CAMEL тизими бўйича тижорат банкларини инспекциялаш тўлиқ амалга оширилган. Мазкур тизим банк назорати ходимида банкнинг молиявий ҳолатини аниқлашга ёрдам беради.

Инспекция текширувлари банк аудити билан узвий боғлиқ. Банкда ташкил этилган ички аудит хизмати инспекция текширувларини ўтказиш вақтини анчага камайтиради. Ички аудит йиллик ҳисобот тайёрлашга асос яратиб, маъмуриятнинг белгиланган тартибда ишлаш ишламаслигини кўрсатади. Ички аудит ҳар доим назорат органининг фойдали ва керакли шериғи сифатида иштирок этади, чунки банк маъмурияти томонидан вазифаларнинг етарли бажарилиши уларнинг умумий манфаатидир.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, назорат сифатини таъминлашда банк назоратини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, тижорат банкининг объектив

рейтингини аниқлаш, банкнинг молиявий аҳволини ҳар томонлама таҳлил қилишга имкон берадиган банкнинг мустақил аудити ўрни анча аҳамиятга эга.

Ушбу йўналишда банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолайдиган мустақил аудиторлик компаниялари, керакли чора-тадбирлар кўриш учун муаммоли банкларни илк босқичида аниқлаш бўйича банк назоратини такомиллаштириш, банкларни рейтингини доимий чоп этиш ва ягона баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалда қўллаш бўйича мустақил агентлик яратиш бўйича рағбатлантирувчи чора-тадбирлар амалга оширилиши давом этмоқда.

Назорат органларининг ваколатлари (22-тамойил) тамойили Базель кўмитаси фикрига кўра, тартиббузарликларни ҳамда аниқланган хатоларни бартараф этиш учун банк назорати ўз ихтиёрида етарли чора-тадбирларга эга бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонунининг 53-моддасига мувофиқ «агар йўл қўйилган тартиббузишлар ёки банк ўтказаетган операциялар омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига аниқ хавф туғдирган» ҳолларда Марказий банк керакли чоралар ва санкциялар қўллаш ҳуқуқига эга. Бундай таъриф Марказий банкка банкнинг молиявий барқарорлигига хавф солувчи ҳар хил ҳаракатларига нисбатан қатъий чоралар кўришга имкон беради.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатда банк назорати органи томонидан мажбурий чоралар ва санкциялар қўллашига олиб келадиган хавфсиз бўлмаган ва носоғлом фаолият кўрсатиш ҳоллари аниқлаштирилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда банк назорати органлари банкларга нисбатан банк операцияларини амалга оширишда меъёрий ҳужжат ва қоидаларни, банк қонунчилигини бузганлиги учун чора ва санкциялар қўллашга ваколатлидир.

Капитал етарлилиги ҳисоби бўйича андозалаштирилган жараёнларни изчил ва босқичма-босқич жорий этиш, банк назоратини ташкил қилиш,

бозор интизомига риоя қилиш, эҳтиёткор, тоифалар бўйича дифференциацияланган банкларга ёндашув Ўзбекистон банкларига банк фаолиятини юритишнинг янги босқичига кўтарилишига ва шу билан бирга республика банк тизимини барқарорлигини кўтаришга имкон беради.

Банк капиталини бошқариш ва аудитини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

-Жорий йилнинг соф фойдасини капитал таркибига киритиш зарур. Чунки у тақсимланмаган фойда мазмунига яқин. Бунинг учун аудитор ҳулосасига қадар жорий йил фойдасини асосий капитал таркибида акс эттириб бориш лозим. Биринчидан, тижорат банкларнинг капиталини шакиллантириш учун халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалар етарли даражада асос бўлади; иккинчидан капиталнинг барқарорлиги нуқтаи-назаридан Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган банк активларини рискка тортиш услибиётида айрим камчиликларни бартараф этиш лозим.

- Ҳозирги вақтда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатада, шу жумладан, Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда ва унинг етарлилиқ даражасини белгилашда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалардан асос сифатида фойдаланилмоқда. Базельнинг ижобий жиҳатлари билан биргаликда, унга хос бўлган асосий камчилик ҳам бор, яъни, банк кредитлари бўйича риск тоифалари мижоз иқтисодиётнинг қайси секторига ва қайси давлатга мансуб эканлигига қараб белгиланган эди. Республикамиз тижорат банкларида Базель андозаларининг фақатгина ижобий жиҳатларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек унинг рискка тортиш тизимига айрим ўзгартиришлар киритиш зарур.

- Тижорат банклари капиталининг таркиби таҳлил қилинганда улардаги қўшимча капитал базаси заиф эканлиги аниқланди. Бунинг асосий сабаблари уларнинг қўшимча капитали таркибида консолидациялашган шўъба корхоналарга қилинган қуйилмалар мавжуд эмаслиги, субординациялашган қарз мажбуриятларидан фойдаланиш тартиби ижобий ечимини топмаганлиги

ва берилган кредитларнинг қайтарилмаслиги натижасида йўқотиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси миқдорининг пастлигидир. Демак, тижорат банклари қўшимча капитал базасини мустаҳкамлашда мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

- Миллий иқтисодиётда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини ушбу бозорда доимий олди-сотди объектига айланишига тўсқинлик қилмоқда. Уларнинг капитали таркибида эмиссион даромадларнинг вужудга келиш имкониятини бермаяпти, акцияларнинг бозор баҳосини шаклланишига иқтисодий муҳит яратилмаяпти. Шунингдек, банк акциядорларини моддий жиҳатдан манфаатдорлигини ошириш ва уларнинг банк бошқарувидаги иштирокини фаоллаштиришга иқтисодий эҳтиёж туғдирмаяпти. Ушбу ҳолатларни ижобий ҳал этиш мақсадида, тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг қўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш лозим.

- Тижорат банклари капиталини аудит қилишнинг асосий мақсадлари тўртта бўлиб, улар банк устав капиталининг барқарор даражасини таъминлаш, банк умумий капиталининг етарлилигини таъминлаш, банк асосий капиталининг етарлилигини таъминлаш ва банк капиталидан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади. Тижорат банкларининг капиталини самарали аудит қилиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш асосида ушбу мақсадларага тўлиқ эришишни таъминлаш зарур.

- Тижорат банклари жами капиталининг ва асосий капиталининг етарлилик даражасини бошқариш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, капиталнинг ҳар иккала етарлилик коэффицентини ҳақиқатда бажарилиши барча йирик тижорат банкларида белгиланган норматив миқдорга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган. Бунинг асосий сабаби сифатида банкларнинг рискка тортилган активлари ҳажмининг нисбатан пастлиги ва асосий капитал нобарқарор молиявий манбалар ҳисобидан ўсиб бораётганидир. Ушбу масаланинг ечими сифатида,

банкларнинг соф фойдасини асосий капитал таркибига киритиш лозим, шунингдек, асосий капитални молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шакллантиришнинг мавжуд бошқа имкониятларидан ҳам тўлиқроқ фойдаланиш лозим.

- Йирик тижорат банкларининг оддий акцияларини хусусий секторга мансуб корхоналарга сотиш ҳажмини ошириш йўли билан банкларнинг устав капиталидаги давлатнинг улушини пасайтириш мумкин. Бунда банк Бошқарувида акциядорларнинг иштирокини фаоллаштириш ва уларнинг ролини оширилиши банк ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини юзага келтиради. Банк Кенгаши аъзоларининг жавобгарлигини ошириш орқали банк капиталини бошқаришнинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш лозим.

III боб бўйича хулоса

Тижорат банкларининг капиталини молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш ва уларни самарали жойлаштиришга эришиш банкларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини янада ошириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига пухта замин тайёрлайди.

Банк фаолиятида энг асосий ўринни эгаллайдиган, энг барқарор манба сифатида қараладиган элементи бу шубҳасиз, банк капиталидир. Тижорат банки капитали – бу банк фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаси бўлиб, банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир.

Банк капиталининг моҳияти унинг ҳимоя, оперативлик ва тартибга солиш функцияларида янада яққол намоён бўлади.

Банк капиталининг хусусияти эса у узоқ муддатли бўлиши, мажбурий тўловларга тобе бўлмаслиги ва омонатчилар ва кредиторларнинг ҳуқуқий манфаатидан мустақил бўлишида ўз аксини топади.

Бугунги кунда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандартлардан асос сифатида фойдаланилмоқда. Унга кўра банк капитали асосий ва қўшимча ёки I-даражали ва II- капиталдан иборат. Халқаро талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам банк капиталининг етарлилиги, левераж ва банк капитали таркибига қўйилган талаблар, яъни банк капитали таркибида II даражали, қўшимча капитал улуши I- даражали асосий капитал улушидан ошиб кетмаслиги бўйича иқтисодий меъёрлар ўрнатган.

Банк фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда улардаги капитал етарлилиги, активлар сифати, даромадлиги, ликвидлилик даражаси кўрсаткичларни таҳлил қилиш зарур, ҳамда операцион аудитдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат этишда жойида назорат қилиш анча самарали бўлиб, банк капиталининг аудитига жиддий эътибор қаратилиши банкларнинг рақобатли фаолиятида уларнинг инқирозга тушиб қолишини олдини олади.

Базель кўмитасининг консультатив ҳужжатларидаги янги тавсиялар инқироз сабоқларини ҳисобга олган ҳолда банкларда назорат ва хатарни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу консультатив ҳужжатлардаги тавсияларни мамлакатимиз банк тизими хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга киритиб бориш зарур.

Тижорат банкларининг капиталини молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш ва уларни самарали жойлаштиришга эришиш банкларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг ривожланиши, натижада, халқимиз турмуш даражасининг ошишига олиб келади.

ХУЛОСА

Банк тизимининг тижорат банклари фаолиятини ислоҳ этишда банк назоратини такомиллаштириб бориш, ҳисобот материалларини тузишда халқаро молиявий ҳисобот ва талаблари тамойилларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк иши мазмун-моҳияти ва ташкилий даражаси бўйича давлатнинг макроиқтисодий инфратузилмасида ислохотларини олиб боришида аниқ мақсадини белгилаб олишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда банк фаолиятининг барқарорлигини орттириш, банк тизимини соғломлаштириш учун банк аудити ва банк назоратини такомиллаштириш масалаларини ижобий ҳал этиш вазифасини белгиланади. Банк тизимининг жамиятдаги мавқеи унинг даромад кўрсаткичи натижалари билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун банкларнинг самарадорлик кўрсаткичларини мунтазам орттириб боришини таъминлаш, аввало, банк ходимлари масъулияти бўлса, қолаверса давлат, банк даромадини мунтазам ортиб боришини назорати билан бирга тижорат банкларнинг банк капитали, банк активлари сифати, мижозлар олдида фавқулоддаги мажбуриятларини бажариш учун банк ликвидлик кўрсаткичини белгиланган тартибда кузатиб боришини талаб этади. Шундагина банклар республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга катта хисса қўшади.

Маълумки, мамлакат иқтисодий инфратузилмаси банк тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун банклар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда уларнинг бухгалтерия ҳисоботини ўрганиш билан чекланиб бўлмайди. Банклар фаолиятидан тўлиқ хабардор бўлиш учун уларда капитал етарлилиги, активлар сифати, даромадлилиги, ликвидлик даражаси кабиларни таҳлил қилиш зарур. Бунинг учун операцион аудитдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Банклар фаолиятини аудит текширувидан ўтказишда уларнинг хизмат турлари, бозор ҳолатлари

конъюктураси каби омиллар эътиборга олинishi лозим. Бунда ҳам операцион аудит қўл келади.

Операцион аудит хўжаликлар учун ишончли ва етарли маълумотлар асосида янги қўчмас мулк сотиб олишига, банклар учун эса қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳақида қарорлар қабул қилиш ёки қилмасликка асос бўлиши мумкин. Хўжаликлар операцион аудит хулосаларига таяниб, товар айланишини, банклар эса, ички айланма ҳужжатларини тартибга солади.

Операцион аудитни турли соҳа мутахассисларидан таркиб топган гуруҳ амалга оширади. Гуруҳ таркибидаги аудиторлар хўжаликларни текширганда ишни ташкил қилиш усули, компьютер операциялари, ишлаб чиқариш усуллари, маркетинг, бухгалтерия ҳисобини, банклар фаолиятини текширувчилар эса банклардаги капитал етарлилиги, активлар сифати, ликвидлиги, бухгалтерия ҳисоботи, компьютер операциялари, маркетинг кабиларни чуқур билиши шарт.

Албатта, операцион аудит ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш бошқа турдаги аудитга нисбатан қийин ҳисобланади. Банкларда операциялар самарадорлигини аниқлаш, уларни йўриқномаларга мувофиқлиги, молиявий ҳисоботлар тақдими, умумий бухгалтерия тамойилларига тўғри келмаслиги ва ҳар бир информациялар мезонини баҳолаш объекти ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётидаги ҳар бир ҳаракат мезонини қонун ҳимоялайди. Шундан келиб чиқиб, биз қонунда қуйидаги фикрлар аниқ юритилишини мақсадга мувофиқ деб биламиз. Бунинг учун:

1. «Операцион аудит» ўтказиш даврининг белгиланиши (бизнингча, йилига бир марта).
2. Қайси иқтисодий субъектлар ўтишини(бизнинг фикримизга кўра барча субъектлар) аниқ белгиланиши керак.

Мамлакатимизда аудит тўғрисида қабул қилинган қонунда операцион аудит мажбурий аудитга қўшиб юборилган. Иқтисодиётга оид илмий адабиётларда эса операцион аудит консалтинг хизматига тенглаштирилган.

Бизда амалга оширилаётган мажбурий аудитда фақат балансгагина эътибор берилади. Бу эса, унчалик тўғри эмас. Айрим мутахассислар таъкидлаганидек, операцион аудитни консалтинг хизматига тенглаштириб бўлмайди. Чунки, консалтинг хизмати операцион аудитга нисбатан жуда оддийдир. Хўжалик юритувчи субъект ёки банклар консалтинг хизматлари учун катта миқдорда пул тўлайди. Аммо эвазига кўпинча етарлича фойдали маслаҳат ва кўрсатмалар олмайди.

Режалаштириш аудит текширувининг бошланғич бўлими бўлиб, унинг вазифаси аудитор бажарадиган иш тартибини таъминлаш, давомийлиги турларини аниқлаш, режаси ва текшириш дастурини ишлаб чиқиш, аудитни ўтказиш муддати ва аудит ишининг омилини белгилашдан иборатдир. Юқорида, аудит бошқарувида Чамберс усулидаги режалаштириш омили(ни эсга олган ҳолда, албатта, бу билан аудитнинг стратегия ва тактикаси аниқлаб олинади. Режа ва дастурлар ишлаб чиқишни қуйидаги тамойилларга ажратиш мумкин:

- комплекслиги, дастлабки режалаштиришдан то режа ва дастурни ишлаб чиқишда барча босқичларнинг бир-бирига боғлиқлигини таъминлаш.

- узлуксизлиги, аудит фирмасини муттасил мижоз билан узоқ муддат ичидаги (бир йил ва ундан ортиқ) аудит ўтказишда стратегик ва техник иш режасини бир-бири билан боғлиқлигини ифодалаш.

- энг қулай, энг мақбуллиги режалаштиришда бир неча усулни ишлаб чиқиш, кўриб ўтиш ва энг қулайни танлаш.

- режанинг асосий ва охириги иши бу аудиторлар гуруҳини ташкил қилиш, уларнинг профессионал касбларига мувофиқ равишда аудитни аниқ бўлимларга ажратиш, йўриқномалар билан таништириш, иш режаси билан таништириш ва аудит дастури ва иш сифатининг назорати тартибини ўрганишдир.

Банк аудитини ўтказишда қуйидаги банк фаолиятини ёритувчи, белгиловчи унсурларга эътибор берилиши зарур:

- Банк капитали етарлилиги;

- банк активлари сифати;
- банк менежментининг мавқеи;
- банк даромадлилиги;
- банк ликвидлик кўсаткичлари;
- банк фаолиятининг самарадорлиги (фойда, даромад, самарадорлик);

Бундай мустақил аудит хулосалари банк фаолиятида кейинги стратегик режаларни тузишда ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси банк капитали аудитини ташкил қилиш ва унинг услибиётини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган тадқиқот натижалари қуйдаги хулосаларини чиқариш ва таклифларни киритиш учун асос бўлди:

1. Бугунги кунда тижорат банклари бошқаруви қарорлари турли ҳилдаги ташқи ва ички молиявий маълумотларга асосланганлиги сабабли улардан фойдаланишда инфратузилмавий хизмат кўрсатувчи аудит хизмати хулосаларига таяниш зарурдир.

2. Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини ўрганиш, актив ва пассив операцияларнинг ўзаро мувофиқлиги моделини тузишда динамик ёндашувга асосланиш, унинг фаолиятида юзага келиш эҳтимоли бўлган рискларни манбаларига кўра чуқур таҳлил қилиш зарурияти, ушбу жараёнда тижорат банки молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳамда унинг барча рискларини таҳлил қилган ҳолда уларни ички аудиторлик хулосаларидан фойдаланишнинг ўзига хос томонлири очиб берилди.

3. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги тижорат банклари капитали аудитнинг илғор тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси банклари ички аудит тизими фаолияти самарадорлигини оширишни таъминловчи ички аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилди.

4. Халқаро аудиторлик стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, таклиф этилган услубият асосида банк капитали аудити фаолиятини автоматлаштирув “Audit Soft” компьютер дастури ишлаб чиқилилиши лозим.

5.Тижорат банкларида бошқарув тизими учун ички аудит фаолиятини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва афзаллик жиҳатлари қуйдагилар билан изоҳланди:

- 1) Ташқи аудитга нисбатан кам харажатлилиги;
- 2) Қонунчиликка доимий риоя қилишнинг кафолатланиши;
- 3) Ички аудиторлар хизматидан мунтазам фойдаоаниш имконияти;
- 4) Ички аудиторларнинг банкдаги вазиятдан, иш ва бошқарув услубидан, банкда қабул қилинган сиёсатдан хабардорлиги;
- 5) Аудиторлар орқали банк бўлимларидаги юқори малакали мутахассисларнинг текширувларга жалб қилиниши;
- 6) Илғор технологиялар ва иш услубини жорий этишнинг рағбатлантирилишига кўмак берувчи тизим эканлиги.

6. Тижорат банклари капиталини аудит қилишнинг асосий мақсадлари тўртта бўлиб, улар банк устав капиталининг барқарор даражасини таъминлаш, банк умумий капиталининг етарлилигини таъминлаш, банк асосий капиталининг етарлилигини таъминлаш ва банк капиталидан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади. Тижорат банкларининг капиталини самарали аудит қилиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш асосида ушбу мақсадларга тўлиқ эришишни таъминлаш зарур.

Иқтисодиётини эркинлаштириш босқичида тижорат банкларида халқаро стандартларга асосланган аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларига талаб ортиб бормоқда. Шу боис, халқаро аудиторлик стандартлари талабларига кўра аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларида ички аудит хизмати текширувларининг аниқ мақсади, текширув объекти ва аниқланган камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларининг очиб бериш зарурдир.

Тадқиқот натижалари ва таклифлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган банк тизими ички аудит хизмати назарияси ва услубиятини халқаро аудиторлик стандартлари талаблари даражасига кўтарилишига ва унинг самарадорлигини оширишда хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1.1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Шарқ, 8 декабр 1992.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 21 декабр 1995.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 25 апрел 1996.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун.-Т.: Ўзбекистон, 2000, 26 май.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядор жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида» ги Қонуни.-Т.: Ўзбекистон, 1996 йил 26 апрел.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун 2008 йил 22 июль

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва

Қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари.

2.1. Ўзбекстон Республикаси Призидентининг «Республикада банк аудитини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. -Т.: ПФ-1500 1996 йил 24 июл. Халк сузи 1996 й 25 июль.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2006 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2.5. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги “Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

2.6. Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори 7 ноябр 2007.

2.7. «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 22 июн 2001. №264.

2.8. Ўзбекистон банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами тўлдирилган иккинчи нaшри. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -425 б.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 10 декабрдаги №37/9-сон қарори билан тасдиқланган «Кредит бюрoларидa ички аудит ўтказишга ва кредит бюрoларининг йиллик ҳисоботларига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом».

2.11. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» 1998-2005 йиллар.

2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.11.2010 й. ПҚ-1438-сон "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори

2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2015 й. ПҚ-2344-сон “Тижорат банкларининг молиявий бақарорлигини янда ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Меъёрий ҳужжатлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида” ги Низоми 2000 й. 24-июнь №403.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида” ги Низоми 2000 й. 24-июнь №403.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларига ички назоратни ташкил этишга оид тавсиялар тўғрисида” ги Низоми 1998 й. 4-июль №404.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низоми 2004 й. 13-март №405

3.5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2012 йил 29 декабрдаги “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 36/2-сонли Қарори

3.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2012 йил 29 декабрдаги “Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга бўлган

талаблар тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 36/1-сонли Қарори

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

4.1.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлашти-риш йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -266 б.

4.2.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -365 б.

4.3.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -682 б.

4.4.Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз озод ва обод Ватандир. -Тошкент: 1996. -301 б.

4.5.Каримов И.А. “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -200 б.

4.6.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

4.7.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, 2014 йил.

4.8.Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, 2008 йил 9 февраль.

4.9.Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси. 2008 йил 5 декабрь.

4.10. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, 2007 йил 8 декабрь.

4.11. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси, 2007 йил 31 август

4.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 й.27 ноябрь

4.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантиришга борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

4.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ- 1317-сонли “ Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

4.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

V. Асосий адабиётлар

5.1. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. - Т.: ТМИ, 2007.

5.2. Белоглазова Г.Н. Аудит банков. Учеб. пособие / Под ред., Л.П. Кроливецкой, Е.А. Лебедева, - М.: Финанс и статистика/, -2001.-352 с.

5.3. Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, Т.: -2003. - 601 б.

5.4. Каралиев Т.М., Абдуллаев Ё.А. “Банк иши” ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ, 2009. – 580 б.

5.5. Норқобилов С., Абдусаломова О. Банкларда аудит “Маънавият”, Т.: 2005. -176 б.

5.6. Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. “Иқтисод-Молия”, Т.: 2007. -180 б.

5.7. Кунцына Н. Н., Хисамудинов В. В. Банковский аудит. Москва «Финансы и статистика» 2005 – 128 с.

5.8. Каримов Н. Ф. Тижорат банкларида ички аудит. “Фан”, Т.:2006.-120 б.

5.9. Смирнова Л.Р. Банковский аудит, Москва – 2001г. 416 с.

5.10.Шидловская М.С. Банковский надзор и аудит, Минск -2003 г. 318 с.

5.11.Хамдамов Б. К. Аудит иқтисоди. -Т.: ТМИ, 2005. -251 б.

VI. Қўшимча адабиётлар

6.1.Жарыгласова Б.Т. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. - М.: НОРУС, 2005. - 400 стр.

6.2.Информационные технологии в бухгалтерском учете и аудите: Учебное пособие. - М.: «Проспект», 2005. - 216 стр

- 6.3. Камышанов П.И. Современная бухгалтерия и аудит на предприятиях и в банках.-М.: 2000.-380 с.
- 6.4. Кармайкл Д.Р. Бенис М. «Стандарты и нормы аудита» Пер. с англ. – М.: Аудит, ЮНИТИ 1995 527 с.
- 6.5. Кирушева Г.А. «Методы проведения аудиторской проверки для российского аудита» - М, «ДИС» 1995 г 260 с
- 6.6. Ковалева О.В., Константинов Ю.П. «Аудит. Организация аудиторской деятельности. Методика проведения аудиторской проверки» М.: «ПРИОР» 1999. 272с.
- 6.7. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истикболлари.- Т.: ТМИ. 2004.-348 б.
- 6.8. Мусаев Х.Н. Иқтисодий ислохотлар шароитида-аудит. //Бозор, пул ва кредит, 1998. №5.
- 6.9. Мазуренко А.А. Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005
- 6.10. Макальская А.К. Внутренний аудит. Уч. ДиС. М.: - 2005й.
- 6.11. Омонов А. Банк капитали етарлилигини таъминлашда хатарли банк активлари аҳамияти. // Бозор, Пул ва Кредит. №6 2004. – 14-15 б.
- 6.12. Омонов А. Банк капитали етарлилигига қўйилган талаблар. // Бозор, Пул ва Кредит. №3 2004. – 14 - 15 б.
- 6.13. Омонов А. Замонавий ривожланиш боскичида тижорат банкларини капиталлаштириш, // Бозор, Пул ва Кредит.. №7 2005. – 3-5 б.
- 6.14. Омонов А. Состояние и перспективы управление ресурсами коммерческих банков Узбекистана. //Рынок, Деньги и Кредит . №1, 2007.
- 6.15. Собиров А., Юсупов А. Стратегия формирования и укрепления капитала коммерческих банков Узбекистана. //Рынок, Деньги и Кредит, №2. 2005. – 9-15 с.
- 6.16. Шеремет А.Д. Аудит. Учебник. Инфра-М.: - 2006 й.
- 6.17. Вахрин П.И. Финансовый анализ коммерческих и некоммерческих организациях: Учеб. Пособие – М; Издательство – книготорговых центр Маркетинг, 2007 й.
- 6.18. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности: - М.: УРСС, 2001.
- 6.19. Лаврушина О. Банковское дело. Учебник. М.: - 2007 й.
- 6.20. Суйц В. Аудит: общий, банковский, страховой. Учебник. М.: - 2005 й.
- 6.21. Смирнова Л. Банковский аудит. Учеб. Пос. ФиС. М.: - 2006 й.
- 6.22. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. М.: -2005.
- 6.23. Аудит банков: Учеб.пособие/Под ред. Г.Н. Белоглазовой, Л.П. Кроливецкой, Е.А. Лебедева.- М.: Финансы и статистика, 2002. – 352 с.
- 6.24. Аренс А., Лоббек Д. Аудит. Учебник. Пер. С англ. 2005 й.
- 6.25. Шеремет А.Д. Финансовый анализ в коммерческом банке. – М Финансы и статистика 2007.
- 6.26. Банк аудити. Маъруза матн Т.: ТМИ, 2005 й.
- 6.27. Санаев Н.С., Нарзиев Р. Аудит. Ўқитувчи, 2001 й.

VII. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

- 7.1. Азизов Ш., Отажонов М. Ўзбекистонда аудиторлик хизматлари бозорини такомиллаштириш истикболлари// Бозор, пул ва кредит, -2005.-№1. 50-51 б.
- 7.2. Абдуллаева Ш. Аудиторлик фаолияти: муаммо ва ечимлар// Бозор, пул ва кредит, -2006.-№2. 27-29 б.
- 7.3. Жўраев Ў. Аудиторлик хизматининг зурурияти // Бозор, пул ва кредит, -2006.-№2. 46-48 б.
- 7.4. Идиев Н. Оценка риска при банковском аудите // Бозор, пул ва кредит, -2009.-№1. 54-55 б.
- 7.5. Каримов Н. Тижорат банкларида ички аудит тизимини шакллантириш // Бозор, пул ва кредит, -2005.-№10. 14-17 б.
- 7.6. Каримов Н. Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти // Бозор, пул ва кредит, - 2006.-№1. 19-21 б.
- 7.7. Каримов Н. Тижорат банклари ички аудити фаолиятида муҳимлилик кўрсаткичи // Бозор, пул ва креди. -2006.-№6. 5-7б.
- 7.8. Маматов З. Ўзбекистонда аудитни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари // Бозор, пул ва кредит, -2005.-№2. 33-36 б.
- 7.9. Шарипов Д. Тижорат банклари ички аудит тизимини ривожлантириш // Бозор, пул ва кредит, -2006.-№11. 7-9 б.
- 7.10. Эрматов М. Банк назорати, аудити оисклари ва уларнинг таҳлилий масалалари // Бозор, пул ва кредит, -2007.-№6. 36-37 б.
- 7.11. Юсупов Х. Тижорат банклари ресурсларининг туркумланиши// Бозор, пул ва кредит. -Тошкент, 2003. -№ 10. -Б. 3-5.
- 7.12. Омонов А.А. Банк капитали етарлилигига қўйиладиган талаблар// Бозор, пул ва кредит. -Тошкент, 2004. -№3. -Б. 16-18.
- 7.13. Омонов А.А. Банк капитали етарлилигини таъминлашга хатарли банк активлари аҳамияти// Бозор, пул ва кредит. -Тошкент, 2004. -№ 6. -Б. 11-12.
- 7.14. Каримов Н. Тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлаш-инвестициявий фаолиятни такомиллаштириш омили// Бозор, пул ва кредит. - Тошкент, 2006. -№10. -Б. 13-14.

VIII. Интернет сайтлар

<http://www.uba.uz>

<http://www.cbu.uz>

<http://www.cbr.ru>

<http://www.gov.uz>

<http://www.bahkir.ru>

<http://www.google.uz>

<http://organizations.finance.ua>